

МАНСУРХЎЖА ХЎЖАЕВ

**АЙТМАЙ ДЕЙМАН-У...  
БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР-ДА**

*(Ҳаётий ҳангомалар)*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2013

УЎК: 821.512.133-7

КБК 84(5Ў)7  
X-98

- ушб. араб.


X – 98 Хўжаев, Мансурхўжа

Айтмай дейман-у... Бўлган воқеалар-да.  
Ҳаётин хангомалар. – Т.: «Sharq», 2013. – 144 б.

ISBN 978-9943-00-999-8

УЎК: 821.512.133-7  
КБК 84(5Ў)7

Ю 42164  
291



ISBN 978-9943-00-999-8

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2013.

## *Кулги согинчи*

Оламда китоб кўп, барини ўқишга умр етмайди. Баъзан орзикиб бокиб, буни ўқимасам бўлмайди-да, дея кўз остига олган китобни вараклашга ҳам вақт тополмай юрасан. Аммо бирон-бир кадрдонинг, танишинг ёки ёш адиб келиб, бир тўплам тайёрлагандим, кўриб фикр айтсангиз, деб қолса, бундан бўйин товлаш қийин. Мансурхўжа ака агар малол келмаса, тўпламчамни кўриб, мулоҳазаларингизни айтсангиз, деганида, кўнглимдан бир андиша кечди – гоҳ мўъжизакор табиат, гоҳ тарихий мавзуларда асар ёзиб юрган, шахси ва ижоди ҳақида Озод Шарафиддинов, Ўткир Ҳошимовлардек зотлар мақолалар битиб, илиқ сўзлар айтган бу қаламкаш энди нега айнан менга мурожаат қиляпти? Бу саволга тўпламни варақлай бошлаганимдан сўнг жавоб топдим, унга хангомалар жамланган экан. Мен учун сира кутилмаган хол бўлди, чунки бу кишининг ушбу мавзуда қалам тебратганига илгари сира дуч келмаган эдим.

Одам боласи асосан турмуш ташвишлари билан банд бўлгани учун доим кўнгилочар давраларни кўмсаб, кулгини соғиниб яшайди. Кулгини соғиниб турган кунларим эди, бу тўпламга қандай шўнғиб кетганимни сезмай қолдим, ўқиганим сайин, чарчоқларим ёзилаверди. Мансурхўжа ака кўп амалларни, нуфузли-нуфузли давраларни кўрган, элнинг ичида кечган не-не воқеаларнинг шохиди бўлган, бевосита иштирок этган. Шу боис хангомаларида ҳаётнинг иси гупуриб туради. Уларнинг аксарияти эски замон билан боғлиқлиги туфайли ҳозирги авлодга нотаниш бўлган атамалар сероб. Кулгилар

ичида ўша даврнинг иллатлари ҳам ўз-ўзидан намоён бўлиб бораверади.

Тўплам билан танишиб бўлгач, муаллифга айрим истакларимни ҳам айтдим. У ёки бу ҳангомада дўстларнинг хурмати учун қатор-қатор исмларни санаб ўтиш гуноҳ эмас, лекин воқеаларда уларга бирон-бир вазифача юклашга уринилса, айни муддао бўларди. Баъзи таъби нозикрок кимсаларнинг исмини аниқ кўрсатишда эҳтиёт шартдан бир олдидан ўтиб қўйган маъқул, баъзиларининг исмини ҳозирча ўзгартириб туришга ҳам тўғри келар. Латифаларнинг энг чойхонабопини устомонлик билан “пардалаш” лозим бўлади, айрим ҳангомаларни эса, турли андишаларга кўра, балки тўпламга киритмай турган яхшидир. Биздан шунчаки маслаҳат, қолгани муаллиф билан муҳаррирнинг ихтиёрига боғлиқ. Нимани ихтиёр қилишганини китоб чикканда биламиз.

Қайғули гапни айтишдан кўра ёзиш осонроқ, кулгили гапни айтиш осон-у ёзиш кийин. Мансурхўжа Хўжаев ёзишга жазм этган экан, бундай дангалчиликка тан берамиз холос.

Илойим, юртимизда бугдой ва кулги кўпаяверсин!

**Анвар ОБИДЖОН,**  
*Ўзбекистон халқ шоири.*

## **КЎНГЛИМДАГИНИ БИР ТЎҚДИМ-ДА**

*Мундоқ ортга қарасам, анча яшаб қўйибман, ҳар хил амалларни, турфа давраларни кўрибман. Ҳаётда эса қизиқ-қизиқ ишлар кўп бўлади, вақт ўтиши билан уларни турли гурунгларда эслаб, кулганимиз-кулган.*

*Кулгига бой ўтиришларда қадрдонларим баъзан ёқамдан олгудек бўлиб, ҳой, сенинг қаламинг бор, шуларни ёзсанг-чи, деб қисташади. Бир айтишди, икки айтишди, охири таваккал қилиб, ёзишга тушдим. Ёзганларим китобхонларга сал бўлса-да маъқул келса, нур устига аъло нур, кўнгилларига унча ўтирмаса, ичимдагиларни бир тўкиб олдим-ку, деб ўзимни юпантирарман.*

*Афанди айтмоқчи, уста бўлиш орзусида бир таёқча йўниб қўйдим, агар шу ҳам ҳассами десангиз, лоақал пахта савашга яраб қолар.*

**Мансурхўжа Хўжаев**



Бу топқирликдан завқланган Анваржон “яхши” сўзининг русчасини ишлатиб, ўз навбатида кичкирибди:

– Хорошооооооо!!!

### *Ғафлатда қолдим*

Республикада танилган кулги устаси, Учкўприкда яшовчи Баҳодир кизик хотини Салимахон билан чой ичиб ўтириб:

– Онаси, пиёламда шама тик турибди, меҳмон келади шекилли – деса,

Хотини:

– Э, чўктириб юборинг, бугун ишларим кўп, компот беркитишим керак, – дебди.

Баҳодир шамани чўктиришга уринибди-ю чой қайноқлиги учун қўлини шошиб пиёладан тортиб олибди. Кўп ўтмай, қайнонаси шалаббо кийимда уйга кириб келибди.

– Вой ўлмасам, сизга нима бўлди, ая? – деб сўрабди Салимахон.

– Буям бир палакат-да, – дебди онаси. – Уйларингга бурилаётим, кўчадаги ариққа йиқилиб тушсам бўладими!

Буни эшитган Баҳодир ўзича:

– Шама қайнонам эканини билганимда, кўлим куйсаям чўктирворардим-а! – дермиш.

### *Семиришнинг сири*

Баҳодир кизик хотинига дашном беряпти:

– Бунча килтириқсан? Уйда ҳамма нарса етарли бўлса, нега семирмайсан? Кимга тортгансан ўзи, онанг бўлиққина, гавдали...

Салимахон кизикчининг хотини эмасми, ўхшатиб жавоб қилибди:

– Онам ҳам бир вақтлар менга ўхшаган нозикки-на эдилар. Эрлари ўлгандан кейин эт кўйиб, семир-риб кетганлар...

### *От тортолмайдиган кўшиқ*

Иши пишиқ муҳандислардан бўлган Кузма кў-конликлар билан гурунгдашлик қилавериб, жуда ўзбеклашиб кетган. Бир куни у касбдоши Жўрақўзи билан от миниб кетаётиб, бирорта ўзбекча ашула ўргатишни илтимос қилибди, Жўрақўзи “Мен фақат катта ашулаларни биламан, катта ашула жуда оғир, айтолмайсан”, деса ҳам, сира кўнмабди. Шунда Жўрақўзи “Нима десам шуни қайтариб тур”, деб ашулани бошлабди:

– Боғаро кўйсам када-а-м...

Кузма такрорлабди:

– Бағара куйсам када-а-м...

Жўрақўзи давом этибди:

– Гул-ғунча қолмай хандаду-у-р...

Кузма яна такрорлабди:

– Гулунча калмай хандадр-р-р...

Хиргойининг охиридаги “др-р-р”ини эшитиб, оти тўхтаб қолган экан, Кузма Жўрақўзига ҳайрат билан бокиб дебди:

– Вот смотри, а! Рост айтибсан, Журакузи, узбек-ча ашула жуда ағир, даже от торталмай колди.

### *Шеърхонлик*

Шоир Турсун Қамбар хонадонига азиз меҳмон-лар келади. Турсунбой меҳмонларни Сирдарё кир-ғоғига, қадимий Окжар кема солига зиёратга олиб боради. Баҳор ойлари эмасми, дарё тошган, дарё ўртасидаги оролча турли-туман кушлар бозорига айланган.

Турсунбойнинг божалари Абдумалик домла ва Баҳромали бир-бирлари билан ака-укадек инок, моҳир овчилар. Улар қайиққа ўтиришиб, оролчага йўл олишади, паналаб бориб, қушларга қарата бирин-кетин ўқ узишади. Қарангки, қадамлари ёққанми, ҳар қалай бу ўқлардан олтита чуррак сув бетида қалқиб қолибди.

Зиёфатга текин гўшт топилганидан беҳад қувонган Турсун Қамбар божаларининг овчилик маҳоратини улуғлаб, улар қирғоққа кўниб-кўнмасиданок, 30–40 қаторли шеърни тайёрлаб кўйибди. Шеърнинг сўнги қисмидан парча келтирамиз:

*Қуёшдай юзи иссиқ,  
Оҳ, менинг божаларим!  
Энди чиройли бўлар,  
Дилдаги режаларим.*

*Ярим кило гўшт – фойдага,  
Севинчдан дарё дилим.  
Ғар чурраклар отилмаса,  
Бир сатр ҳам ёзмасдим.*

Турсунбой менга қараб, газетада муҳаррир бўлсангиз, бу шеърни босармидингиз, деб сўраган эди, кўплашиб, топиб-тутиб, юкоридаги шеърни “муҳаррир” тилидан шундай давом эттирдик:

*Учта чуррак берилмаса,  
Бундай шеърни босмасдим.*

## Пойга

Кўконда машҳур Ҳошимжон ошпазнинг меҳмони бўлмаган шоҳу гадо қолмаган десам, асло муболаға эмас.

Ҳошимжон амаки бир куни менга телефон қилиб, “Жинниларни тузатадиган дўхтирни топиб келмасангиз бўлмайди, ўғлим”, деб қолдилар. “Тинчликми, амаки, нима бўлди?”, деб сўрасам, “Келсангиз биласиз”, дедилар.

Енгилқўл дўхтир Исмоилжонни олиб, Чорсудаги дўконларига етиб бордим. Ўғиллари Козим ака билан ўтирган эканлар. Салом-алиқдан сўнг нима гаплигини сўрадим.

– Э, нимасини айтасиз, – ўғли Козим акани қошида кўрсатиб гап бошладилар. – Мана буни соғ деб юрардим, ғирт жинни бўлиб қолибди. Фарғонага бориб, ишни битириб, Кўконга қайтиб келаётсак, Олтиариқда бизни бир “Жигули” қувиб ўтди. Козим орқасидан қувди. Йўлда меласага ҳам, бошқасига ҳам қарамайди. Қувиб бориб, Кўкондан ҳам, Яйпандан ҳам, Пунгондан ҳам ўтиб, охири Қамчик дово-нига яқин жойда етволди. Козим уни қувиб ўтаётиб, машинасининг ойнасидан: “Ҳа, қалайсан энди, акаси?” деб қийқирди. Кейин машинани орқага буриб, таққа тўхтаб қолди.

“Ҳа энди бир шўхлик қилибди-да, дарров жиннига чиқарманг”, десам, “Уни дарров окламасдан, гапнинг давомини эшитинг”, дедилар:

– Нимага тўхтаб қолдинг, кетдик Кўконга, десам, у пинак бузмасдан туриб, “Яна бирорта “пойгачи” ўтиб қолар, у билан бир қувалашиб, балки Намангон тарафларниям кўриб келармиз”, – дейди. Ана энди айтинг, бу жиннилик бўлмай нима?

## Лақабли дўстлар

Водилда дам олаётган эдим, Маҳмуд Ҳошимов бошлик дўстларим кўргани боришди. Шу ҳикоя баҳона, уларнинг лақабларини ҳам бир эълон қилиб кўяй: Носиржон – Акула, Хабибжонники Осмон, Сойиб Али – Қовун, иккинчи лақаби Пакана, Мухтор – Вагранка, Рашидхон – Родриго, Мансур Абдулла – Шалок, Маҳмуд Умар – Яго, Қаюм Ёркин – Чалпак, иккинчи лақаби Туя, Шухрат Қодир – Ялангтўш, Марат Азим – Кўчкор, Баходир Отажон – Сурнай, Маъмур Абдулло – Мишел, Эркин – Сапог. Ҳа, дарвоқе, бу лақабларнинг кўпини Маҳмуджон кўйган. Баъзилар уни “Кларнет” дерди, Маҳмуджон хақиқий лақабни Водилда орттирди.

Алқисса, юқоридаги дўстларим келаётиб, у-бу нарса харид қилишмоқчи бўлса, Маҳмуд уларни Кўкон, Фарғонада ҳам тўхтатмай олиб келибди, охири Водил бозоридан харажат қилишибди. Сизга ёлғон, Худога чин: олган шафтолилари қантак ўрикдан кичик, олмалари гилосдек, бошқа нарсалар ҳам бундан тузук эмас. Бу ҳам етмагандек хонамга қўйилган совутгичдаги нарсаларни еб-ичиб битиришди.

Хайрлашаётиб олиб келган мева-чеваларини қайтариб бердим. “Биз буларни сенга олганмиз”, дейишган эди, “Менга олсанг, мундай, қараб олмайсанларми?”, деб тумтайдим.

– Ҳа, энди олиб қолавер, ҳамшираларга берарсан, – деб чимирилди Маҳмуд.

– Бу ердаги ҳамшираларнинг ҳам кўзи тўк, бунақа нарсаларни назарга илишмайди, сенга ўхшаган паст эмас, – дейишимни биламан, бошқалар: “Ана, зўр лақаб энди топилди”, – деб қувонишди. Мухтор Маҳмудга “Айтмовдимми бир кори-хол бўлади”, деса, Маҳмуд ҳам бўш келмай “Эртадан кейин

баманирок ўртоқлар билан келаман, Шохимардонга олиб бориб, ҳаммангга ош қилиб бераман, мендан “паст” деган бу лақабни олиб ташлайсизлар”, деди. Табиатан сахий, мард Маҳмудга бу лақаб албатта номаъкул-да.

Ўшандан кейин Маҳмуднинг бир неча марта ошини едик, ҳар сафар: “Яхшироқ лақаб ахтаряп-миз, ҳозирча тополганимиз йўк”, деб навбатдаги ошнинг илинжида тамшаниб тураверамиз.

### *Гугурт ўчоқнинг бошида*

Шоир Анвар Юнус Раънохонга янги уйланган пайтда Кўкон мебель фабрикасида муҳандис эди. Аста-секин, иш баҳона, уйга кеч келадиган одат чиқарибди (ҳозир ҳам бу феъли кетганича йўк).

Бир куни Раънохон эрини пойлашга қарор қилиб, унинг пиджаги ва телпагини кийиб, Фуркат боғидаги скамейкада кунишиб ўтираверибди, зеро, Анваржон ҳар куни шу ердан ўтади, уйи ҳам ўша ерга яқин.

Алкисса, Анваржон кўринибди. Буфетга кириб, папкани ёнига қўйиб, икки кружка пивони майдалабди. Ташқарига чикқач, чеккиси келиб, “Казбек” папиросини лабига кистирибди-да, йўл-йўлакай ўткинчилардан гугурт сўрай бошлабди. Ҳеч кимда йўк. Яна йўлида давом этиб, скамейкада ўтирган “йигит”га яқинлашиб: “Гугурт йўкми, оғайни?”, деб сўраса, хотини нима мақсадда ўтиргани эсидан чиқиб, дебди:

– Менда гугурт нима қилади, гугурт ўчоқнинг бошида туришини биласиз-ку, дадаси!

## *Мени есин, ўша Есин*

Турғунлик йилларида 1-синф ўқувчилари-ю боғча болаларигача пахта теримига мажбурий сафарбар этиларди. Сафарбарликни текширишга вилоят партия кўмитасининг иккинчи котиби Есин келишини эшитган 10-мактаб директори, маҳаллий шоир Турсун Қамбар бошланғич синф ўқитувчиси Ўринбой домлага буюрибди:

– Пахта теримига тезлик билан биринчи синфни ҳам олиб чиқинг, обкомнинг иккинчи котиби Есин келяпти.

– Нима бўлса ҳам гўдақларни пахтага олиб чиқмайман, – дебди асабийлашиб Ўринбой домла. – Майли, мени партиядан ўчирсин! Майли, мени есин ўша Есин!

Турсун Қамбар ўқитувчининг яп-янги “кофияси”га ҳасад аралаш тасаннолар айтиб, жимгина қолаверибди...

## *Хижолатга ўрин йўқ*

Жазирама саратон. Катта Фарғона канали бошлиғи Эшон ака, унинг бош муҳандиси Кузма ва Наймансой бошлиғи Холбўри бува сойда мириқиб чўмилишибди. Ёш муҳандис Жўракўзи уларга хизматда.

Эшон акада тарвақайлаган гавда, вазналари 150 килодан тепада, сўлқиллаган катта қориндан пастини кўриш ҳуқуқидан аллақачон маҳрум бўлганлар. Сув ниҳоятда тез экан, бир вақт Эшон аканинг лозимини эғнидан ечиб, оқизиб кетибди. У кишининг сувда музтарланиб турганини кўрган хазилкаш Холбўри бува “тасалли” берибди:

– Хижолат бўлмай чиқаверинг, Эшон, қорнингиз тиззангизгача тўсиб турибди. Ҳеч нарса

кўринмаяпти-ку деса: – Ие, кара тузукрок, кўриб қолсанг, мендан салом айт, дермишлар.

### *Синглиси йўқми?*

Муртазо ва Мўминмирзо ўтиришларимизнинг файзи. Иккаласи жуда қалин, бири йўқ бўлса, иккинчисидан, “Ўртоғингиз қани?”, деб албатта сўраймиз.

Муртазо бир куни улфатларга мактаниб қолди:

– Мен бир таннозга илакишиб қолдим. Уни ишхонада хотинимга ҳам таништириб: “Бир ишла-тиб кўрингчи, иш юритувчиликка ярармикан?”, – дедим. Хотиним доимо айтганимнинг тескари-сини қилишини билганим учун гоҳо ходимани ёмонлаб, “Ановининг диди пастга ўхшайди, банк ҳужжатларини чалкаштириб юборяпти, цехда тартиб қолмаяпти”, деб қўяман.

– Бекорчи гапни айтибсиз, – деб унинг тарафи-ни ола бошлайди хотиним. – Биноийдек ишлаяпти, диди ҳам баланд, ишга ҳам жуда астойдил.

Муртазо бу гапини эшитиб, “Хотинингиз ни-хоятда содда, жуда жаннати экан, бизбоп синглиси йўқми”, деб ҳазиллашди. Бунга жавобан икки хо-тинли Мўминмирзо бирдан хушёр тортибди:

– Бўлганда ўзимдан ортмасди!

### *Тоҳирнинг мижоз оши*

Бағдод туманида Тоҳир деган ажойиб дўстимиз бор, моҳир фото-журналист. Кунлардан бирида унинг олдига Қахрамон деган дўсти келиб, ҳасрат қилибди:

– Сен билан ёшлиқдан тегишиб ўсганмиз, дўстим. Сенга эркалашга ҳаддим сиғади. Мазам қочиб, дўхтир менга бир дори ёзиб берган эди, то-

пилмас матох экан. Обрўли одамсан, бир оғиз айтсанг, сенга дархол топиб беришади...

Тоҳир дорихона мудирни бўлган дўстига кўнғирок қилиб, шу дорини топиб беришини сўрабди. Дўсти эртасига топиб беришни ваъда қилибди. Дорихоначи Тоҳирга ваъдани берибди-ю танишлар орасида гапни кўпайтирибди:

– Тоҳир мендан бир дори сўради. Агар бу дорини ичмаса, хотини кетиб қолиши ҳеч гап эмасмиш.

Тоҳирнинг яқин ўртоқлари унга телефон қилиб, бир-бир кўнғил сўрашибди: “Сен жуда зўр дори топибсан деб эшитдик, бизга ҳам топиб бер”. Охири Тоҳирнинг тоқати тоқ бўлиб, ўша дори хақида суриштиришга тушибди. Мижози суствларга бериладиган дори эканлигини билгач, Сариккўрғонда катта ош қилиб, ҳамма дўстларини чақирибди. Бўлган воқеани айтиб, бу гапларга чек қўйишларини сўрабди. Бироқ оғизга элак тутиб бўлмас деганларидек:

– Кеча нега ошга бормадинг? – деб сўрабди бир дўсти бошқасидан

– Қанақа ош?

– Тоҳирнинг мижоз ошигада.

### ***Шиша ичидаги қудрат***

Учарик туманининг ижрокўм раиси Ж.Тўракуловга райком биринчи котиби Вали Ҳамроев ҳасрат қилиб қолди:

– Мана дўстим, узоқ йиллар бирга ишладик, кадрдон бўлиб қолдик, аммо энди айриладиганга ўхшаймиз, эртага обком бюросида Ашур Ҳайдаров мени ишдан олмоқчи экан, хов ҳалиги иш бўйича...

– Э, кўйинг-э, туппа-тузук ишлаб турибсиз-ку ахир.

– Ҳа, нимасини айтасиз. Республика раҳбари бир

келганларида, “иккаланг бир извошнинг икки оти”, деган эдилар. Бу гапни Ашур Ҳайдаров билмайдига. Энди нима қилсам экан? Ўзингиз каттага бир кўнғирок қиласизми? Менинг кўнғирок қилишим ноқулай.

– Ҳозир ярим кеча бўлса, қандай бўлар экан?

Иккаласи бу борада бир оз ғижиллашиб ҳам олишибди. Кейин улар райкомнинг пастки хонасига кириб, икки юз граммдан тортиб ҳам олишибди. Нихоят, ҳалигининг кучи билан Жуман ака Вали Ҳамроевни бир амаллаб республика раҳбарига телефон қилдирибди. Бир соат ўтар-ўтмас вилоятдан бюро бўлмаслиги маълум қилинибди.

– Ана кўрдингизми, ўртоқ Валижонбой, – дебди Жуман ака, – икки юз граммнинг қудрати билан яна тўрт йил райкомлик қиладиган бўлдингиз, – дермиш.

## *Ғурур*

Кунлардан бирида ишга бориш учун машина кутиб турган эдим, Калинин совхози директори Машетянининг машинаси келиб тўхтади.

– Папирос борми? – деб сўради – Машетян.

Мен чекмаслигимни айтдим.

– Чик машинага.

Йўлда давом этдик. 400–500 метр нарида Урайим акалар турган жойга бориб, яна папирос сўради. Улар ҳам чекмасликларини билдиришди. Машина яна катта тезлик билан юриб кетди. Санам деган кишлоқда Маҳмуд акага рўбарў келдик.

– Чекиш борми?

– Чекмайман.

– Жупурук экансан-у! – деганича совхоз марказига бир сўз айтмай бориб, хонасига кириб кетди.

Шу-шу Маҳмуд ака “Беломор-канал”ни гугур-

ти билан олиб юрадиган бўлди. Бу папирос кургур вақт ўтиши билан сарғайиб кетса, алмаштириб олади, гоҳида, “директор зора сўраб колса”, деб намойишкорона лабига кистириб ҳам олар эди. Бирок, кани энди Машетян папирос сўраса...

Баъзан каминадан:

– Нима қилай, папирос сўрамаябди-ку, – деб кўяди.

– Олиб юраверинг, бир кун сўрамаса, бириси кун сўраб колар, – деб кўяман мийиғимдаги кулгини ундан яшириб.

### Котиба

Вобкент райкоми биринчи котиби Фозилжон соддалиги билан ажралиб турар эди. Кунлардан бирида кўшни районнинг биринчи котиби Қурбонжонга туш пайтида телефон қилиб нима қилиб ўтирганини сўрабди.

– Нима қилардим – дея бир ҳазиллашгиси келди Қурбонжон ака, – ҳамма райком нима қилса, шуни қиламиз-да.


– Тушунмадим – ҳайрон бўлибди Фозил.

– Учинчи секретарни партия нимага берган? Маишат қилсин, бошқаларга кўз олайтирмасин деб партия шу қарорга келган, – деб турубкани кўйибди.

Кейин яна бир ўртоғи Баходирга телефон қилдирибди. Баходир ҳам, худди келишиб олишгандек, Фозилга Қурбонали айтган гапни такрорлабди.

– Ие, бу қанақаси? – дебди Фозил. Партия раҳбари ҳар бир ишда, айникса, ахлоқда бошқаларга намуна бўлиши керак-ку, сизларнинг қилиб ўтирган ишингизни қаранг-а!

Фозил ҳамкасбларини тергадир уларга ҳаваси келибди.



тиянинг қароримикан, мен беҳабар эканман-да деб, қотибани хонасига чақиртирибди. Қотиба кириши билан ўпмоқчи бўлган экан, қулоғининг тагига бир шапати ебди.

Маслаҳат берган ўртоқларига телефон қилиб:

Шапати ҳам еб турасизларми? – деб сўради.

### *Ғофиллик*

Дўстим Анваржон Дадабоев бир ўтиришда асли исми Аҳмаджон бўлган кадрдонимиз Опоч ҳақида сўраб қолди:

– Опоч қалай юрибди? Ҳеч кўрмайман.

– Ие, хабаринг йўқми? Яқин икки ой бўлди, оламдан ўтди.

– Одам-подам эмас экансан, – деди Анваржон хафа бўлиб, – хабар бериб қўйишга ярамадингми?

Эртаси куни у хотини Ўлмасхонни етаклаб, фотиҳага борибди. Эшикни тақиллатган экан, Опочнинг ўғли Ойбек чиқибди. Анваржон уни қучоқлаб: “Ғафлат курсин, ўғлим, беҳабар қолибман”, деб йиғлашни бошлаган экан, ичкаридан Опоч чиқиб келиб:

– Ҳов, нимадан беҳабар қолибсан? – деб сўрабди. Анваржон бир зум қараётган бўлиб турибди-ю ўзини йўқотмай, жавоб қилибди:

– Тирикликдан беҳабар қолибман, тирикликдан!

## *Қилич зиёрати*

Менинг қилич ва пичоққа муккамдан кетганлигимни яхши билган Опоч бир куни уйига таклиф этиб, янги қиличини кўз-кўз қилди. Гап йўқ, яхши қилич экан, дедим. Ҳавасим ҳам келди.

Опочнинг бирдан жағи очилиб, бу қилични унга дўсти Баҳодир совға қилганини, отаси жуда обрўли, бадавлат одам эканлигини, фермасидаги сон-саноксиз товуқларнинг зоти ўта тозалигини, чорва хайвонлари сонини ўзи ҳам билмаслигини, бу қилич аслида катта бир раҳбардан мерос қолганини айтишга тушди. Агар зарур ишим борлигини айтмасам, яна 3–4 соат мақтаниши турган гап эди.

Орадан бир қанча вақт ўтгач, Опоч мендан маслаҳат ва ёрдам сўраб келиб қолди. Маълум бўлдики, Баҳодир унинг аклини ўғирлаб, устакорлик қилиб, ўн минг кўкидан олган экан.

Ҳозир пичоқ ва қиличга ишқибозларни Опочнинг уйига, ўта ноёб қилични зиёрат қилишга юбориб турибман.

## *Ўғрилиқ бўлмайти*

Кўкон нон комбинати директори Олимкул Мавлонқулов одатда ҳар бир мажлисни насиҳат билан бошлар эди:

– Ўғрилиқ қилиб, ўзингизга гуноҳ орттирманглар, ҳалол ишласангиз, тирикчилик хурсандчиликда ўтаверади.

Бир сафар у, одатга хилоф равишда, мажлисни бошқа мавзуга буриб, май байрамини муносиб тарзда, яхши кайфият билан ўтказиш ҳақида сўзлади. Одамлардан бу борада фикр сўрамоқчи бўлиб: – “Хўш, бу гапга нима дейсиз Тиллабой ака?” – деди. Урганжибоғли. Тиллабой ака пинакка кетган экан, исми тилга олинганда чўчиб уйғониб:

– Энди ўғрилиқ бўлмайди, хўжайин, ҳалол ишлаймиз! – дебди.

Ана кулги-ю мана кулги!

### *Тутхўрлик*

Машхур кизикчи Муҳиддин Дарвешникига кўконлик улфатлари Неъматжон, Жўраҳон, Акрамжон, Муҳиддин хофизлар ташриф буюришди. Бир пиёла чойдан сўнг мақсадга кўчишди:

– Биз сизни кўриш баҳонасида бир тутхўрлик килиб кетмоқчи эдик. Ҳовлингизнинг орқасидаги марвартак жуда зўр-да.

Шунда Муҳиддин кизик бош қашиб:

– Бемалол эди-ю пиллачилар ҳамманинг тути каторида меникни ҳам кесиб кетишди. Фақат ўзларингиз танийдиган анови зоотехник Алексей-никига тегишмади холос. Ушаники кесилмаган, ўшаникидан енглар, дермиш...

### *Баҳодирнинг оши*

Чархин кўприклик Баҳодир гузар чойхонасида ош дамлаб турган эди, артист ошнаси Азимжон келиб қолди.

– Ҳа, Баҳодир, ҳорма. Ой қаёқдан чиқди, ош дамлаб қолибсан?

– Ҳа, шу, бирин-кетин иккита набира кўрдим.

Азимжон Баҳодирнинг лақаби ит эканига писанда килиб, гап учирди:

– Жуда соз бўпти-да. Эркагидан бўлса, менга ҳам биттасини бергин.

## *Суннат тўйи*

Абдумалик Гиёсов деган дўстимиз хонадо-нида суннат тўйи базми авжида. Даврани камина бошкармоқда. Шу аснода Фарғонадан Раҳмонжон Сафаров икки нафар ўртоғи билан келиб қолишди. Бир оз тамадди қилиб олишгач, сўзни унга бердим. Раҳмонжон микрофони қўлга олиб, дил сўзларини баён этди ва охирида деди:

– Бу икки ёш қўша қаришсин, бахтли-саодатли бўлишсин. Сиз, дўстим Абдумалик, янаги йилга на-бира кўриб, яна тўйлар қилинг. Қуда томонни ҳам биламиз, у киши ҳам ажойиб инсон...

Шунда унга яқин келиб, қулоғига секин шивир-ладим:

– Бу – суннат тўйи.

Раҳмонжон менга караб, қўлидаги микрофон эсида йўқ,

– Нега манга айтмадинг, – деди.

– Таклифномада, Мансурдан сўрагин, деган жойи борми, – десам.

– Энди нима қилай? – деди.

– Энди жойингга бориб, бир стаканда тўлатиб, захаринга ичиб, кизилча бўлиб ўтиравер, – деб ўр-тани давом эттиравердим.

## *Энг яқин дўст*

Яқинда Раҳмонжон Сафаров билан тўйдан чиқиб келаётиб бир йигитни учратиб қолдик. Раҳмонжон у билан қуюқ сўрашиб, менга: “Бу йигитни таний-сизми? Бу Абдурасулнинг ўғли. Дадаси билан бир кўрпада тепишиб катта бўлганмиз. Ҳа, шунака ажойиб дўстим бор-да”, деб мактаб, сўнг йигитга юзланиб: “Даданга салом айт, онанг билан бизники-га бир келишсин”, дея тайинлади.

Шунда йигит ерга қараб, бир оз сукут қилди-да, гамгин оҳангда деди:

– Амаки, дадамнинг ўтганларига икки йилдан ошди...

## *Йўллар*

Раҳмонжон Сафаров Ёзёвон чорраҳасида турган эди, бир йўловчи машинасини тўхтатиб, “Коммунизм” колхозини суриштирди:

– Коммунизмга қандай борса бўлади?

– Ҳозир тўғрига юриб, Ленин йўлидан Социализмга ўтасиз, кейин чапга бурилиб, Жанжал билан борсангиз, Коммунизмга чиқасиз-қўясиз.

## *Тухмат*

Фарғона обкомида катта йиғилиш. Мажлис охирлаганда Фахриддин ака Шамсиддиновнинг олдига Фарғона шаҳар партия қўмитаси котиби Мирзакарим Умаров келиб, бир нарсалар деб шивирлади. Шамсиддинов дарҳол эълон қилди:

– Мажлис тамом. Туман раҳбарлари ва бюро аъзолари қолсин, бошқаларга жавоб.

Сўнг бир имо қилган эди, ёрдамчиси Фарғона марказий бозори бозорқуми Маҳсим акани бошлаб қирди. Фахриддин ака у кишига енгилгина танбех берди:

– Фарғона катта даргоҳ, бу ерга ҳатто чет эллардан туристлар келади, бозорга қиради. Сиз, Маҳсим ака, ҳурматли одамсиз. Эшитишимга қараганда, бозорда шалоқ сўзлар билан сўқинар эмишсиз, бу эскичасига ҳам, янгичасига ҳам тўғри келмайди.

Маҳсим ака буни эшитиб, миш-мишни рад қилишга уринди:

– Бу тухмат! Сизга қандайдир хотинчалиш

аблахлар нотўғри ахборот беришибди. Бунақа фалонфурушларнинг гапига ишонманг... Хе, онасини ўшаларнинг... тухматчиларни, – деганда ўтирганлар ханг-манг бўлиб колаверибди.

### *Қамоқнинг ишқибози*

Олдинги даврлар. Ташкилотларга масъул вакиллар тайинлаш авжига чиккан пайт. Халқ назорати кўмитаси раиси Фарид Мамин Урганжибоғ чорвасига вакил этиб тайинланибди. Чорвачилик фермасига Сатторали Қаюмов мудир эди. Вакилнинг масъулияти оғир бўлиб, сут топшириш даражаси пасайиб кетса, у жавоб берар эди. Хуллас, янги йил арафасида кўрсаткич 27 литрга пасайиб кетибди. Мамин ферма мудирининг ёқасидан олиб, сени қаматаман, деб дағдаға қилибди. Сатторали ака ҳам тўлиб турган экан, Фарид акага ёпишиб олибди:

– Э, бормисиз, ака, айна муддао гапни айтдингиз, бир ойдан бери уйга боролмасам, бола-чақамни кўролмасам, умрим молхонада, гўнг ичида ўтса, газет ўқиёлмасам, кино-театр, телевизор деган нарсалар эсимдан чиқиб кетган бўлса... Жон ака, ўша айтган жойингизга тезрок юборинг, эшитишимча, у ерда вақтида овқат берилармиш, вақтида ухлармиш. Ўша ёққа ҳозирок жўнатиб, бир акалик қилинг.

Мамин кетмоқчи бўлса, машинасига чиқиб ўтириб олибди, уни ҳеч пастга тушириб бўлмасмиш. Фарид ака охири мени ёрдамга чакирттирди. Бориб, мудирни алдаб-сулдаб уйига жўнатиб юбордим.

Фарид ака ўзига келгач, менга кизариб-бўзариб:

– Мени қайтиб шу фермага юборадиган бўлсангизлар, аризамни ёзиб, ишдан бўшаганим бўлсин-е! – деб юборса бўладими? Уни бошқа фермага юбордик.

## *Эски таниш*

Комсомол билетларини алмаштириш хакида қарор чикди. Мен ўша пайтда район партия кўмитасининг ташкилий бўлими мудириман. Ўз КП МК масъул ходими Бойко келиб, туманимизда бу ишнинг боришини текшира бошлади. У қилдан қийик қидириб, қандайдир камчилик топган бўлди, бу ҳақда тушунтирув хати ёзиб, имзо қўйиб берасизлар, деб оёқ тираб туриб олди. Камчиликни тўғрилаймиз десак, на райком котиби Ниёзовнинг, на менинг гапимизга кўнади.

Мен охири унга обкомда бирга ишлаган давримизни эслатиб, “Сен хато қилмаганмисан? Масалан, бир кун хизмат сафариди бўлиб, уни уч кунлик қилиб расмийлаштиришни илтимос қилиб ялинган сен эмасмидинг?” – дедим. Бойко бир гезарди-ю, “тфу” деганича бадар кетди. Оқибати нима бўларкин десак, эртаси вилоят бюросида “Бу иш Фрунзе районида яхши йўлга қўйилган”, деб ҳисобот берди.

Қаранг-а, бир-бирингнинг эски сирларингни билганинг ҳам гоҳо фойда бериб қоларкан.

## *Ўсишнинг меъёри*

Собик Иттифоқи раҳбари Л.Брежнев Тошкентга келганида, кутиб олувчилар каторида бўйи икки метрдан баланд, басавлат Акрам Рустамович Хўжаевга кўзи тушиб, Шароф Рашидовдан унинг кимлигини сўраб қолибди.

– Ҳукумат раисининг ўринбосари, – деб жавоб берибди Рашидов. Брежнев Акрам Рустамовичнинг олдига келиб, қўлини чўзиб, бир амаллаб унинг елкасига қоқиб.

“– Расти, дарагой, расти. Но учти, выше партии

не расти!” – дебди. Шунда хозиржавоб Акрам ака, – “Ладно, Леонид Ильич, ваше просьба постараюс исполнять, – деганда, Брежнев, Шароф Рашидов хохлаб кулиб юборишибди.

### *Мени тинч қўйинглар*

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳаким бир маҳаллар “Қизил Ўзбекистон” (хозирги “Ўзбекистон овози”) газетасининг мухбири эди. Ҳозирги Данғара туманига болалар боғчалари фаолияти ҳақида мақола ёзиш учун келиб қолди. Биз у кишига райком котибаси Фозилова ҳамда ижроия қўмитаси раиси муовини Назаровни ҳамроҳ қилдик. Улардан сўраб билсак, мухбир “бу стаканнинг лаби учган, меню унақа, болаларнинг кийиниши мунақа, ўйинчоқлар кам” каби айблар қўйиб, райондаги ўнтадан ортик боғчанинг барини ёмонга чиқарибди. Вакиллар уни бир пиёла чойга таклиф қилишса, рад этармиш. Бу ҳақда менга хабар беришди.

Қарасам, бўлмайдиган, Телминдаги боғчага етиб бориб, мухбир билан учрашдим. Сездимки, мақсади фельетон қилиш. Унга ётиғи билан гапириб, булар бир-икки кунда ўнгласа бўладиган, арзимас камчиликлар, сал муҳлат беринг, тузатамиз, десам, кўнмай, икки оёғини бир этикка тикиб туриб олди. Шунда ўзбекона такаллуфларни қўллаб, уни бир пиёла чойга таклиф қилдим. У: “Чойни ўзларинг ичаверинглар, бунақа ўтиришларга вақтим йўқ”, деб ўдағайлади. Қоним қайнаб кетди. Бир таваккал қилайчи деб: – Дастурхондан юз бурадиган мехмон ҳам одам бўптими, сенлар мени билмабсанлар, сендаканги нон емаслардан қанчасини Сирдарёга ташлаб юборганман, қутулиб, қолганлариям қайтиб шу йўлдан Тошкентга ўтолмайдиган бўпқолган, – деганга ўхшаш пўписаларни қўллашга тушдим.

Охунжон бирдан довдираб колди, “мени тинч кўйинглар, ёзганларим сизга, мана”, деди-ю, кўлидаги дафтарни ташлаб, ғойиб бўлди. Кейин билсам, Фарғонадаги Йўлдош Сулаймон, Дониёр Эргашев, Алишер Ибодинов сингари касбдошларига мен ҳақимда гапириб: “Қаранглар-а, ўзи райижроқўм раиси бўптириб, ғирт бандит экан”, дермиш.

Ҳа, улуғ инсонлар, ана шунақа содда, оқ кўнгил бўлишади.

### *Ўта ҳавфли таклиф*

Камина Попада комсомол кўмитасининг котиби бўлиб ишлаган давримда, Фарғона вилояти (у даврда Поп Фарғона вилояти таркибида эди) комсомол кўмитаси биринчи котиби Рустам Алимов бошлиқ йигирма кишилик ҳайъат таълим-тарбия ишларининг ҳолатини текшириш учун туманимизга келди. Туман маориф бўлими раҳбарияти шаънига кўп дашномлар айтилди. Айникса, Чоркесардаги 35-мактаб фаолияти, у ердаги таълим-тарбия, комсомол ишлари ночор аҳволда эканлиги, тинимсиз ёзишмалар (бир-бирининг устидан ёзишлар) каттик танқид остига олинди. Охирида Рустам Алимов: “Ишлар шунчалик ёмон экан, мактаб директорини алмаштирсангиз бўлмайдими?” – деганда, маориф бўлими мудирини Каримов: “Бу мактабда директор бўлиб кўрмаган одамнинг ўзи қолгани йўқ-да, ўқитувчиларнинг баъзилари уч мартадан, қолганлари икки мартадан директор бўлишган”, дея маълум қилди. Алимов: “Ундай бўлса, бошқа кишлоқдан директор топиб жўнатинг”, дейишини билади, Каримовнинг ранги ўчиб, деди:

– Бу жуда ҳавфли таклиф, ўртоқ Алимов. Бошқа жойлик биттасини мажбур қилиб юборган эдик, уч кундан кейин ўзини осиб қўйса бўладими!

Алимов бир сапчиб тушди...

Ҳозир у мактабда директор борми-йўкми, аник билмайман...

### *Қамалиб ҳам қолайми?*

Олтиарикнинг ўрама кўшни республиканинг ерлари билан чалама-чакки чатишиб кетган. Эски давр экан, кунларнинг бирида пахтачилик бўйича юқоридан комиссия келибди, кўшниларга қарашли пахта пайкалида сув кўллаб ётганини кўришгач, суриштириб ўтирмай, бригадирни машинага ўтказиб, катта мажлисга олиб боришибди. Ўша пайтдаги райком котиби Маниёз Султонов кўпчилик айбдорлар катори бегона бригадирни ҳам партиядан ўчириб юбориш таклифини киритибди.

Бечора бригадир кўл кўтариб, ўзини таништирамоқчи бўлган экан, Маниёз Султонов:

– “Ўтир! Қилар ишни қилиб кўйиб, яна кўл ҳам кўтаради-я. Пахтани кўллатганинг учун ҳозир каматиб қўяйми?” – деб пўписа қилибди.

Бегона бригадир ўз районига бориб, бўлиб ўтган воқеани райкомига айтиб берибди. Райком: “Бошқа жойданман, демадингми?” – деса, содда бригадир: – “Партиядан ўчириш-ди, энди камалиб ҳам қолайми”, – дер эмиш.

### *Неча фоиз?*

Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари Шухратжон паррандачилик ва баликчиликни ривожлантириш масаласида йиғилиш ўтказди. Орага кредит масаласи ҳам суқилди. Муҳаммадали сўз олиб:

– “Мен “Матиз” билан “Дамас”имни гаровга кўйдим, аммо кредитни ҳали олганим йўқ”, – дейиши биланок Шухратжон тутаким кетди:

– Ҳеч бўлмаса ўн фоиз “усти”ни берармикин деб умид қилаётгандир-да?

Сўнг банк бошқарувчиси ўтирган томонга қараб, дўк урди:

– Ҳов, банкир, қани айт-чи, неча фоиз бериш керак?

Бошқарувчи қаттиқ пинакка кетган экан, сесканиб ўрнидан турди-да, “Ўттиз фоиз”, – деб юборди. Залда кулги кўтарилди.

### *Энг таниқли зот*

Бир замонлар Данғара туманига маориф вазирлигидан Винтовкин деган ходим келиб, коллегияда кўриладиган масала юзасидан текширув ўтказди. Маориф бўлими мудир Сатторали Ҳалилов, муовинлари Ғуломжон, Жўрабойлар куну тун бирга бўлишиб, меҳмоннинг оёғи остига кўйлар сўйилди, катта зиёфатлар уюштирилди.

Гал етиб, текширувчи Сирдарё соҳилидаги Турсун Қамбар директорлик қиладиган мактабда ҳам бўлди. Яна кўй сўйилиб, тўн кийгизилди. Мактаб қоровулининг Шарик лақабли ити бор эди. У машҳур кинокомедиядаги итга ўхшаб, ирғитилган нарсани югуриб бориб олиб келар эди. Ҳатто дарёга бехос юмалаб кетган арокли шишани ҳам олиб чиққан Шарик меҳмонни жуда қойил қолдирди.

Кўп ўтмай маориф вазирлигида коллегия йиғилиши бўлиб, унга Саттор Ҳалилов таклиф қилинди. У қайтиб келгач, мактаб директорларига таассуротларини сўзлаб берди. Шунда Турсун Қамбар:

– Винтовкинни роса хурсанд қилиб жўнатувдик, бизларни эслагандир-а? – деб сўраган эди, мудир шундай жавоб қилди:

– Орамиздаги ҳеч бир зотнинг отини айтиб суриштирмади. Фақат, қайтаётганимда: “Ну, как там Шарик?” – деб сўради, холос.

## “Атказ” сўзи

Тошкентдаги катта театрда “Навоий” спектакли ўйналмоқда. Балхда Дарвешали исён кўтаргач, вазир Мажиддин Ҳусайн Бойқарога маслаҳат бера бошлади:

– Исёни бостиришга Алишерни юборинг, илло Дарвешали унинг укаси. Шу йўл билангина бу ғавғодан қутуласиз. Агар “атказ” қилса, бунда Алишернинг ҳам қўли борлиги аниқ бўлади.

Ўшанда анча ёш, ғўр эканман, агар бундан беш юз йил олдин ҳам “атказ” (отказ) сўзи ишлатилган бўлса, демак, Туркистонни босиб олгандан кейин руслар бу сўзимизни ўзлаштириб олган экан-да, деган ўйга бордим. Ё нотўғрими?

## “Пажалиста”

Қадрдонимиз Собир аканинг дадаси Содиржон Очилдиев бир спектаклда темирчи ролини ўйнамоқда. Эпизодлардан бирида подшоҳ навкарлари унинг дўкони олдига келиб:

– Бу ердан Ниёз Ботир ўтдими? – деб сўрашади. Содиржон ака:

– Йўқ, ўтгани йўқ, – деб жавоб берганида, навкарлар:

– У фақат шу йўлдан ўтиши мумкин. Балки уни дўконингга яшириб қўйгандирсан? Ҳозирок тинтиб кўрамиз, – деб дағдаға қилишади.

Шунда кутилмаган воқеа юз берди. Содиржон ака бу пўписага жавобан:

– “Тинтиб кўраверинглар, пажалиста”, – деганида, залдагилар у ёқда қолиб, подшоҳнинг навкарлари ҳам қотиб-қотиб кула бошлашди.

## *Тўн синиб қолармиди*

Кўп йиллар олдин Ёзёвонда райком саркотибининг эллик ёшлик юбилеи бўлиб, кўконлик машҳур ҳофизлар – Шерқўзиевларни олиб келишни мендан илтимос қилишди. Олиб бордим.

Давра гавжум, базми жамшид авжида. Хотамжон, Баҳромжон, Олимжонлар кўшиқ бошлаганига анча бўлди, бироқ, кистир-кистирдан дарак йўқ. Бу ёғи музлаб кетди-ку, дегандек ҳофизлар менга маъюс боқиб, имо қилишади. Мен уларнинг олдига бориб:

– “Фарғона тонг отгунча”ни бошланглар. Мен сал-пал жўр бўламан, тушган “якан” ўртада”, — дедим. Кўшиқни авж пардага кўтариб, қайси томонга қарасам, ўша томондагилар гувиллаб келиб, қистиришаверди. Аёллар елкамга тўн-чорси ташлаб, бошимга дўппи кўндириб туришибди. Ҳофизларнинг оғзи қулоғида.

Тўй яқунлангач, ярим тунда Кўконга қайтиб келдик. Ҳовлимиз олдида машинадан тушаётганимда ҳофизлар манзират қилиб, кийикка тугилган тўнни менга узатган бўлишди-ю кўнгил учун, “шу шартмикин”, дейишимни биламан, тугунни қайта жойига кўйишиб, ғойиб бўла қолишди.

Икки кундан сўнг Рашидхон дўстимникидаги тўйда ҳофизлар билан учрашиб қолиб, совуқ кўришдим. Улар тунд муомаламдан ҳайрон бўлиб:

– “Ака, мабодо, биздан бирор гуноҳ ўтмадими?” — деб сўрашган эди, зарда билан жавоб қилдим:

– Катта гуноҳ қилдиларинг. Ўтган куни тил учида “шу шартмикин” десам, тугунни олиб кетавердиларинг.

– Ҳаммалари бирданига: – Ўзингиз олмадингизку — дейишган эди:

– Олмасам, ҳовлимнинг деворидан ошириб ир-

гитворсаларинг, нима, тўн синиб колармиди?.. – деганим эсимда.

### *Уч ташхис*

Кўконлик уч машхур шифокор Азизхон Алиев, Сайдуллохон, Шавкат Сотволдиевлар гаплашиб туришган экан, бир одам ўрдак юриш қилиб, оёқларини кериб, охиста келаётганига кўзлари тушди. Замонамиз лукмонлари ўша одамга ўзларича ташхис қўйишга тушишди. Бирининг фикрича, у радикулит, иккинчисининг айтишича, грижа, учинчиси эса буйрак касали зўриқиши дея каромат қилди. Баҳс курук бўлмаслиги учун эллик минг сўмдан гаров ўйнашди. Ҳалиги одам яқинлашгач, унга куюк салом бериб, хол сўрадилар ва гап асноси мақсадга кўчдилар:

– Ака, ўзи қандай дард билан оғригансиз?

– Э, сиз сўраманг, мен айтмай, дарди бедаво.

– Ҳар ҳолда, бедаво бўлса ҳам номи бордир?

– Нимага эди?

Замонамиз лукмонлари мақсадга ўтишди:

– Сизнинг дардингизга ўзимизча ташхис қўйиб, эллик мингдан гаров ўйнаган эдик...

– Ундай бўлса, учовингиз ҳам атаб қўйган эллик мингингизни менга бераверинглар, – деди “бемор”, – йўлда йўталиш қистаб, иштонни жиндай ... қўйдим. Шунинг учун, ҳамма ёғимга ёйилиб кетмасин деб шу тарзда юриб келаётган эдим, укалар.

Замонамиз лукмонлари буринларини жийириб, ёнларини тита бошладилар. “Бемор” эса, – бўлақолинглар, зўрға турибман, – дермиш...

## *Ким кўмилган?*

Олтиариклик Набижоннинг Холмат деган оқсоқ бир амакиси бор. Кунлардан бирида у жияни билан кабристонни зиёрат қилиб, яқинда дафн этилган отасининг қабри устида тиловат қилиб, роса йиғлабди. Сўнгра яна бир кичик қабр устига бориб, янада қаттиқрок йиғлабди. Жияни ҳайрон бўлиб:

– Холмат ака, олдинги қабр-ку отамизники эди, кейингисини эслай олмадим, кимники эди? – деб сўраса, Холмат йиғи аралаш:

– Бунисига менинг чап оёғим кўмилган жиян, – дермиш.

## *Оқибатни синаш*

Дўстим Шермухаммад Юсупов билан Бухорога борганимизда Ҳамро Маҳмудов деган одам билан таништирди. Танишиб, ўзаро ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, Шермухаммад ўзича бир кулиб кўйди-да, Ҳамро Маҳмудовнинг Москвага, съездга делегат бўлиб борганидаги саргузаштини сўзлаб берди.

Делегатлар Москва меҳмонхонасида истиқомат қилишар экан. Кунлардан бирида Ҳамро Маҳмудов бир юмуш билан пастга тушиб, тўрт соат дараксиз кетибди. Шериклари хавотир олиб, қаватма-қават қидира бошлашибди. Қаватлардан бирига чиқиб боришса, Ҳамро ака эшиклардан бирини тақиллатаётган эмиш. Эшикни очган бир ўрисдан:

– Ҳамро Маҳмудов здес живёт, да? (Ҳамро Маҳмудов шу ерда яшайдими) – деб ўзини ўзи суриштиришни бошлаган экан, у кимса: “Ты уже третий раз спрашиваешь, ...твою мать! (Бу учинчи марта келиб сўрашинг, хе ўша сендаканги...)”, – деб ўшкириб берибди.

Шериклари ҳеч нарсани кўрмагандек бориб:

– Бунча йўк бўлиб кетдингиз, адашиб колдингизми, – деб сўрашса, Ҳамро ака сир бой бермай, гердаиб жавоб қилибди:

– Мендек одам адашиб колармиди? Қани, ахтаришармикин деб, сенларнинг оқибатингни бир синадим-да.

### *Кексаликнинг таърифи*

Эркин Воҳидов таваллудининг етмиш йиллигида табриклар кўп бўлди. Ҳар хил гаплар айтилди. Ниҳоят юбиляр ўзлари сўз олиб, шундай дедилар:

– Юбилей баҳонасида бизни ёшлар сафидан чиқариб, кексалар сафига қўшмоқчи бўлишяпти. Йўк, биродарлар, биз кексайганимиз йўк. Фақат жисми ёшлар сафидан чиқиб, кўнгли ёшлар сафига қўшилдик!

Бунақа зўр гапни топиб айтиш, шеър ёзишдан ҳам кийинрок бўлса, ажабмас.

### *Фалокат оёқ остида*

Эркин Воҳидов Данғарадаги 1-мактабга учрашувга келди. Атрофдаги мактаблардан ҳам мухлислар йиғилган. Савол-жавоб қизигандан қизиб кетди: “Қачондан бери ижод қиласиз?” “Нима учун ёшликда Тошкентга кетиб қолгансиз?” “Неча нафар фарзандингиз бор? Нечта китоб чоп қилдиргансиз?..”

Охирроқда юкори синф ўқувчиларидан бири:

– Турмуш ўртоғингиз қаерлик? – деб сўраган эди, шоир жилмайиб туриб, шундай жавоб қилди:

– Қаранг, фалокат оёқ остида деганлари тўғри экан, шундоққина ўзимизнинг қўшни қизга уйлانганман.

## *Кейингисида мен бораман*

Уч-тўрт марта турмуш куриб ҳам тинчимаган ёзувчи дўстим Бокижон таникли шоир Анвар Обиджоннинг уйига келиб, “бир қизга уйланмоқчиман, унинг отаси фалончи тоға сизни жуда хурмат қилади, ўзингиз совчи бўлинг”, деб каттиқ илтимос қилибди. Анваржон аввалига тўғрисиани айтиб, “мен бунақа ишнинг ўртасига тушолмайман”, демокчи бўлибди-ю йигитнинг кўнглини оғритгиси келмай, мулойимлик билан сўз котибди:

– Ҳозир ишларим жуда тигиз эди-я. Ҳа, бу нечанчи уйланишинг ўзи.

– Тўртинчиси, Анвар ака.

Ундай бўлса, бу сафарча Аҳмаджон Мелибоев совчи бўлиб борақолсин. Майли, кейинги уйланишингизда мен борарман – дебди Анвар Обиджон.

## *Устоз – шогирд*

Фарғонада Анвар Обиджон таваллудининг 60 йиллиги нишонланди. Эркин Воҳидов ҳам самимий дил сўзларини изҳор этиб, гапини: “Мухтарам устоз, яна бир бор табриқларимизни қабул қилгайсиз”, деб тугатди. Кўпчилик ҳайрон бўлиб қолган эди, Эркин аканинг ўзлари бунга изох берган бўлдилар:

– Ҳа, Анваржон менга устоз қатори. Яқинда 5–6 янги шеъримни юрагим тошиқиб, телефонда Анваржонга ўқиб бердим. У киши нима дедилар денг:

– Яхши, Эркин ака, шунақа ёзаверсангиз, шоир бўлиб кетасиз...

Залда кулги кўтарилди.

## *У подшо бўлса*

Олтиариқда Аҳмадхон Маматхонов деган раҳбар бўлар эди. Бир куни нима иш биландир у киши ҳамроҳлигида Повулгон томонга бордик. Бир жойга етганимизда, йўл четидаги пахта пайкалида азим бир чинор ағанаб ётганини кўрдик. Қанчадан-қанча пахта кўчатлари пайхон бўлган. Маматхоновнинг жон-пони чиқиб, машинадан тушди-да, ўша ерда ғамирлаб юрган беш-ўн чоғли кишига ўшқира кетди:

– Бу нима қилганларинг? Катта йўл туриб, дарахтни пахтазор томонга ағдарасанларми?

Шунда одамлар орасидан бир киши олдинроқка чиқиб, кошени керганича деди:

– Бакирганингиз билан фойдаси йўқ, хўжайин. Чинорни дарахтларнинг подшоси дейишади. Подшо бўлгандан кейин, биздан сўраб ўтирармиди, хоҳлаган томонига ёнбошлайверади-да!

## *Ўн бешинчиси*

Маҳалладошимиз Қўқонбой ака оз эмас, кўп эмас, ўн тўрт марта уйланган. Бир куни эшитсак, ўн бешинчисини ҳам олибди. Унинг тез-тез уйланиб туриши бу депарадагиларга яхши маълум бўлгани учун, ҳеч бир аёл унга тегишга рози бўлмай, узоқроқдан уйланибди. Қўқонбой аканинг бу қилигидан номус қилган маҳалладошлар мени қисти-бастига олишди:

– Бу жой ҳазилакам жой эмас, Қўқоннинг Тўлабойи. Бу ерда не-не улуг зотлар ўтмаган, не-не раҳбарлар чиқмаган. Қўқонбой аканинг хотинбозлиги маҳаллага иснод. Сизнинг гапингизни олади, кириб, насиҳат қилиб қўйсангиз, хотинбозликни тўхтатиб, шуниси билан тинчисин энди.

Эртаси куни маҳалла пешволаридан Норкўзи ака, Раҳмонжон, Одилжон, Абдулатиф, Абдусамад ва Жўрахўжа акалар билан ҳовлисига кирсак, Қў-конбой ака ашулани ванг кўйиб, ивирсираб юрган экан. Биз билан кўришиб, кулиб юборди. Биз:

– Жуда хурсандсиз, янгиси маъкул келиб қолганга ўхшайди-а? – десак, хиринглаганича:

– Бугун жавобини бериб юборсамми деб турибман. Нега десангиз, бундан йигирма тўрт йил олдин ҳам шу хотинга уйланган эканман.

### *У ҳам билмайди*

Тўлабойнинг Кўксой масканидаги чойхонада Икром деган чойхоначи бор. Бир куни Ғиёс сомсапаз унга гап қотди:

– Анави Анвар отбоқар чой ичиб, кўпинча пулини бермай чиқиб кетади. Сен буни билмайсан.

– Мен ҳам анойи эмасман, – дея жавоб қайтарди Икром. – Унга доим қайнамаган сувни эски шама устига қуйиб бераман. У ҳам билмайди, хумпар.

### *Эсон сўкоғич*

Учкўприк туманида Социализм деган колхоз бўларди, унинг раиси Эсон Мадраҳимовни Охунбобоев колхозига ўтказишди. Олдинги ишлаган жойида кишлок хўжалиги ишлари қизиган паллаларда у деярли ҳар куни колхоз радиоузелидан гапирарди. Йўл-йўлакай ўша колхоз орқали юриб қолганимизда, унинг гапи қулоғимизга чалиниб турарди. У гапирганда, қаерда эканлигини унутгандай, жуда эркин сўзлар, деярли ҳар бир жумладан сўнг “синглийни...” деб сўкиш қўшиб кетар, қулоғи ўрганиб қолган колхоз аҳли бунга парво қилмасди.

Охунбобоев колхозига ўтгандан сўнг, тарки одат

амри маҳол дегандай, колхоз радиоузели оркали сўзга чиқишда давом этибди:

– Ассалому алайкум, социализмликлар...

Радиоузелчи йигит унга секингина шипшибди:

– Раис бува, бу Охунбобоев колхози-ку.

Шунда раис бирдан хушёр тортиб, микрофон ёниқлигини унутганича дебди:

– Вой, синглийни... Охунбобоев дейман деб, социализм деворибман. Ҳа, синглийни-я...

### *Томоқ оғригининг давоси*

Томоғим оғриб юрган кунлар эди. Ўзимча дори-дармон қилдим, тузук бўлавермади. Бир маросимда шаҳар касалхонаси бош врачлари ўринбосари Баходиржон, машҳур шифокорлардан бўлмиш Шавкат Солиев, Азизжон, Убайдуллоҳон, Тўлқинжон деган дўхтир укашонлар билан бирга ўтириб қолдик. Сухбат асноси ўз дардимни айтдим. Улар: “Бўлди ака, дориси бор” дейишди ва чўнтақларидан муҳр урилган қоғозни олиб, ўзаро маслаҳатлашган ҳолда бир нарса ёзиб беришди.

Ишхонага келгач, ҳайдовчимнинг қўлига ҳалиги қоғозни тутқазиб, дорихонага жўнатдим. Кўп ўтмай ҳайдовчи ғалати кулимсираб кириб келди-да, буни бир ўқиб кўрмабсиз-ку, хўжайин, деб қоғозни қайтиб берди. Ўқиб кўрсам, қоғозга “Бу касалликнинг давоси, уч-тўрт кун жағни тийиб, гапирмаслик” деб ёзиб қўйилган экан.

## *Ленинга арз*

Бухорога Шермухаммад Юсупов билан яна бир гал борганимизда, менга малла Саид деган кишини таништирди. Маълум бўлишича, илгари у катта “ёзувчи” ўтган экан. Унинг фаолияти билан қизиқиб қолдим ва суҳбат асноси ҳаётидаги энг зўр “асар”и хақида сўзлаб беришини сўрадим.

– Бир анонимка ёзиб, барча идораларга ташладим, ҳеч натижа бўлмади, – дея салмоқланиб гап бошлади у. – Москвадаги катта идораларга ҳам юбордим, барибир натижа йўқ. Ниҳоят, яна бир нусха ёзиб, Лениннинг мавзолейига кирдим. Зиёратчилар каторида ўтиб бораётиб, коғозни Лениннинг тобути устига ташладим. Сокчилар дарҳол мени қўлга олди, роса сўрок қилишди.

– Охири нима бўлди?

– Тирик арбоблар арзимга кулок солишмагач, ўлик бўлса ҳам, Ленинга арз қилишга мажбур бўлдим, – деган эдим, дохийнинг ҳурмати баланд экан, мени, бор-йўғи, бир йилга камашди холос.

## *Ҳозир келадилар*

Термизга хизмат сафари билан борган эдим, Кўкондаги корхонамнинг қоровули Ином шошилинич телефон қилиб қолди:

– Хўжайин, Тошкентдан комиссия келиб, электримизни узиб қўймоқчи бўляпти, тез етиб келинг.

Унинг кўнглини тинчитмоқчи бўлиб:

– Ваҳима қилмай тур. Бораман, кейин улар билан ўзим гаплашаман, – десам, Термизнинг қаердалигини ҳам билмайдиган содда қоровул телефонни ўчирмасдан, текширувчиларга гапира бошлади:

– Бирпас ўтириб туринглар, хўжайин Термиздан келиб, масалани ҳозирок ҳал қиладиган бўлдилар, – деса бўладими?

## *Шамолни тўхтатиш*

Шу Иномнинг дастидан бир жойда хотиржам ўтириб бўлмайди. Тошкентдаги оромгоҳда дам олиб ётган пайтимда у яна телефон қилиб қолди:

– Хўжайин, Қўқонда қаттиқ шамол бўляпти. Ишчилар “бундай шамолда ташқарида ишлаб бўлмайди”, – деб ишни тўхтатишмоқчи. Нима қилай? Телефон шириллаб, овоз ёмон эшитилаётгани учун, гапни қисқа қилдим:

– Айт, тўхтатишсин!

Ином одати бўйича, телефонни ўчирмай, ишчиларга гапирётгани эшитилди:

– Хўжайиндан топширик келди. Шамолни тўхтатишсин, – дедилар...

## *Шунга-шунчами*

Фарғонада иподром қурилиши бўйича вилоят партия кўмитасининг иккинчи котиби Есин иштирокида муҳокама бўлди. Барча катга-кичик раҳбарлар катнашдилар. Муҳокама асносида Фарғона ирригация қурилиш бошлиғи Носов:

– Урток Василий Павлович, бизда кадрлар етишмаяпти. Махсус таълим бошқармаси бошлиғи Бурхоновга бу ҳақда айтганман.

– Бурхонов ишдан бўшаб кетганига ўн йил бўлди-ку, – дея зарда аралаш сўкиб ташлади Есин ва қўшимча қилиб Бурхоновдан кейин Мухторов, ундан кейин Иброхим Фозилов, ҳозир кейингиси ишлябди-ку. Ҳе сени, деса.

– Кечирасиз, – деди Носов парвоси палак, – шунга шунчами? Ўша Бурхоновга айтган эканман-да, – деди.

– Вот мы с кем работаем, т-фу, дедида Есин йиғилишини тамомлади.

## *Карим ГАИ*

Ишга кетаётсам, Карим деган ГАИ ходими постда турган экан. Бир кулишиб олиш учун тўхтаб, “кани, пулдан чўз энди” дегандай ишора қилсам, “Ака, постга эндигина келдим...” дейди.

## *Халфана палов*

Аъзам Тўрахонов дала ховлисида меҳмондорчилик уюштириб, камина ва Раҳмон Сафаровни меҳмонга айтди. Бозор-ўчарни бирга қилдик. Харажат учун пул чиқарсак, пинагини бузмади. Дала ховлига яна бошка меҳмонлар ҳам чақирилган экан. Меҳмонлар мезбоннинг қули очиклигини мактадилар. Баъзилари: “Бугунги зиёфатнинг сабабини билолмай хижолатдамиз, агар туғилган кунлари бўлса, совға-повға олиб келган бўлармидик” деб хижолат тортаётган эдилар, мен уларга далда бердим:

– Бехижолат олаверинглар, бу – халфана палов!

## *Қаламкашлик қувончи*

Катта бир идоранинг бошлиғи Сайдулла Умаркулович каминани эрта билан соат 9:00 га чақирганлигини коллегия йиғилишидан кейин бошлигимиз Собир Эргашев айтиб қолди. Айтилганидай, эрталабки тўққизда бориб, келганимни девонхонага маълум қилдим. Раҳбарнинг ёрдамчиси: “Ҳозир хўжайиннинг феъллари айниб турибди, ҳатто чойнак отиш даражасига етиб бордилар”, деди. Мен: “Феъли билан нима ишим бор? Ўзи чақиртирган, кириб маълум қилинг”, дедим. У кириб чиқиб: “Кечкурун соат тўққизда келар экансиз”, деди. Кечки соат тўққизгача нима ҳам қилардим. Тошкентда бошка зарур юмушим йўқ эди. Шу ту-

файли ёрдамчига яна бир кириб чиқишни илтимос қилдим. У оғринибгина кирди-ю қайтиб чиқиб “Энди, кечаси соат ўн бирда қабул қилар эканлар”, деди.

Мен янги нашрдан чиққан “Яшил олам тилсимлари” китобимни Сайдулла Умарқуловичга бериш учун олволган эдим, дастхат ёза бошладим:

*“Мартаба берганда, феъл ҳам берса кенг,  
Ақл-мурувватдан жудо этмасин.  
Бағрикенг раҳбарлар қўй бўлсин, аммо,  
Кичик катталардан Ўзи асрасин”.*

Дастхатни ёзиб, ёрдамчига бердим ва топшириб қўйишни илтимос қилиб, Қўқонга қайтиб кетавердим.

Уч ой ўтгач, ўша раҳбар Фарғонага ташриф буюрди. У Фарғона ўрмон хўжалиги бошлиғи Раззковдан мени суриштирибди:

– Ҳалиги, бор-ку, Қўқон лесхози директори...

– Мансур Хўжаевми?

– Ҳа, ўша. Айтиб қўй, бугундан бошлаб уни Данғара туманига вакил қилиб тайинлайман. Агар Данғаранинг пилла, дон, пахта бўйича режалари ба- жарилмаса, шеърларини ёзиб юраверсин.

Бу гапни эшитиб, дағдаға хақида ўйламай, қаранг-а, шундай катта одам китобимни ўқибди-я, деб қувониб кетдим. Қаламқашликнинг ҳам зўр гашти бор-да!

## Гўшт

Неъматжон Мадиёров Кўкон ИИБ бошлиғи эканлигида менга телефон қилиб қолди:

– Ака, хабарингиз борми-йўқми, Акбаржон Азизовнинг мазаси қочиб қолибди.

– Хабарим йўқ экан, яхши айтдингиз. Бугун кўриб кўяйлик, – дедим.

Ҳали тушлик қилганимиз йўқ эди, беморнинг кўнглини хушлаб, бирга тамадди қилармиз деб, бозордан кичик бир ўтиришга яраша у-бу масалликлар олдик. Уйига борсак, Акбаржон поликлиникага чиқиб кетган экан. Мадиёровга: “Гўштни бермай кўявер, ўзимиз кабоб қилиб сўймиз”, деб имо қилиб, кўзимни қисдим. У алоҳида халтадаги гўштни орқасига яшириб, қолган харажатни уй бекасига берди.

Эртаси куни Акбаржон менга телефон қиляпти:

– Ака, раҳмат, йўқлигимда кўргани келибсизлар. Дўхтир кўриб, дори-дармонлар ёзиб берди, лекин, минг шукурки, гўштга парҳез буюрмади.

Қаранг-а, гўштни уриб қолаётганимизни хотини пайқаб турган экан.

## Фотиҳачилар

Маиший хизмат комбинати бошлиғи Эътиборхоннинг онаси вафот этганини эшитиб, туманнинг масъул раҳбарларидан бўлмиш Ниёзова, Фозилова, Ваҳобова, Дадажонова ва бир қанча эркаклар фотиҳага бордик. Хотинлар одат бўйича уввос солиб йиғладилар. Эркаклар фотиҳани ўқиб, ташқарига чиқдик.

Машиналарга ўтираётиб, хотинлардан бири “Эътиборхоннинг ўзлари кўринмадилар-а?” – деб эслаб қолди. Адашиб, бошқа жойга кириб қолга-

нимизни биз эркаклар аллақачон сезган булсак-да, хотинларнинг нотаниш марҳумга айтиб-айтиб йиғлаганларини юзларига солмадик.

### *Палов умидида*

Тошкентдан таникли олим, “Семашко” сихатгоҳининг бошлиғи Анис Лутфуллаевич Алавия оила аъзолари билан келиши шарафига Поп туманига карашли Чодакда зиёфат уюштирдик. Меҳмоннинг истагига биноан бостирма овқат тайёрланди.

Тошкентдан келган бошқа бир гуруҳ меҳмонлар ҳам бор эди, улар палов қилишга урина бошладди. Бизнинг бостирма олдинроқ тайёр бўлгани учун Анис ака: “Анави меҳмонларга битта товокни тўлдириб солиб берайлик”, деди. “Унда, овқат ўзимизга камлик қилиб қолади-да”, десам, “ош қилиш-япти-ку, улар ҳам бир товок беради-да” деди.

Бир товок бостирмани бериб юбориб, унинг паловга айланиб қайтишини анча кутдик, аммо дарак бўлавермади. Кейин суриштириб кўрсак, меҳмонлар биз берган бостирмани еб, жуда тўйиб кетдик, энди палов сиғмайди, деб харажатларини машинага босганича жўнаб кетишган экан.

### *Ҳамма жойда мезбонмиз*

Водийлик ўрмончилар – камина, Фарғона ўрмон хўжалиги раҳбари Муҳаммадали, Сирдарё ўрмончилигининг сардори Эшонкул, Жиззахдан Санокул, Самарқанддан Ҳусанбой, водий бўйича нозир Валижонлар хизмат юзасидан Тошкентга бордик. Тадбир тугагач, ўрмончилик кўмитасида ишлайдиган бир-иккита муовин, баъзи бўлим бошлиқлари “сизларга кўп меҳмон бўлганмиз, вақтларинг бўлса, бизнинг чойимиздан ҳам ичинглар”, деб қолишди.

“Ўзбекистон” ресторанида куюк овкатландик. Ҳисоб-китобга навбат етиб, официант йириккина суммани айтди. Мезбонлар бирин-кетин чўнтак кавлагандек бўлишди-ю бири рўмолча чиқариб, юзини артди, бири сигарет тутатди. Биз ўзаро кўз кисишиб, жим ўтиравердик. Официантнинг токати ток бўлиб, бир томок кирди, ҳеч гап йўқ. Назаримда бутун ресторан бизга қараб тургандай. Шунда шерикларимга айтдим;

– Узоқдан келган бўлсак ҳам, бу ерда ҳам барибир, биз мезбонмиз...

Узоқдан келган “мезбонлар”га қўшилиб шу ерда яшовчи “меҳмонлар” ҳам кулиб юборишди.

### *Бизгачи?*

Бувайда райкоми бюросида биринчи котиб Максудали Ҳайдаров ғўзаларга ишлов беришнинг аҳволи чатоклигидан куюниб, текширувда ёмон баҳо олган олтита колхознинг раисларига “хайфсан” эълон қила бошлабди. Машҳур раислардан бири Эшон ака пинакка кетган экан, орада кўзини очиб, ёнидагилардан нима гаплар бўлаётганини суриштирибди. Унинг бикинида ўтирган касбдоши Эсон Мадраҳимовнинг шумлиги тутиб: “Райком хозиргина олтита колхозга қўшимча ўғит ажратиб берди, колхозингизнинг номи чиқмади” дебди. Буни эшитган Эшон ака қўлини кўтарганича ўрнидан туриб, котибга сўз котибди:

– Бизга-чи бизга, биз курук қолаверамизми, Максудали Ҳайдарович! – деганда ҳамма бақрайиб қолибди.

## Ҳашаротхўрлик

Бир замонлар ёзги таътил пайтида Сойибжон Алиев, Махмуджон Ҳошимов, Рашидхон Ахмедов, Муҳаммаджон Акбаров, Ҳабибжон Ҳожиматов, Анвар Ашуров, Тўлқин Эргашевлар билан бирга Саричелак оромгоҳида дам олдим. Биринчи кунданок улфатбозлик авжга минди. Улфатбозликда эса нималар бўлмайди дейсиз?

Бир ўтиришда Сойибжоннинг қадаҳига чигиртка тушиб қолди. Шаробни тўкиб юбормоқчи бўлганида, улфатлар: “Мўъжизани увол қилманг” деб эътироз билдиришган эди, у: “Агар беш сўмдан берсанглар, бутунича ичворардим”, деди. Ҳазиллашяпти деб ўйлаб, рози бўлган эдик, шаробни чигирткаси билан ютворса бўладими. Айтилган сўз – отилган ўк, ўша даврда каттагина пул бўлишига қарамай, ноилож беш сўмдан чиқариб бердик. Шу баҳона бўлди-ю бошқалар ҳам пулдан гаров ўйнаб, бири чигирткани, бири кўнғизни, бошқаси бўка пашшани ютишга киришди. Олдингидан фарқи шуки, бериладиган пулнинг қиймати борган сайин камаяверди. Охирида мебел фабрикаси бошлиғи Анваржон бир чигирткани ютмоқчи бўлиб, гаров таклиф қилган эди, бўлди энди, бекорчи пул йўқ, деб тесқари ўгирилдик. Шунда унинг хўрлиги келиб:

– Жон ошнажонлар, менга қолганда пастлик қилманглар. Ўтиниб сўрайман, ҳеч бўлмаса, йигирма тийиндан ҳам бермайсанларми, деб пиқиллаб юборса бўладими!

## *Саричелак ҳаётининг иккинчи куни*

Саричелак базмининг иккинчи куни ҳам қизгин давом этди. Чигиртка хангомасини эслаб, роса кулишдик. Бир оз ўтиргач, Ҳабибжон Ҳожиматов кармоқ кўтариб, балиқ овлашга кетди. Кўп ўтмай Сойибжон Алиев иккаламиз ундан хабар олгани бордик. Қарасак, бамбукни ушлаганича кўлга термилиб ўтирибди. “– Ҳа, илинмаяптими?” деб ҳол сўрасак, “Тортмаяпти, нимагадир” дейди. У ёк-бу ёкка разм солиб карасак, кармоқни отганда учи дарахтга илиниб қолган экан.

Мириқиб ҳордиқ чиқаргач, ниҳоят Кўконга йўлга чиқдик. Кимдир машинага чиқаётиб, кимнингдир ечиб кўйилган туфлисига қоқилиб, “Бу ерда туфлига қанд борми?” деб ташқарига ирғитиб юборди. Ундан куч олиб, бошқалар ҳам бир-бирининг туфлисини ирғитишга тушди. Хуллас, ҳаммамиз оёқ яланг қолдик. Бу ҳам етмагандек, ўзимиз олиб борган қозоннинг қуясини бир-биримизнинг юзимизга суртиш билан машғул бўлибмиз. Ҳаммамиз бир-биримизга қараб куламыз, ўзимиздан хабаримиз йўқ.

Қоронғи тушмасдан Кўконга етиб келдик. Биринчи бўлиб Маҳмуд Ҳошимовни катта йўл ёқасига, кўчаси муюлишига туширмоқчи бўлдик. У: “Эшигим тагига олиб бориб кўясизлар, чойхона олдидан ялангоёқ, бу қаро юз билан қандоқ ўтаман?” – деб хархаша қилди. Биз кўнмадик. Охири: “Ҳаммангга бир жуфтдан туфли олиб бераман”, – деб ваъда бергандан сўнггина кўндик, зеро, у савдо идораси бошлиғи эди-да. Қолган йўлдошларимизни ҳам шу тариқа туширдик. Менга келганда қоронғи тушиб бўлган эди. Қолган йигитлар мени ҳам катта йўлга туширмоқчи бўлишди. Мен тортишмай, савдолашмай, ҳеч нарса ваъда қилмай, дангал тушиб

кета бошладим. Ўртоқлар: “Ҳой, шу аҳволда катта йўлдан юришга уялмайсанми? Биров кўрса, кимсан фалончи, шу аҳволда юрадими, демайдими?” – деб ялентирмокчи бўлишган эди, “Шу зим-зиё кўчада сен аблахлардан бошқа ким ҳам бўлар эди?” – деб уйга қараб йўл олдим. Оркамдан машинани секин-лаб уйгача боришди.

– Ҳов, мен билан ҳазиллашманглар. Яқинда партия мактабини битириб, райкомми, горкомми бўлсам, ҳаммангни муҳокама қилиб, партиядан ўчираман, – деганча уйга кириб кетаётган эдим, яна бўлмади, ўртоқчилик экан, эшик тагида партиядан ўчишга бағишлаб яна икки шиша бўшатилади. Ниҳоят улар “Сенсан райкомим, хоҳ ўчир, хоҳ ўчирма”, – деб ашулани ванг қўйишганича жўнаб кетишаверди, камина ҳам сўкинганча қолавердим.

### *Аям чақиряпти*

Кўқондаги Массив чойхонаси. Вақт окшомдан ўтиб қолган бўлсада, Ахрор, Адхам, Дилшод ва бошқалар базми-жамшидни давом эттирмокдалар. Шу пайт Дилшоджоннинг ўғли келиб: “Дада, аям чақирябдилар” деди. Отаси ҳозирок етиб боришга ваъда бериб, ўғлини чиқариб юборди. Сухбат кизигандан-қизиб бораётган эди, орадан ярим соат чамаси ўтиб, Дилшоднинг ўғли яна келиб, аяси чақираётганини айтди. Орадан ўттиз-қирк дақиқа ўтганда яна ўғли кириб:

– Дада, тезлик билан уйга бораркансиз. Агар ҳозир бормасангиз, аям ухлаб қолар эканлар, деса бўладими.

Улфатлар бир-бирига сирли, кимдир билинар-билинемас пиқиллаган кулгу билан қараб сузилиб қолишди.

Орадан шунча вақт ўтиб, бу гап кўчага чиққани йўк, чиқмайди ҳам.

## *Узоқни ўйлаб*

Камина, Икромжон ва Собир Тошкентга кетяпмиз. Сирдарёдан бериروقдаги Чағалида нон бозори бор, пойтахтга мазорбости қилиб олайлик деб, машинани шу жойда тўхтатишимиз биланок, атрофимизни патир сотувчи киз-жувонлар ўраб олишди. Собир бир жувоннинг ҳамма патирини олиб, савдолашмагани етмагандек, айтганидан ҳам кўпрок пул берди. Машинага кайтгач, ундан бу хотамтойликнинг сабабини сўрадик. Нима дейди денг:

– Илгари унинг опаси билан учрашиб юрар эдим, буни синглиси биларди. Ҳозир шунака қилмаганимда, уйига бориб, “опа, одам куриб кетгандек, бир вақтлар фалончи пасткаш билан учрашиб юрардингиз-а”, деб мени ёмон отлик қилган бўларди: “Ана мулоҳаза-ю, мана мулоҳаза”.

## *Мутлақо эсимга келманми*

Ўша, яқинда “Патир” лақабини олган дўстимиз Собир хотини билан тўйга у-бу харид килиш учун Кўкон бозорига боришибди. Хотини “кимсан фалончининг хотиниман-ку” деб орқа ўриндикка ёнбошлаб олган экан. Иттифоқо йўлда бир жувон кўл кўтарибди. “Кўнгли бўш” Собир тўхтаб, уни ёнидаги ўриндикка ўтказибди. Кўконга боргунча ўтган ширин дамлар хотираларидан суҳбатлашибди. Ҳалиги жувон манзилига етиб, тушиб колгач, шу пайтгача дам урмай, писиб ўтирган хотини “Ҳа... дадаси?!” деб юборган экан, Собир тормозни босганини билади.....

Касалхонага тушибди, деб кўргани бордик. Ранги бир аҳволда. Боши бинтланган бўлса-да, лат еган жойлари кўриниб турибди.

– Ҳа, биродар, нима бўлди? Қаеринг оғрияпти?

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Бир оз чарчабман, дам олгим келди.

– Тўғрисини айтавер, касални яширсанг, истмаси ошкора.

Хуллас, у воқеани айтиб беришга мажбур бўлди ва сўзини шундай якунлади:

– Хотинимнинг машинада эканлиги мутлако эсимга келмабди.

### *Родной чўп*

Эски замонда мусобақадош республикаларнинг вакиллари бир-бирининг далаларига бориб, ишлар билан танишиб туришарди. Фарғонадан Аҳматулло Рустамов бошчилигидаги делегация Қозғистоннинг Жеттисайига боришибди. Бир совхоздаги ғўзаларнинг ҳолатини кўришса, экинни бегона ўтлар босиб ётганмиш. Комиссия аъзоси Ҳамзали Турдиев совхоз директорига қараб: “Пахтани манави бегона ўтлардан тозалаш керак”, деса, у пинак бузмасдан эътироз билдирибди:

– Нега бегона дейсан, булар бирга ўсиб чиқишган. Пахтанинг родной чўплари булар!

Шу кулги баҳона, зиёфат бошланибди.

### *Мислсиз томоша*

Бутун Марказий Осиёда машҳур бўлган Юсуфжон кизикка шогирд тушишни орзу қилган Охунжон уникига келиб, мени шогирдликка олинг, деб йиғлагудек ахволда туриб олибди. Юсуфжон кизик юмшаб, шундай дебди:

– Унда, хозирок дарсни бошлаймиз. Олдин ҳамма кийимингни еч. Кип-яланғоч бўлганингдан кейин, тўнни кий.

Охунжон айтилган гапларни қилгач, устоз уни

шу аҳволда бозорга бошлаб, ковун сотилаётган жойда тўхтабди. Тўртта ковун олиб, пулини тўлабди-да, Охунжонга юзланиб: “Энди, тўннинг орка пешини кўтар, манави ковунларни солиб, уйга олиб борамиз”, дебди.

Марғилон Марғилон бўлиб, шу пайтгача бундай зўр томошани кўрмаган экан...

### *Саҳнага йўл*

Охунжоннинг орзуси ушалиб, Юсуфжон қизикка шогирд бўлиб олгач, тўйларда унинг соясида юриб, анча танила бошлабди. Бир куни устози унга: “Бугун сени театрга олиб бораман, спектаклда қатнашасан”, деб қолибди. Охунжоннинг юраги така-пука бўлиб: “Кўйинг-е, тўйлардаги қизикчиликка зўрға яраб турибман, саҳнада ҳақиқий маҳорат керак”, деса, Юсуфжон қизик бепарво сўз котибди:

– Сенга маҳоратнинг кераги йўк. Саҳнага чиксанг бас, одамлар туркингни кўрибок, кулишаверади.

### *Илгари ялапидингиз?*

Данғара тумани халқ суди раиси Муборакхон опа Октепага ипак курти тутиш бўйича вакил этиб юборилди. Умрида курт кўрмаган опани ўша ернинг сардори Очил ака кутиб олиб, уйма-уй олиб юрибди.

Октепа халқи, маълумки, асосан қорақалпоқлардан бўлиб, тил лаҳжаси бўйича “жўкчилар” гуруҳига кирдилар.

Алқисса, Очил ака уйига ҳолвайтар буюриб қўйган экан, опани таклиф қилибди. Ҳовлига кирган заҳоти хотинига: “Хайвонга жой қил!” – деб буюрибди. Уларнинг лаҳжасини яхши билмаган вакил опа бир бўзариб олибди-ю, ичидагисини ташига

чикармабди. Айвонга чикиб ўтиришгач, ҳолвайтар келтирилибди. Очил ака опани ҳолвайтарга таклиф қилар экан, “Шаҳарда ўсган бу опа ҳолвайтарни билармикан?” деб ўйлаб, “Муборакхон, илгари ҳам жалаппидингиз?” – деб сўрабди.

(Кичик бир изох: Очил аканинг лаҳжасидаги хайвон – айвон, жалаппидингиз – ялабмидингиз.)

### *Махтангни жеб қўйибманми?*

Давлат Султонов ҳокимлик пайтида Октепага борибди. Колхоз раиси Очил ака билан пахтазорларни айланиб юриб, бир жойга етишибди. Не кўз билан кўрсинларки, катта бир пайкални сув босиб, ғўза кўчатлари бутунлай сув остида қолиб, кўринмай ётган эмиш. Ҳоким ғазаб отига миниб, “Ҳей, раис, пахта қани, пахта?” – деб дағдаға қилса, раис тумтайиб, отамерос “жўкчи” шевасида жеркибди:

– Жеб қўйибманми махтангни? Жер сувни тортиб кетса, ўзи лап этиб кўринади. Шунга ҳам бақирасанма!

### *Соғ бўлинг*

Жума номози пайти. Имом хатиб фарз номозини бошлаб, эндигина зам сура кироатига ўтган эдилар, Ҳамиджон Каримов деган дўстимизнинг димоғи кичиб, акса уриб юборди. Сафда ёнма-ён турган Шамсиддин беихтиёр “Соғ бўлинг” деса, Ҳамиджон ҳам беихтиёр “Раҳмат” деб кўйди.

## *Жимпер*

Миробид билан Тошкентга келиб, талаба болаларимиз ётиб юрган квартирада тўхтадик. Миробид кандайдир бир юмуш билан ташкарига чиқдилар-у уч соат чамаси йўқ бўлиб кетдилар. Келгач, қаерга йўқ бўлиб кетганларини сўрасак, эски кадрдонлардан бири учраб қолганини айтдилар...

Орадан ўн кун ўтиб, яна пойтахтга йўлим тушди. Ўша хужрада тунадим. Бир пайт кўнғироқ жиринглади. Эшикни очсам, бир жувон турибди. “Шеригингиз канилар?” – деб сўради у.

– Қанақа шеригим?

– Ўтган сафар бирга келган шеригингиз. Менга янги чиққан жимпер ваъда қилган эдилар, мабодо сиздан бериб юбормадиларми?

## *Оқ фотиҳа*

Бош бухгалтер Ҳамиджон дўстимиз рўпарадаги кўшнисининг дўхтир ўғлига қизини узатди. Тўй жуда файзли ўтди. Базм ниҳоясига етиб, ота қизига оқ фотиҳа берадиган вақт бўлди. Таомилга кўра киз отасининг оёқларига тиз чўкиб, йиғлаб хайрлашди ва оқ фотиҳа сўради. Қариндош-уруғлар, яқин дўстлар куршовидаги ота фотиҳага қўл очиб, йиғи аралаш деди:

– Сафаринг беҳатар бўлсин!

“Отаюпатар”га келган биз дўстлар бу гапнинг мағзини чақолмай, анқайиб турардик.

## Устоз

Адхамжон Абдуллаев деган ажойиб дўстимиз бўларди, гурунглари файзли эди.

У киши кунлардан бирида Зафар Мирзаевнинг уйида бўлаётган ўтиришга савлат тўкиб кириб келдилар. Хонадон соҳибининг ити занжирни узиб юборар даражада сакраб, вовиллай кетди. Меҳмонни таъзим билан қарши олаётган Зафаржон итга қараб: “Жим бўл! Танимадингми, бу олий мартабали зот бизга устоз бўладилар-ку!” – деб дўк килди. Адхамжон хуришдан тўхтаган итга энсаси котганича қараб кўйиб, Зафаржонга деди:

– Ўзингни зўрға эпакага келтирганидим. Энди итинг ҳам бормиди?

### *Меҳмоннинг фарёди*

Америкадан ташриф буюрган меҳмонни Эркин Воҳидов, Нурали Қобул Дадахон Нурий каби ижодкорлар кутиб олиб, республика бўйлаб сайр қилдиришди. Водийга келганларида, табиийки, меҳмондорчиликнинг тагида қолдилар. Кунига беш-олти марта зиёфат, зиёфат бўлганда ҳам жуда шоҳона. Шўрлик меҳмон охири “дод” деб юборди, биз Морган, Рокфеллер, Гейтсга ўхшаган миллиардерларимиз билан мақтаниб юрибмиз, ҳақиқий миллиардерлар Фарғона водийсида экан, деди.

Барибир яна устма-уст зиёфат бўлаверди, меҳмон “олинг-олинг”ларга чидамасдан, охири меҳмонхонага бориб ётиб олди. Навбатдаги зиёфатга чикмагани боис, Нурали Қобулдан унинг насибасини киргизиб юборсак, у овкатларга безиллаб бокиб, шундай дебди:

– Сизларда рўза тутиш одати бор. Тамом, мен ҳам бугундан бошлаб рўза тутдим!

Бир ўрни келганда, бу воқеани шоир Анвар

Обиджонга сўзлаб берган эдим, у киши фахрланган киёфада мутойиба қилди:

– Ўзбекнинг таомлари жуда сеҳрли-да, қаранг, хатто америкаликни рўза тутишга ўргатибди. Агар эринмасдан овқатни яна уч-тўрт кун запланганларингда, бир йўла мусулмонликниям қабул қилган бўлармиди...

### *Пайпоқ*

Улфатимиз Аҳмаджон Опоч: “Зўр опахоним бор, танишиб олинглар”, деб бизни Қўқондаги бир уйга бошлаб борди. Роса еб-ичдик, биринчи бўлиб мезбон аёлнинг қайфи ошиб қолди, Опочнинг бўғзига чанг солиб: “Ўтган сафар ҳам бир гала бўлиб келиб, тўкиган жунпайпоқларимнинг ҳаммасини насяга олиб кеттиларинг. Олдин ўша пулларни тўланглар, меҳмондорчиликни кейин давом эттирасанлар”, дея жанжал кўзғади. Ўтиришимиз таъби хирачилик билан яқунланди.

Эртаси куни яқин оғайниларимиздан бири бўлган Баҳодиржон Тўйчибоев билан учрашиб қолиб: “Опоч зўр импўртний пайпоқлар олиб келган экан, кеча ҳаммамизга таркатди, сизга ҳам теккандир”, дедим. Гапим тугаши биланоқ у: “Вой аблаҳ-ей, бошига иш тушса, биринчи ўринда менга югуради. Энди керак бўлмай қолибмизми”, деб ғижинди-да, Опочдан пайпоқ ундириб келишни тайинлаб, шофёрини жўнатиб юборди.

Опочнинг аҳволини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг.

## *Омонатга хиёнат*

Машхур аскиячи Жўрахон Пўлатов кишга ўтин сўраб келиб колди. Мен унга: “Аввал битта японгисидан эпитайлик”, дедим.

– Майли, латифа эмас, бўлган бир воқеани айтиб бераман, – деди у. – Аммо, бир шартим бор – буни ҳеч кимга айтмайсиз!

Мен айтмасликка сўз бердим. Жўрахон ака хикоя қилишни бошлади:

– Маҳалламизда Тўхта мағзава деган одам бор. У пуфакни тутун билан шишириб, Худога хат йўллабди. Наряддан бўшаган учта мелиса йигит бу ғайритабиий пуфакни кўриб, отиб туширишибди. Пуфак ичидаги хатни, очиб карашса, унга: “Э, Худо, мен Тўхтавой деган бандангман. Сал камхарж бўлиб колдим, ноумид килмай, ўн минг сўмгина бериб тургин”, деб ёзилган экан. Хатни ўқиб, раҳми келган мелиса йигитлар чўнтақларидаги бор пулни ўртага ташлашибди, Тўхтавойни уйдан чакириб, шуни ишлатиб туринг, деб ташлаб кетишибди.

Эртаси куни ўша мелиса йигитлар карашса, тепадан яна бир пуфак учиб ўтаётганмиш. Униям отиб тушириб, ичидаги хатни олиб ўқишса, энди: “Э, Худо, сўраган ўн минг сўмимни келиб-келиб мелисалардан бериб юборасанми, тўрт минг уч юз сўмини уриб қолишибди”, деб ёзилганмиш.

Буни ҳеч кимга айтмасликка сўз берганим рост, лекин ёзмасликка ваъда бермаганман.

## *Галстукли ҳайдовчи*

Ғуломали Назаров Охунбобоев туманида райком бўлиб турганида унинг Курбонали Раҳмонов деган шофёри бўларди. Ғуломали ака ингичка, озгин, одам эди. Ҳайдовчиси эса новча, бақувват, келишган йигит бўлиб, доимо ғоздай гердаиб турар эди.

Улар бир куни Риштонга тўйга боришибди. Мезбон хизматдаги бақовулни имлаб, Охунбобоев туманининг раҳбари келганини, ҳурматини жойига қўйиб, алоҳида белгиланган хонага олиб киришни тайинлабди-ю ўзи орқама-орқа келаётган меҳмонларни кутиш билан чалғиб қолибди. Бақовул шофёرنинг савлатини кўриб, уни алоҳида хонага олиб кирибди, раҳбарни эса ташқаридаги, ёппа ўтириладиган узун столга бошлашибди.

Ичкаридаги казо-казолар маишатни қилиб бўлишгач, дастурхонга фотиҳа тортишибди. Ташқарига чиқишгач, раҳбарлардан бири четроқда тажанг-ланиб турган Ғуломали акани кўриб: “Ие, қаерда эдингиз, ичкарида кўринмадингиз-ку”, деса, у шундай жавоб қилибди:

– Риштонга бир улуғ одамнинг тўйига борамиз, ок қўйлак, яхши костюм кийиб, мен берган галстукни тақиб олгин – деб шафёримга тайинлаган, мен ўзим ахмок...

## *Бандачилик*

Баҳодир дўстимиз умумий овқатланиш корхонасининг 5-бўлимида омборчи эди. Нима бўлди-ю уч кун ишга чикмади. Бўлим бошлиғи Мамажонов биринчи куни эътибор бермади, иккинчи куни ғаши келди, учинчи куни қаттиқ жаҳли чиқиб, омборчини ернинг тагидан бўлса ҳам топишни буюрди. Ниҳоят тўртинчи куни Баҳодир пайдо бўлгач, тушунтириш

хати ёзишни талаб қилиб, бақирини бошлаган эди, ўртоқлари билан Шохимардонда улфатчилик қилиб юрганини айтишдан қўрққан Баҳодир: “Нима қилай? Хотинимнинг тўлғоғи оғир келди, кўзи ёриши қийинлашиб, аҳволи ёмонлашиб қолди. Тошкентга олиб боришга тўғри келди. Яхши ҳам олиб борганим, хотиним эсон-омон туғиб олди”.

Уни тергаб турган бошликнинг феъли ўзгариб, табрикланга тушиб кетди.

Баҳодир серулфат йигит эмасми, фарзанд кўргани ҳақидаги хабар яшин тезлигида тарқалиб, “ювиш” масаласи кун тартибига қўйилди. Баҳодир турли баҳона топиб, бир панд берди, икки панд берди, охири кутулолмаслигини билиб, жума куни ишдан сўнг Сарикўрғондаги чойхонада туғилмаган болага ош қилиб берадиган бўлди.

Жума ҳам келди. Ишдан сўнг улфатлар келишилган жойда тўпланиб, чойхонага боришга шайланишди. Шу маҳал Баҳодир ковоғи уйилган қиёфада пайдо бўлиб, мунгли товушда деди:

– Узр айтишга келувдим. Пешанага сиғмаган экан, янги туғилган болам ўлиб қолди...

Улфатлар туғилиши ҳам, ўлими ҳам сирли гўдакка ачинганларича, уй-уйига тарқалишди.

### ***Бало чиқди-ку***

Ҳаммамизга маълум, ЎзКп МКнинг XVI-плениумидан сўнг республикада ишдан олиш, партиядан чиқариш, чора кўриш ишлари авж олиб кетди. Ҳар кун, кунора информацион билдиришлар... Ҳамма юрагини ҳовучлаб юрадиган бўлди. Кунлардан бирида Мамажон палов чойхонада улфатлари билан ўтирган эди, радиодан ахборот бериб қолишди, “– Қўшма штатлар президенти Рейген вазифасидан кетди...”

– Каранглар-а, – деди Мамажон ака, бу Сотим-хўжаев деганлари жуда бало чиқди-ку-а?

## Соқол

Шер деган оғайнимиз бор, тукларига жуда эрк бериб юборган, соқол жонивор кўкракни коплаб, киндикни кўзлаб колган. Биродарлар билан мас-лаҳатлашиб, унинг соқолини бир ёкли килиш чорасини изладик. Ниҳоят, чойхонада ўтирган пайтида ёнига бориб, атрофга аланглаб, ҳеч ким йўклигига ишонч ҳосил қилгандай бўлиб, кулоғига шивирладим:

- Оғайни, овинг юриб қолди.
- Хўш-хўш, қани, гапиринг-чи.
- Сени роса мактаб, реклама қилган эдик, биттаси танишмоқчи бўлди.
- Ким экан у?
- Кўрганда биласан. Бироқ, таништиришга сени бу аҳволда олиб бориб бўлмайди. Сартарошхонага бир кириб чиқишга тўғри келади.

Шер ўйланиб қолди. Соқолим муҳимроқми ёки мен билан танишмоқчи бўлган ўша “биттаси”ми, дегандай соқолини салмоқлаб кўрди. Ўйлаб-ўйлаб, майли, сенларнинг айтганинг бўлсин, деди. Чархин Кўприк гузардаги Муқимжон сартарошнинг хузурига кириб, арчилган тухумдай сип-силлик бўлиб чикди.

- Қани, бошланг ўша “биттаси”нинг олдига, – деди.

Уни сартарошхона яқинида тўпланиб турган Раҳмонали, Одилжон, Давлаталиларга рўпара қилдим, “мана ўша сен билан янаям яқиндан танишмоқчи бўлган одам”, деб Раҳмоналини кўрсатдим.

Буни эшитиб, Шер бирданига тумтайди:

- Ие, “биттаси” деганингиз шумиди ҳали? Бу одамнинг қанақалигини болалигимдан биламан-ку... Ҳа, эсизгина соқолим-а!

## Уч йилги омонат

Радиога масъул вазифада ишловчи Бағдод туманилик Олимжоннинг кишлоқдоши республикада юқори лавозимга тайинланибди-ю бирдан гўё унинг димоғи кўтарилибди. Кунлардан бирида саноат бўлими бошлиғи Музаффар Саидовнинг хонасига кириб: “Қани бу... Мамасолиҳ?” – деб, кўшни столда ўтирувчи ходимни суриштириб, дағдаға қилибди:

– Нимага эшиттиришнинг матнини топширмади?

– Ҳозир келиб қолса айтаман, топширар, дебди коса тагини пайкамаган Музаффар ака.

– Ҳов, менинг кимлигимниям, каерданлигимниям биларсиз-а?

– Билмай ўлибманми, пошшоликдансиз-а, ука.

– Билсангиз, айтиб қўйинг, Мамасолиҳ калон-димоғликни йиғиштирсин. Бунақа олифталарнинг ўзигаям қўйдим, столигаям!

Мамасолиҳ келгач, Музаффар ака унга бўлган гапларни етказган экан, ранги оқариб, эшиттириш матнини тайёрлашга киришибди.

Орадан уч йил ўтгач, Олимжонга кишлоқдош бўлган арбоб ишдан кетибди. Мамасолиҳ Болтабоев ўша куниёқ Олимжоннинг хонасига телефон қилибди. Гўшакни унинг раҳбари Раҳмат Жумаев олиб, Олимжон ташқарига чикувди, келса нима деб қўяй, деган экан, Болтабоев салмоқли товушда тайинлабди:

– Келса, айтиб қўйинг, бундан уч йил олдин столимга бир нарсасини қўйиб кетганди. Шу омонатини олиб кетсин.

## *Усталарнинг устаси*

Телевизоримиз бузилиб, уста чакирмоқчи бўлиб турган эдим, Маҳмуджон Ҳошимов келиб қолди. Воқеадан хабар топгач, уста ўзимиз-да, деб ишга киришиб кетди. Телевизорнинг лакашикилдоқларини бир-бир суғуриб, уйнинг ярмига ёйиб ташлади. Барибир уста ҳақи олмайди деб, қуюқ овқат тайёрлатдим. Гурунглашиб, овқатландик. Дастурхонга фотиҳа тортилгач, карасам, ташқарига чиқиб, кетишга чоғланяпти.

– Ҳа, қаяққа? – дедим хайрон бўлиб. – Телевизор нима бўлади, телевизор?

Маҳмуджон пинагини бузмасдан жавоб қилди:

– Бу менга ўхшаган катта усталар тушунадиган телевизорлардан эмас экан. Хашакирок уста топиб, кўрсатавер.

## *Савдогарчилик*

Обком комсомолда ишлаб юрган пайтларим Бағдод тумани милициясининг бошлиғи Фозилжон Москвага бориб келди. Саёҳат таассуротларини сўраган эдим, у: “Уни қўйинг, буни қўйинг, Москвада саримсоқ пул экан. Озроқ олиб борган эдим, килосини уч сўмдан савдолашмай олиб кетишди”, деб қолди. Менга бунақа нарсаларнинг қизиғи йўқ, дедим-у, тезда сафар хозирлигини кўрдим, 50 кило саримсоқни 80 тийиндан сотиб олиб, каттакон чемоданга босдим.

Москвага етгач, юкни зўрға судраб юриб, меҳмонхонадан жой топдим, чемоданни юқори қаватга олиб чикқунча эна сутим оғзимга келди. Эртаси куни куйиб-пишиб, бир амаллаб бозорга олиб борсам, не кўз билан кўрайки, меникидан яхшироқ саримсоқларни 40 тийиндан сотиб ўтиришибди.

Нима ҳам килар эдим, ортиқча юкдан қутулиш учун бир озарбайжон билан савдолашиб-савдолашиб, охири улгуржисига 20 тийинданга ўтказдим.

Москвадан қайтганимдан кейин, Фозилжонку ўчини мендан олди, энди мен захримни кимга тўкаман деб юрганимда, Соҳибжон деган танишим учраб, Москвага кетаётганини айтиб қолса бўладими? Унга тезда “саримсоқ савдоси”ни тикиштирдим. Эшитсам, 150 кило саримсоқ олиб, сафарга жўнабди.

Орадан анча ўтиб, Соҳибжонни кўчада учратиб қолдим. Дўстона киёфада қўл узатсам, кафтимга бармоқларининг учини теккизиб қўйиб, “сен билан ҳали ҳисоб-китобим бор”, – дея шошганича ўтиб кетди. Москванинг бозорида аҳволи не кечган, ҳозирча буни билганим йўқ. Билсам сизларга, албатта, айтаман.

### *Маматхонов шуми?*

Олтиариқдаги собик колхоз раислардан бўлмиш Абдусаломнинг онаси Отинча ая туманидан бошқа жойни кўрмаган, ўта содда эканлар. Отинча ая кўшни кишлоққа тушган кизини кўриб келишга шайланаётганини билиб, Абдусалом, сизни шофёрим машинада ташлаб қўяди, манавинга йўлдан невараларга канд-қурслар олволарсиз, – деб, ўн сўмлик пулни узатибди.

Ҳаётда қўлига пул ушламаган онаизор, – ие, расими ҳам бор экан-ку, пулдаги Лениннинг суратига тикилиб. – Ким бу? – дебди.

Абдусалом: “Юртимизнинг пошшоси шу одам”, деган экан, Отинча ая расмга бошқатдан қарабди-ю ҳаяжон билан:

– Вой, Маматхонов деганлари шуми? – дермиш.

Маматхонов ўша даврларда Олтиариқ райиҷроқўми раиси эди.

## Қаттиқ бодом

Ҳайдар ака деган колхоз раиси бўларди, ҳаддан зиёд пишиқ, зикна одам эдилар. Бир куни вилоят раҳбари Шамсиддинов бизни эргаштириб, колхоз далаларини кўздан кечирди. Мен раисни четга тортиб, биз Насвали ака, Равшаной, Қозоқвой, Қудрат акаларнинг далаларини айланиб чиқамиз, ўша атрофда тушлик тайёрлатиб кўйинг, дедим. Тайинламасангиз, бу одамдан бир нарса униши кийинлигини яхши биламан-да.

Ниҳоят тушликка тўхтадик. Дастурхонда мевачевалар каторида икки ликобчада бодом ҳам турибди.

– Тиш ўтмайдиган, канча одамнинг оғзига кириб чиққан бу тошбодомлар менга таниш, ўтган йили ҳам олдимизга қўйилганиди, – деди Шамсиддинов, ивирсиб турган парткўмга караб. – Шуларни олиб чиқиб, чақиб келинг.

Парткўм ҳам раисдан қолишмас экан, ликобчанинг биттасидаги бодомларни чақиб келди. Бодомни бир зумда еб тугатиб, иккинчи ликобчадагини ҳам чақиб келишни буюрдик.

Ташқарида бодом чақилаётган пайтда Ҳайдар аканинг овози эшитилди:

– Ҳа, нимага чакяпсан бу бодомларни?

– Шамсиддинов буюрди. Битта товоқчадагини чақиб кирган эдим, бир зумда тинчителишиб, бунисиниям чақиб кел, дейишди?

Ҳайдар раиснинг гулдирок товуши яна хона ичкарасига эшитилди:

– Ие, “чак” деса, индамай чакаверасанми? Бунақада колхозимиз хонавайрон бўлади-ку, – деганида Абдупаттоҳ Ҳамролиев, Фахриддин акалар беихтиёр кулиб юбордилар.

## Бош уқалаш

Икки-уч ҳафтада кечкурунлари бир тўпланиб турадиган даврамиз бор. Таом пишгунга қадар эрмак учун “пирра” ўйнаб ўтирилади. Ким ютқазса, даврадагиларнинг бошини уқалаб қўйишга келишиб олинади. Бу ўтиришга ўзимизнинг депаралик Рафиқ Қурбон, Раҳмон Сафар, Қодирали Раҳмон кабилардан ташқари, Тошкентдан Абдулҳақ, Умрзоқлар ҳам келиб туришади.

Ўйин бошланиши билан Назирхўжа деган улфатимизга ҳужум бошланади ва уни қолдиришга ҳаракат қилинади, зеро, унинг қўли енгил, сидқидилдан уқалайди, таърифига тил ожиз. Ўзи ҳам машҳур кинначилар авлодидан эканлиги билан мақтаниб, “Холбу бувим, Мунисхон холам...” деб етти авлодидан чиққан кинначиларни санашга тушади.

Бир ўтиришда ютқазиб, ҳар биримизнинг бошимизни жуда узок уқалади. Мен ҳам узок дуо қилдим ва охирида қўшимча қилдим:

– Бу дунё боқий эмас, фонийдир. Агар вақтисоати етиб, бу инсон дунёдан ўтиб кетса, ўрнини боса оладиган бундай қўли енгил кинначини ҳозирги авлодлари ичида қўрмайман.

Буни эшитиб, Назирхўжанинг димоғи кўтарилди:

– Мени, ўлади, деб қўркманглар, биродарлар. Киннанинг ҳақини тўлаб турсаларинг, Худо хоҳласа, узок яшайман. Улфатлардан Раҳмонжон (лакаби Чит) ва Рустамали ҳожиларни шогирд қилиб ўргатиб ҳам қўйганман, – деб ғурурланди.

## Сомса

Гап навбати хожи Назирхўжага келганда эълон қилиб кўйди:

– Бир гўшт-ковок сомса қилдириб келай. Хотиним Одинахон бу масалада устаси фаранг. Гиж-ғиж гўштга бир чимдим пиёз, икки чимдим ошқовок аралаштирилса, шунақанги сомса бўладики!

Белгиланган куни катта иштаҳа билан паккамизга тўпландик. Битта сирли тоғорада сомса келди. Унисини еб кўрдик, бунисини еб кўрдик, бари бир хил, яъни ошқовокка озгина пиёз кўшилибди. Жўралар ғала-ғовур кўтаришган эди, Назирхўжа: “Бир суриштириб кўрай-чи, икки кило гўшт олиб берганидим-а”, деб кўл телефонида хотинига кўнғирок қилди:

– Хотинжон, жўралар сомсадан гўшт тополмай, мени қийнашяпти-ку.

Телефоннинг овози очиб кўйилгани боис, у ёқдан гапираётган хотиннинг товуши эшитилди:

– Айб ўзингизда. Сомсага ошқовок кўш, деб туриб олдингиз, ошқовок гўштни эритиб йўк қилворади, десам, ишонмадингиз. Ана, хотиннинг гапига кирмасангиз, шунақа бўлади.

### *Камчилик бўлади-да!*

Юнусхожи юртга ош беряпти. Кўконда махсус дастурхончилар гуруҳи борки, хатто водийнинг энг нуфузли маросимларини ҳам ўшалар ўтказиб беришади. Бу тўйда ҳам Боқижон, Зоҳиджон, Рустамхон, Акрамжон каби машхурлар хизматдалар. Биз ҳам Сойибжон, Камолхон, Маратжон, Носиржон, Баҳодир, Солижон, учта Анваржон, иккита Маҳмуд, иккита Мухторжондан иборат сара гуруҳ алоҳида хонада ўтирибмиз. Дастурхончилар жуда серманзи-



Ижодий мунозара завқи... Чапдан ўнгга: Адҳам Мир Саид,  
Мансурхўжа Хўжаев, Аҳмад Фозил.



Сулола.



Хўқанди латифга меҳмонлар келди...



Япониялик меҳмонлар билан.



Табиатнинг қудратини қаранг: бугунги ниҳол — эртага азим дарахт!



Сўз ва саз бирлашганда.



Кўқонча манзират: “— Емай кўрингчи, ошатамиз!...”



Кўқонлик машҳур кулги усталари давраси.

рат бўлишади, Рустамхон билан Зоҳиджон: “Камчилик йўкми?” – дея хонага галма-гал киравериб жонга тегишди. Сухбат роса кизиб турганда, Рустамхон яна кириб: “Камчилик йўкми?” – деб гапимни бўлган эди, ғашим келиб: “Камчилик бор”, дедим. У, канака камчилик, деб сўраш ўрнига, “Ҳа, энди тўйчилик, камчилик ҳам бўлади-да”, дея зинғиллаб чикиб кетворса бўладими?

### *Тантиликни қаранг*

Муродил, Одилжон, Раҳмонжон хожи ва Давлаталилар билан Янгийўлдаги сиҳатгоҳда даволанаётган Шерхон ҳожини кўргани борганда ўғли Муродхон бизни меҳмон қилди. Бизни Янгийўлда эканлигимиздан хабар топган дўстим Улуғбек кўнғирок қилиб, қайтишда шаҳарда бир пиёла чойга таклиф қилди ва Янгийўлда бир танти одам бор, деб кўйди. Мен ҳам кимлигини суриштира кетдим. Муродхон ўша тантининг кўлида ўринбосар экан.

Индаллоси, яъни тафсилотими? Дунёда ажойиб, ҳеч қандай андозага тушмайдиган одамлар бўлади. Тошкентнинг Янгийўлидаги ғишт заводига Улуғбек дўсти Ботир билан бориб, директори Ўткиржонга учрашишди.

– Сиз бизни танимайсиз, биз эса сизни яхши таниймиз, фазилатларингизни биламиз. Сизда сифатли ғишт бўлиши ҳаммага маълум. Пулимиз тайёр, йигирма минг дона ғишт олмоқчи эдик. Илтимосимиз шуки, тезлаштириб берсангиз.

– Транспортингиз борми? – деб сўради Ўткиржон.

– Ғишт тайёр бўлса, топармиз.

– Манзилгоҳни айтинглар, – деди Ўткиржон, – эртага туш пайтигача ўн минг кейинги куни қолганини оласизлар. Ўн минг биздан совға, қолганига ҳисоб-китоб қиласизлар, транспорти ҳам биздан...

Бу илтифотдан шошиб, ўзини кўярга жой тополмай қолган Улуғбек: – Ўткир ака, шундай қизиқ савол туғиляпти, бу илтифотнинг боиси нима?

– Бир одамнинг ё кўзи ёкади ё сўзи. Билмадим, негадир сизларнинг очик чехраларингиз, самимий гапларинг ёқди – дея суҳбатга нукта қўйди. Ўткиржон.

### *Мол қувиш*

Раҳимжон бир маҳаллар Фарғона вилоятининг Данғара туманидаги Охунбобоев совхозида вакил бўлган. У Бердали ва Мамадалилар билан тўйдан қайтаётиб, пахтазорда юрган сигирни кўриб қолибди-ю машинани тўхтатиб, қувишга тушибди. Ярим соатча уриниб ушлагач, уватдаги тутга олиб келиб боғлабди. Сўнг бобиллашни бошлабди:

– Яхшиямки, каттаконлардан бирортаси кўриб қолмабди, кўрса, Охунбобоев совхозининг далаларидаги пахталарни сигирлар пайхон қилиб юрибди, деб биттага мингта қўшиб, бошимдан мағзава тўқишарди.

Буни эшитиб, машинада ўтирган шериклари қулиб юборишибди:

– Қалланг жойидами ўзи? Ҳозир қаерда турганинг эсингдан чиқдими?

Улар Андижондаги тўйга келишган бўлиб, бу пахтазор ҳам шу вилоят чегараси – Ёзёвон туман худуди экан.

## *Дуо*

Чархин Кўприк маҳалласида саксон беш ёшларга етган Исак ота деган киши бор, чойхонадаги ошхўрликдан сўнг ёшлар ундан, сизга ўхшаб юрайлик, деб дуо сўрашибди.

– Илоҳи омин, – деб кафтини очибди Исак ота, – менга ўхшаб узок яшаб, бу дунёнинг гаштини суринглар.

Ҳамма юзига фотиҳа тортгач, Исак ота: “Лекин, буёғиниям айтиб қўяй, умримда кўп бемаъ依ликлар қилганман, икки кам ўттиз йил турмада ўтириб келганман”, деб қўшимча қилса, дуо сўраганларнинг баъзиси қорнини чангаллаб, ағдарилиб тушибди.

## *Автомат*

Мактабдаги ҳарбий дарсда ишлатиладиган бузук автоматнинг кўндоғи синиб, уни Исак отага тузатишга беришибди. Исак ота тузатиб, мактабга олиб кетаётса, ўчакишгандай, йўлда ГАИ ходими тўсиб, орқа ўриндикда ётган “Калашников” русумли автоматни кўриб қолибди. Унинг капалаги учиб: “Ие! Бу автомат сизникими?” – деб сўраса:

– Йўғ-е, ука, нималар деябсан, эсинг борми, бу – Калашниковники-ку, – дермиш.

## *Чўнтакка сизмаса...*

Машхур ҳофиз Расул қори базмда хизматда бўлибди. Таксимот пайтида шерикларининг шумлиги кўзибди, қори барибир кўрмайди, бир боппайлик, деб пул орасига лоторея кўшиб беришибди. Қори ака пулларни пайпаслаб, лотореяларни ажратиб олибди-да, шерикларига қайтариб узатибди.

– Олаверинг, қори, – дебди шерикларидан бири. – Биздаги чўнтакларда бўш жой қолмади.

Расул кори ҳам бўш келмабди:

– Олаверсаларинг-чи. Чўнтакларингга сиғмаса, бошқа жойларингга тикарсизлар.

### *Олув ва бўлув*

Шофёримиз Анварни Карим ГАИ тўсиб, правасини олиб қўймоқчи бўлибди. Роса тортишибди. Охири Анвар шундай йўл топибди:

– Бир топишмоқ айтаман, шуни топсанг, правани оласан.

– Хўш, қани айт-чи.

– Иккини иккига қўшса, тўрт бўлади, кўпайтирса ҳам, тўрт бўлади. Хўш, нима учун учни учга қўшса, олти бўлади-ю кўпайтирса, тўккиз бўлади?

Карим боши қотганича ўйланиб қолган экан, нарироқда турган бошлиғи яқин келиб, нега гарангсираб турганини сўрабди. Карим унга Анвар қўйган масалани айтса, бошлиғи ҳам пича ўйланибди-да, жумбоқни ечолмаслигини пайқаб, ўдағайлабди:

– Сен кўпайтирув билан қўшувни қўятур. Олув билан бўлувни билсанг бўлди-да!

### *Дадахоннинг оши*

– Тошкентга борганимда Дадахон Нурийга кўнғирок килдим:

– Мен келдим. Қаердасиз?

– Бўстонликда, ёзувчилар уюшмаси дачасидаман. Келаверинг, ош дамлаяпман.

– Ошни ниманинг шарафига қиялпсиз?

– Марҳумга ис чиқаряпмиз.

– Ие, қайси марҳумга?

– Биласиз-ку, компартия яқинда оламдан ўтди.

## *Газак*

Устоз Абдулла Қаҳҳор асабийлашиб турган экан, буфетдан юз грамм арок олиб ичибди. Газакка буфетчи гўшт берган экан, адиб бу ниманинг гўшти эканлигини сўрабди. Буфетчи ўзбекнинг одатига кўра чўчканинг номини тилга олмай, “ок қўйники”, дебди.

– Юр. Дадахон, кетдик, – деб муштини ҳидлаганича ташкарига караб одимлабди Абдулла ака, – бунақа газак арокни ҳаром килади.

## *Уйланиш тарихи*

Абдусамад деган домламиз бор. Армияда рус кизга уйланиб, Қўқонга олиб келганлар. Бир куни у кишидан Вера опага қандай уйланганини сўрадик.

– Биз кино залида танишиб колдик, – деб ҳикоясини бошлади домла. – Танишиб бўлгач, бир-биримизга узок тикилганимизча, гапиришга сўз тополмай турдик. Шунда Вера: “Абдусамадчик, нима ҳақда ўйлаб колдинг”, деб сўради. “Сен нима ҳақда ўйлаётган бўлсанг, мен ҳам шу ҳақда ўйлаяпман”, дедим.

У: – “Вой, уятсиз экансан”, – деб шолғомдек кизарганича, юзимга енгил шапатилади. Кейин иноклашиб кетдик, – деганда Раҳмон деган ўртоғим армияга борсам мен ҳам шундок қиламан, дейди.

## *Ота*

Ажойиб инсон, ўзига хос табиат соҳиби Неъматжон Шерқўзиёвнинг умр йўлдошлари бир маросимга боришга рухсат сўрабдилар. Неъматжон ака қўнмаган бўлсалар ҳам, пайт пойлаб туриб, секингина жўнаб қолибдилар. Кўнгил ғаш, аччиғлари чикқан Неъматжон ака кўчага ҳам чиккилари кел-

май, ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриб турсалар, ўгли Олимжон кириб келиб: “Аям кўринмайдилар?” – деб сўрабди.

– Билмайман, – дебдилар Неъматжон ака.

Кўп ўтмай, Баҳромжон келиб, у ҳам аясини суриштирибди.

– Бил-май-ман, – дебдилар Неъматжон ака, баттаррок асабийлашиб.

Салдан кейин ҳовлида Ҳотамжон ўгли ҳам пайдо бўлибди. У теваракка аланглаб: “Аям қанилар?” – деган экан, хуноби ошган Неъматжон ака бақириб берибдилар:

– Онангни уйланганимдан бери кўрганим йўқ!

### *Супурги тузук*

Данғаралик Ниғмат ака нафақага чикиб, уйда ўтириб қолибди. Бекорчи одам кимга ёқади? Бир куни хотини Ҳосиятхон ишдан келиб: – Қаранг, ҳаммаёқ ифлос бўлиб ётибди, бекор ўтиргандан кўра, супуриб қўйсангиз бўлмайдими, – деса, Ниғмат аканинг зардаси қайнаб, – Супуриш хотинларнинг иши, – дебди.

– Ундай бўлса, майли юринг, эркакнинг ишини қилинг!

Ниғмат ака бирдан хушёр тортиб, хотинига синчковлик билан қарабди-да, атрофга аланглаб:

– Супурги каерда турарди ўзи, хотинбой ака? – дермиш.

### *Ҳадик*

Бир ўтиришда Анваржон деган дўстимиз ўзининг партиядан ўчирилиши ҳамда қайта тикланиши тарихидан гап очиб, горком, обком, марказком, партия комиссияларига мурожаат қилганлиги, бу ердан

адолат топа олмай, Москвага югургани, Брежнев номига ариза ёзгани, марказком котиби Пономорёв, парткомиссия раиси Пелшелар кабулига киргани, яна қанчаси билан тортишиб-суришганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берди. Унинг бу гапларини анграйганича эшитиб ўтирган Саидмухтор, Анваржон ташқарига чиқиб кетгач, бизга ранги оқарганича боқиб, деди:

– Анваржонларинг ашаддий закончи экан-ку. Унга Тошкентдаги бўш уйимни вақтинчага берувдим, бошпанам қулоғини ушлаб кетмасайди – деса бўладими?

### *Қариндошлари қолсин*

Машҳур қизиқчи Муҳиддин Дарвеш машинасида кетаётиб, йўл четидаги бир эгасиз эшакни уриб юборибди. Ўзбекчилик эмасми, дарҳол тумонот одам тўпланибди. ГАИ ходимлари ҳам ҳозир унозири бўлишибди. Вақт ўтган сайин томошабинларнинг сони ортиб, гап кўпаяверибди:

“Муҳиддин эшакни устида одами билан уриб юборибди.”

“Айтишларича, Муҳиддин қизиқнинг ўша кишида илгаритдан қасди бор экан. Атайлаб урган.”

“Қанақа киши? Бу эшакда иккикат аёл ўтирган акан, йиқилибок, туғиб кўйибди...”

ГАИ ходимлари одамларни тарқатолмай гаранг. Шунда Муҳиддин қизиқ машинанинг капотига чиқиб бир гапни айтибди-ю оломон тезда тарқалиб кетибди. Ўшанда у шундай деган экан:

– Эшакнинг қиёматли дўстлари билан яқин қариндошлари қолсин, қолганлар кетиши мумкин.

## *Пешонанг шўр экан*

Абдулла Орипов, Жуманиёз Жабборов, Охунжон Ҳаким, Анвар Юнус, Ҳабибуллолар билан Икромжон раҳбарлик қиладиган Абдусамад бўлимида ўтирибмиз. Сухбат қизиқ, гап асноси камина оилам Мариямхоннинг Қашқадарёдан эканлигини айтиб қўйибман. Яна бир қанча вақт ўтириб, Қўқон томон йўл олдик. Меҳмонлар Фарғонага кетмоқчи эди. Қўқонга кириб келганимизда кечки соат икки бўлиб қолган экан. Абдулла ака: “Сенинг уйингга борамиз” деб қолса бўладими. Нима ҳам дер эдим....

Уйга келганимиздан сўнг хотиним дарров чой қўйди. Бир-иккита шиша думалади, меҳмонга тўн ҳам кийдирдик. Ниҳоят, меҳмонларни кузатиб чиқдик.

Э, дарвоқе, хотинингни чақир, – деб қолди Абдулла ака. Чақириб чиқдим.

– Қаердан бўласиз? – деб сўради ундан.

– Шаҳрисабздан бўламан.

– Бу сўзни эшитиб, Абдулла ака унинг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб юборса бўладими?...

– Вой бечора синглим, пешонанг шўр экан. Шу ерларга муносибмидинг? Қанчалар бевафо экан бу дунё? – деб, нола чекиб, тўрт мисра шеър айтиб юборди. Бундан таъсирланган бошқа меҳмонлар ҳам ҳўнграб йиғлашга тушдилар. Хотиним ҳам йиғи очди. Ҳаммамиз лол. Жуманиёз Жабборов:

– Бу тақдир экан, Абдулла ака, нима ҳам қилар эдик. Энди кетайлик, вақт алламаҳал бўлди, – деса, Абдулла ака:

– Бу синглимни, болаларини ташлаб кетаманми? – деб яна йиғи бошлади. Хотиним унга жўр бўлди, баайни опера дуэти. Ана томоша-ю мана томоша. Ниҳоят, уларни бир амаллаб кузатиб қўйгач, хотинимга: – Сен нега йиғладинг, ярамас? – десам:

- Ўпкам тўлиб турган экан-да!
- Хе ўпкангниям, акангниям! – деганимча қола-вердим.

### *Мушоира*

Шоир Турсун Қамбар Қўкон каппон бозоридан ул-бул нарса харид қилиб келаётган экан, рўпарасидан хазилкаш шоир дўсти Аҳмад Фозил чиқиб қолибди. Улар бир-бирларига термилиб, аввал кимдан садо чиқар экан, деб туришгач, Аҳмад Фозилнинг сабри чидамай, сўз отибди:

– Биламан, ҳамиша оғзинг тўла нос.

Турсун Қамбар қараса, Аҳмад Фозилнинг сумкасидан бир шиша пиво кўришиб турибди. Оғзидаги носни туфлаб, дарҳол мисрага мисрани улаб юборибди:

– Сен “Барда” ичибсан, пивоҳўр новвос!

Аҳмад Фозил давом эттирибди:

– Мени кўргандаёқ бермадинг салом,

Пивамга кўз тикма, ошналик тамом.

Турсунбой ўзининг ёши каттарок эканини писанда қилибди:

– Белингда бўлса ҳам минг доллар пулинг,

Биринчи бўлиб чўз, кексага қўлинг.

Аҳмад Фозил бунга жавоб тополмай, пича ғўлдираб тургач, кўлини силтаб, нари кета бошлабди:

– Бошқа тузукрок шоир қуриб кетганмидики, сен билан мушоира қилсам..

## Жанг

Танти шоир Турсун Қамбар караса, тўрт ёшга тўлиб тўлмаган ўғилчаси тинмасдан йиғлаяпти. Хотинига дашном бериб: “Болангга карасанг бўлмайдами?” – деб ўшқирган экан, хотини Хуринисо ҳам бўш келмабди:

– Кўрмаябсизми, хамир қиялман. Сиз ҳам ота бўлиб, болани овутсангиз нима бўлади?

Турсунбой аччикланиб: “Мендек шоирга ақл ўргатадиган бўлиб қолдингми?” – дея хотинига дағдаға қилганича олдинга юрган экан, оёғи тойиб, сурпага йиқилибди, юз-кўзигача унга беланибди. Бу ҳолдан таъсирланиб, эр-хотин кулишга тушибдилар. Қарашса, йиғини тўхтатиб, бола ҳам қотиб-қотиб кулаётган эмиш.

Турсунбой буни шеърга солиб, “Муштум”га жўнатса, кўп ўтмай босилиб чиқибди. Бу шеър учун 49 сўм 53 тийин гонорар ҳам олибди. Хотинига мактаниб, пулни кўрсатса, Хуринисо нима дермиш:

– Дадаси, кичик бир можарога шунча берса, келинг, энди каттарок жангларга қўл урайлик.

Қулай фурсат туғилган экан, ўша шеърдан парча келтириб ўтайлик:

*Кирди эр ҳам ҳужумга,  
Хотин бериб қолди чап.  
Бир сурпа ун гардидан  
Оппоқ тўзон тўрт тараф.  
“Атака”га ўтдилар,  
Икки томон қарсиллаб.  
Бирдан ҳамирга тойиб,  
Эр йиқилди гурсиллаб.  
Шу лаҳза шўх қулгидан  
Тўхтаб қолди катта “жанг”.  
Аёл-голиб, қўл белда,  
Пойида эр – ҳоли танг.*

*Ўғил қотиб кулади,  
Ютди, яшасин аям!  
Ҳар кун бўлса шу ўйин,  
Йигламайман сираям.*

### ***Кўпроқ солинг***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрахон кизикнинг отаси Пўлат кизик ўсмирлик чоғида кўчадан келмайдиган одат чиқарибди. Бир куни унинг отаси Нормат кизик дайдининг таъзирини бериш учун дарралаб саваламоқчи бўлган экан, зувиллаб қочиб қолибди. Кечки овқат пишибди ҳамки, уйга қайтмасмиш.

– Овқатни солавер, – дебди Нормат бобо кампирига. – Пўлатга қолдириб ўтирма. Бир оч қолсин, кейин уйга вақтида келадиган бўлади.

Отамнинг жаҳли босилдими-йўқми деб панада турган Пўлатвой бу гапни эшитиб, онаси нима қилишини кузатибди. Кампир товоққа овқат сузгач, эридан яшириб, бир қисмини алоҳида косага сола бошлабди. Пўлатвой эса коса томонга бўйланиб, панадан туриб дебди:

– Ая, косадаги овқат кимга бўлсаям, қорни тўймайди, тагин пича солинг.

### ***Муҳиддин қизикнинг маърузаси***

Формацияларни ҳамма ўқиган:

Ибтидоизм,

Қулдоризм,

Феодализм,

Капитализм,

Империализм,

Чириб бораётган империализм,

Социализм,

Ривожланган социализм,  
Қурилиб-қурилмайдиган Коммунизм.

Ривожланган социализм белгилари: мажлисизм, хашаризм, насияизм, хушомадгўйизм, коррупизм, икки юзламаизм, кўшибёзилизм, мунофиқизм, мақтан-мақтанализм...

Минг бора шукурки, Мустақиллик бўлиб, юкоридаги халта хуржунизм, айниқса, мажлисизм ва кўшибёзилизмларнинг ҳаммасига чек қўйилизм бўлди.

### *Чорраҳада қолаверай*

Ақром ГАИ туш кўрибди. Тушини Юнус Эрмухамедовга айтиб берибди, у эса бизга айтиб берди. Тушда воқеъ бўлишича, Ақром вафот этибди. Фаришталар уни нақ жаннат ва дўзах чорраҳасида сўроқ қилиб, дўзахга ҳукм этишибди. У эътироз билдирибди:

– Нега энди дўзахга?

– Сен кўп одамларни хафа қилгансан, ёмон йўлларга юргансан, хатто кайнотангнинг ҳам правасини олиб қўйгансан, одамгарчиликни билмайсан.

– Яхши ишлар ҳам қилганман, – деб ўзини оклашга ҳаракат қилибди у: масжидларни таъмирлашга ёрдам берганман, ҳайит намозларга бориб турардим...

– Фаришталар дафтарларини очиб текширишса, ҳақиқатдан ҳам яхши амаллари ҳам бор экан. Улар ҳукмни ўзгартиришибди:

– Ҳа, майли, жаннатга қирақол.

– Яхшиси мен чорраҳада қолаверай, менга шу ер тузукрок. Фаришталар бу гапга ҳайрон бўлиб, эй ношукур банда, деб дўзахга итариб юборишмоқчи бўлиб турганларида, Ақрам уйғониб кетибди.

– Тушинг ўнгидан келсин, – дебди Эрмухамедов Акрам ГАИга қараб.

### *Кал*

Дўстимиз Раҳимқулнинг боши сип-сийдам, гаров ўйнаб ҳам бирорта тук тополмайсиз. Гоҳо ўзича мактаниб: “Бу ақлли бошим ақлсиз тукларни битта қўймай хайдаб солган”, деб қўяди.

Бир куни уни чойхонага олиб кетмоқчи бўлиб уйига яқинлашаётсак, хотинини қўчага қувиб чиқиб қолди. Ҳай-хайлаб зўрға тўхтатдик. Хотини ҳовлига кириб кетгач, жанжалнинг боисини суриштирсак, у тажангланиб деди:

– Ёруғлик халақит қилгани учун, кўрпани кўзимгача тортиб, деразанинг ёнида ухлаб қолибман. Уйғонсам, бошимга адел ёпилган, нафасим бўғилиб, терга пишиб кетибман. Нимага бошимни ўраб қўйдинг, десам, хотиним: “Деразанинг буёғидан қараб, адашибман-да. Келин неварамизни ётқизиб қўйган бўлса, кети очилиб қолибди, деб адел ёпиб кетаверибман”, деса бўладими!

### *Таскин*

Яна бир дўстимиз Рауфжоннинг бошида харкалай ўн бир дона тук бор. У баъзан чўнтагидан тарок чиқариб, тарашга тушади ва ўзича дўнғиллаб қўяди:

– Ҳа, гуж-гужланиб тўзимамай ўлинглар-а!

## *Домларнинг айтгани ва қилгани*

Институтнинг бир домласи (исм-шарифини айтмай қўяколай) ҳар бир дарс олдида студентларга насиҳат қилар экан:

– Олдиларингда катта ҳаёт турибди, коқилмай яшашни истасанглар, диёнатли бўлинглар, айникса, номаҳрам аёлларга кўз олайтиришдан сакланинглар.

Кунлардан бирида талабалардан Ғуломжон, Баҳромжон, Назиржонлар Чорсуда туришса, ўша насиҳатгўй домла отнинг кашкасидай маълум бўлган бир суюкоёқ аёлни машинасида у ёқ-бу ёққа олиб ўтиб қолибди. Тасодифан талабалар турган жойга тўхтаб, сув олибди. Буни кўрган талабалар домлага яқин бориб, “бизга қилган насиҳатларингиз қаёқда қолди”, деб кесатишса, у пинак бузмай:

– Сизларни одобли қилишга уриниб келяпман. Менда ҳамма нарса бор. Диёнат ҳам, иймон ҳам, аммо, жой йўқ. Менинг ўқувчим бўлсаларинг, жой топинглар, дермиш.

## *Жойнинг номи*

Фарғона вилоятида Ёзёвон тумани бор. Қизик, бу ном қандай келиб чиққан экан? Бу ҳақда Ёзёвонда кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган Раҳмон Сафаровдан сўрасам, “Ёзи ёмон” деган сўздан келиб чиққанлигини айтди.

Изланишларни яна давом эттирдик. Фарғонанинг собиқ раҳбари Мирзажон Исломов Сафаровнинг изоҳига эътироз билдириб, деди:

– Фарғона заминида ёзи ёмон ҳудуд йўқ. Бу номнинг тарихи бошқача.

Иван деган маркшейдер-геодезист топширик билан келиб, бу жойдаги ерларнинг тарҳини чизган. Бу ишларда иштирок этган фарғоналик Махсим тоға

теодолит деган дурбиндан караб, ўлчовни тўғри оларкан-у, ёзишни билмаганидан, шеригига караб: “Ёз, Иван”, дер экан. Ном шундан келиб чиккан, деганида даврадагилар оғзини очганча қолаверди.

### *Афсус*

Машхур уролог, сексопатолог, фан доктори, профессор Неъматжон дўстим Тошкентдаги бир ўтиришда ҳасрат қилиб қолди:

– Аббос, ўртоғим бўлсаям, хафаман. Рамз хожи деганни менга юборибди. Мен уни операция қилиб, тўрт кунда даволаб, жўнатиб юборибман.

– Яхши хайрли иш бўлибди-ку, нимасига хафа бўласиз?

– Нимага хафа бўласиз эмиш. Рамз хожи дегани Кўконнинг ярмини ҳаловтуя қилиб юрган пулдор одам экан, Аббос шуни олдиндан билдириб кўйганида, даволашни тўрт ойга чўзардим...

### *Вағони билан сўра*

Холдор Зокиров Олтиариқ райкоми саркотиблигидан Фарғона дон маҳсулотлари комбинатига бошлиқ бўлиб ўтибди. Туз ичган жойи эмасми, баъзан йўл-йўлакай Олтиариққа тушиб, эски танишлардан ҳол-аҳвол сўраб тураркан. Олтиариққа бир тушганида, яқинлари ошхўрлик қилиб ўтиришган экан, даврага кўшилгач, одати бўйича сўрабди:

– Биздан нима ёрдам керак?

Ёнида ўтирган киши унинг қулоғига шивирлаб, ўн қоп ун сўрабди. Холдор ака бу илтимосни эшитмагандек, суҳбат мавзусини бошка томонга бурибди. Навбатдаги қадаҳни кўтараётиб, эсдан чиқарманглар, нима хизмат бўлса, биз тайёрмиз, деган экан, бояги киши яна унинг қулоғига ўн қоп ун

хакида шивирлабди. Холдор ака бу гал ҳам ҳеч нима демабди. Ўтириш тугаб, машинага чиқаётганида, ўша илтимосчи учинчи марта қулоғига пичирлабди. Шунда Холдор ака уни жеркиб берибди:

– Нуқул ўн қоп, ўн қоп дейсан. Мендан сўрайдиган бўлсанг, обрўйимни пастга урмай, вағони билан сўрагин-да, кизиталок!

### *Мени тинч қўйинглар*

Шоир Максуд Окжарий билан Турсун Қамбар бир маросимга кетишаётса, йўлда ҳаракат назоратчиси тўхтатибди. Тўхтатгандан кейин, албатта, камчилик топилади-да. Хужжатларни олиб, автомашинани йўл четига қўйинг, деганида, Окжарий: “Ҳой биродар, машинада доврўғи оламга кетган шоир Турсун Қамбар ўтирибди-я”, деб гапни кўпиртирибди.

– Мен Турсун Қамбар деганни эшитмаганман, – дебди назоратчи. – Лекин Қамбар Отани биламан. Бир вақтлар мени “Муштум”га уриб чиккан. Ишдан кетишимга сал қолган.

Шунда Турсун Қамбар бирдан гердайибди:

– Биларкансиз-ку, яна билмайман дейсиз-а. Мен ўша Қамбар Отанинг ўғлиман!

Буни эшитиб, назоратчининг ранги оқарибди,

– Отангиздан тортганим етар, энди сиз борминдигиз? Илтимос, ота-бола мени тинч қўйинглар, – деб хужжатларни қайтариб берибди.

## Қовун

Данғара туманида бунёд этилаётган чўчкачилик комплекси Москва назоратида бўлиб, қурилишнинг боришини муҳокама қилиш учун Госстрой, вазирликлар вакиллари ва раҳбарлари: Карим Уркинбоев, Назир Ражапов, Пўлатов, Фарғона вилоят ижроқўми раиси Аҳматулло Рустамов ва бошқалар Данғарада тўпландилар. Мажлисдан сўнг асосий пудратчи Баҳодир Отажонов раҳбарларни бир пиёла чойга таклиф қилди. Чой асноси Отажонов бир товоқ қовун олиб кирди. Меҳмонларга қовун маъқул келиб, пок-покиза туширишди ва қолганини олиб қиришни сўрашди. Отажонов товоқни кўтариб чиқса, қовун йўқ, Музаффар Аббосов ва бошқа хизматдагилар қолганини еб қўйишган экан. Ноилож, бошқа қовунни сўйиб, олиб кирди. Бироқ, меҳмонлар буни аввалгисига ўхшатишмай, ҳалиги қовуннинг қолганини талаб қилишди. Учинчи, тўртинчи қовун ҳам сўйилганича қолиб кетди. Отажонов нима қилишини билмай, ниҳоят тарвуз сўйиб келди. Тарвуз ҳам меҳмонларнинг оғзига ёқиб, қолганини талаб қилишди. Отажонов чиқса-ки, Музаффар Аббосовлар тарвузнинг қолганини ҳалқумга уриб бўлишган экан. Бошқа тарвуз йўқ. Ана томоша-ю мана томоша. Қун тартибидаги қурилиш машмашалари бир ёқда қолиб, унинг ўрнини қовун-тарвуз машмашаси эгаллабди. Хуллас, меҳмонлар машинага ўтираётиб, Баҳодир Отажоновга ярим ҳазил-ярим чин тарикасида “виговор” эълон қилишибди. У ҳам ўз навбатида Музаффар акага ўпкалаб:

– Мана, сизнинг қовунхўрлигингиз туфайли “виговор” олдим, ишда ҳам қолдиришмаса керак – дебди. Орадан уч ой ўтгач, вилоятда катта мажлис бўлибди. Бунда ҳам олдинги келган раҳбарлар катнашибди. Раислик қилиб турган облисполком

раиси Ахматулло Рустамов асосий масалалар кўриб бўлингандан сўнг.

– Хўш, кандай муаммолар бор, айтинглар – дебди.

Шунда:

– Менда бир илтимос бор, – деб кўл кўтарибди Музаффар Аббосов.

Облисполком раиси Аббосовни тўхтатиб, залдагиларга, бу ерда жиддий масалалар кетяпти. Бир ойдан кейин Марказком бюросида кўрилиши кутиляпти, мана hozir Аббосов ҳам муаммоларни кўяди, бажариш чораларини кўрасанлар. Марҳамат, деса, Музаффар Аббосов – битта муаммо, илтимосим шуки, – деб гапни давом эттирибди. – Отажоновга уч ой олдин берган ҳайфсанни олиб ташласанглар, бошқа қайтарилмайди деганда, можародан хабари бор мажлис аҳли кулиб юборибди.

– Ёз, – дебди Назир Ражапов мажлис котибига, – Аббосовга виговор, лақаби “Қовун”. Садқайи бошлик кет, муаммойинг куриб кетсин...

Уч-соат жиддий талатўп билан ўтган мажлис шундай якун топган экан.

### ***Бетингиз чидаса***

Карим ГАИ бир машинани тўхтатиб, у ёғини текширибди, бу ёғини текширибди, капотни очиб кўрибди, аптекасигача титкилабди. Тезликни оширганлик ёки ичганликда айблай деса, далил йўқ. Шофёр довдираб турган назоратчига қараб: “Командир, энди кетаверайми?” – деб сўраса, Карим ГАИ ўқрайиб:

– Бетингиз чидаса, кетаверинг, – дермиш.

## Танимасни сиёламас

Камина бир канча биродарлар: молия вазирлиги собик дарғаларидан Шермухаммад Ўринбоев, кимё соҳасидаги Адҳам Орзиматов, мартабали идора ходими Ўлмас Холматов, журналист Улуғбек Раҳимов, хофиз Ўлмас Саиджонов ҳамда укаҳоним Баҳодир Пирматовни бир пиёла чойга таклиф қилдим. Ўтириш ниҳоятда жозибали ўтди.

Табиатан камтар, ажойиб инсон Баҳодир Пирматов бошқалардан бир оз олдин келиб, дастурхон тузашга қаршиб юборди Баҳодиржонни каминанинг ёнида туриб, меҳмонларни кутиб олди, уларни ўтказиб, ўзи пойгакда чой узатиб, мулозамат қилиб турди.

Қиттак-қиттак бўлгандан сўнг Шермухаммад ўзини кўйиб юборди, қайноқроқ чой олиб келишга юборадими-ей, дастурхондаги нишхўртларни йиғиб олишни буюрадими-ей, хуллас, уни тинч кўймайди. Баҳодиржон ҳам дарҳол Шермухаммаднинг буюрганларини бажаришга киришиб кетади.

Шермухаммад, Улуғбек, Адҳамжон, Ўлмасжонлар бирин-кетин “камина”ни мактаб, соғлик, омад тилашди.

Ҳар гапдан кейин таниқли хофиз Ўлмас Саиджоновнинг хиргойиси ўтиришга файз бериб турарди.

Ўтиришнинг охирги дақиқаларида мен, икки оғиз сўз гапиринг Баҳодиржон, дегандим, у хижадат билан, ака, ўзингиз яқунлаб қўяқолинг, деганига қарамай сўз... генерал Баҳодир Пирматовга дейишим ҳамано Шермухаммад хайкалдек қотиб, ҳушини йиғди-ю Баҳодиржондан узр сўрашга тушиб кетди:

– Узр, минг қарра узр. Мен аҳмоқ сизга тинимсиз иш буюрибман-а, кечириб қўясизда энди.

Кетма-кет сўралаётган узрдан қолганлар хангу манг.

Бир оздан сўнг бир юмуш билан хонадан чиккан эдим, ортимдан Шермухаммад эргашиб чикиб:

– Мен сиздан каттиқ хафа бўлдим. Нега у одамнинг кимлигини бизга айтиб қўймадингиз?!

– Ахир ўзингиз таништиришга ҳам қўймай, кетма-кет иш буюриб юбордингиз...

– Эҳ, бизнинг соҳамиз бўйича очилган бир иш ўша кишининг бўлимига тушган экан. Адхам-жоннинг кимё бўйича иши ҳам ўша ерда. Бизлар кабулига ёзилсак, керак бўлса, ўзимиз чакирамиз дейишибди. Ҳе ўтиришга чакириб ковун туширган, ака бўлмай ўл, – деб хуноби ошди.

– Олти ой бўлувди папиросни ташлаганимга, – деб жавон устида турган сигаретани бирин кетин тутатиб турганди мен ҳам: – Ҳа, пешонанга ёзилгани шу эканда, – деб фиғонига фиғон қўшдим.

Орадан чамаси бир йил ўтганда Шермухаммад Мирзажон Исломов билан Ангрендаги бир маросимдан қайтаётиб, йўл-йўлакай каминани кўриб ўтишга жазм этишибди. Бир пиёла чойга таклиф қилдик, фотиҳадан сўнг Шермухаммад ўтирганларни таништирсангиз, деб қолди. Камина ҳам, бемалол ўтираверинг, орган ходимларидан ҳеч ким йўк дедим. Айтманг ўша воқеани, бир куюк ўтириш менадан, деганча кўзи пирпираб турганди, ҳа, майли айтмаганим бўлсин деб ваъда бердим. Мирзажон ака ҳам бўлган воқеани эшитгиси келди-ю айтмадим. Сабаби, Шермухаммадни хижолат қилмадим.

Мана шу пайтгача ҳеч кимга бу сирларни айтганим йўк...

## Пашшадори

Айни пишикчилик мавсумида ёзувчи Дадахон Нурий хонадонимизга кириб келди. Хурсанд бўлиб кутиб олдик. Ётар маҳали ҳозир сунбула кириб, чивинлар қутурган пайт эканлигини эслатиб, пашшахонада ётишга таклиф қилдим.

– Пашшахона тутиб овора бўлманглар, – деб гердайди Дадахон, – гамини еб олганман. Яқинда Америкада яшайдиган кизим хашаротларга қарши бир восита юборган эди. Ичига дорисини солиб, электрога сукиб қўйилса, бир километр радиусдаги чивин тугул микроб ҳам катта холасини кўради.

Менинг ҳайратим ошиб, нархи қанча бўлишидан қатъий назар, бизгаям шундан топинг, ҳозирча ишлатганингиздан қолганини ташлаб кетарсиз, деб астойдил илтимос қилдим. Дадахон: “Америкадаги кизимга кўнғироқ қилдим, яна ўттиз-қирқтасини юборади, буни битта сизмас, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Аҳмаджон Мелибоев, Ўткир Ҳошимов сингари қанча-қанча зотлар илтимос қилишган”, деб қўйди-ю чивинқирар усқунанинг келиб чиқиши, дунё бўйлаб тез тарқалаётгани, унинг кашфиётчилари катта миллиардер бўлиб кетишгани тўғрисида сўзлашга тушди. Бир соатча чидадим, қарасам, мактовлар тонггача чўзиладиган, уйқум келаётганини айтиб, узр сўрадим.

Бомдоддан бирор соат олдин хотиним мени уйғотди:

– Вой дадаси, туринг!

– Нима гап?

– Дарвозахонадаги сўрида катта ок нарса турибди.

Деразадан қараб, ок булутга ўхшаган нарсани кўриб, бир чўчиб тушдим. Ёлғиз чиқишга юрагим бетламай, хотинни ёнимга олганимча дарвозахона

тарафга борсам, сўрининг устида пашшахона пайдо бўлиб қолибди. Бир боғичи шотига, бир боғичи дадам экиб кетган нокнинг чивигига, бир боғичи автомобил антенасига, яна бир боғичи девордаги михга боғланган. Ичида Дадахон Нурий дўмпайиб ётибди. Индамай ичкарига кириб кетдик. Нонуштага чакиргани чиқсам, пашшахона йўқ. Дадахон, ҳеч нарса бўлмагандек, сўрида бир нарсаларни ёзиб ўтирибди.

– Яхши ётиб турдингзми? – дея кўнгил сўрадим.

– Яхши, раҳмат, ўзингиз-чи?

– Э, мен яхши ухлай олмадим, бемаъни туш кўриб, босинқираб чиқдим. Тушимда денг, мана шу сиз ётган сўрининг устида катта оқ ажина ҳилпиллаб-ҳилпиллаб турганмиш. Тўртта кулоғи бор эмиш.

– Вой ака-ей, – дея тиззасига уриб, котиб-котиб кула бошлади Дадахон, – сиздан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди ўзи. Кечаси чивинқирар ускуна курғурни ишлатиб қўйиб, бемалол тарвайиб ётсам, чивинлар аввалига Американинг қирувчи аппарати олдида ғужғон ўйнашди, кейин бирортаси ҳам ўлмай, ёппасига менинг устимга ташланишди. Яхшиямки, машинада пашшахона бор эди...

## *Табиб*

Акрам аскиячи табиблик ҳам қилиб туради. Жўрахон ака, Неъматжон, Одилжон Пичоқ, Муҳаммаджон Қасидачи Чорсу қабристонидан олдида кетаётганда, Акрамжон қабристон томонга қарамай, бошини тескари буриб олибди. Жўрахон ака: “Ҳа, Акрамжон, фотиҳа қилиш ўрнига, юзингизни нега ўгириб олдингиз?” – деб сўраса, Акрамжон:

– Ҳамма гапингиз тўғри, ака. Аммо, тўғриси

айтсам, шу ерда ётганларнинг кўпи менда даволанган, шунга юзим шувут, дермиш.

### *Дуомиш-а*

Кунлардан бирида қаторлашиб қолган наҳорги ошларга шоир Комил Жўрани ҳам олиб бордим. Фуркат, Бешарик туманларидаги ходимларимнинг тўйларида менга кўшиб, Комил Жўрага ҳам тўн кийдиришди, қўлларимизга тугунлар тутказишди. Ниҳоят, уни уйига – Кичик Ганжиравонга қайтариб келдим. У болаларини чакириб, тугунларини киргизиб юборди-да, ишхонасига – Данғара ҳокимиятига ташлаб ўтишимни сўради.

– Ҳой, оғайни, – дедим, – шундоқкина темир йўл кўпригидан ўтилса, Данғара-ку, менинг ишхонам бошқа томонда бўлса.

– Келинг энди, ташлаб кўяверинг, ҳозир ўзи кечга қолдим, ҳоким ковоғини солмасин, – деб кўярда кўймади.

Хуллас, йўлим чўзилса ҳам, уни Данғара ҳокимияти биноси олдига олиб бориб қўйдим. Машинадан тушди. Ҳурмати учун мен ҳам тушдим. Шоир хайрлашиш олдидан мендан дуо талаб қилувди, чақчайиб, тиззам билан кетига бир нукилаб қўйдим. У хайрон бўлиб: “Бу нимаси энди?” – деб тумтайган эди, мен зардамни тўкиб дедим:

– Сени тўйларга олиб бориб, ош едирдим, тўнлар кийдинг, зиёфатли тугунлар билан қайтдинг, мана, ишхонангча келтириб қўйдим. Сендан дуо эшитиш ўрнига, сени дуо ҳам қилайми энди? Э, ўша сени!..

## *Неъмат қизиқнинг эҳсони*

Қариялар уйи учун эҳсон йиғаётган хайрия гуруҳи аъзолари Неъмат қизиқнинг уйига келиб, қариялар уйи учун бирор нарса эҳсон қилишини сўрашибди. Неъмат қизиқ: “Бир зумгина кутиб туринглар”, деб уйига кириб кетибди-да, сал ўтмай, меҳмонга келган саксон ёшли қайнонасини етаклаб чиқиб, дебди:

– Мана, шуни олиб кетаверинглар.

## *Тошкентдаги меҳмондорчилик*

Қўқонлик таниқли инсонлардан бири Ҳамидхон Қодиров билан Тошкентга бордик. У бизни кўярда-кўймай яқин қариндошларидан бириникига олиб борди. Қариндошлари аэропортнинг шундоққина биқинида, самолёт ердан кўтарилиш олдида катта тезлик оладиган жойда экан. Мезбонлар бизни жуда чиройли кутиб олишди. Дастурхон шоҳона. Қани энди у ховлида яйраб ўтиришнинг иложи бўлса. Самолётлар ўқирганча, бири учиб, бири кўниб турибди. Жонивор тезлик олиш олдида шунақанги кучли шовқин кўтарар эдики, таърифига тил ожиз.

Биз мезбондан рухсат беришларини сўрасак, “Меҳмон Аллоҳдан, жавоб мезбондан” деб холи-жонимизга кўйишмади. Меҳмондорчилик авжида-ю хар самолёт учганда юракларимиз “шув” этиб кетади. Ҳамидхонни туртиб, туришимизга фотиҳа олиб беришни сўраганимиз сари, янги-янги таомлар келиб турибди.

Хуллас, кечқурун қайтиб келиш ваъдаси билан зўрға жавоб олдик. Энди бирорта меҳмонхонага бориб, ором олайлик, десак Ҳамидхон яна бошқа бир жойга олиб кетди.

Бошида эътибор бермаган эканмиз, билсак, биз

тушган ҳовли билан темир йўлни бир девор ажратиб турар экан. Паравозу тепловозлар бирам вишиллайди: “Вата киш, вата киш”. Бирданига чинкириб гудок беришини мен айтмай, сиз эшитманг: ҳар гудок берганда юракни чангаллаймиз.

Хуллас, ўша куни мезбонлар ва Ҳамиднинг илтижоларига карамай, меҳмонхонада тунадик. Эртаси Ҳамид яна таклиф қилди: – Яна бир қариндошим келганимизни эшитиб, меҳмонга айтди. Кирмасак бўлмайди.

Бу сафар кўп каватли уйлاردан бирига олиб борди. Не кўз билан кўрайликки, бу уй энг серкатнов, трамвай излари кесишган, шовкин сурон 24 соат тинмайдиган йўлнинг шундоққина ёқасида экан. Биринчи таом тановул қилингандан сўнг шу ерда тунашга олиб қолмасин, деб жавоб сўрадик.

– Шошилманглар-да, – деди Ҳамид, яна бир жойга оборишим керак.

– Пешонамизда яна нима ёзуғимиз бор, – дея нола қилдик, – хойнаҳой, энди темирчиларнинг маҳалласига олиб борсанг керак?

– Йўк, жуда унчалик эмас, – дея таскин берди Ҳамид Қодиров, – анча тинч жой, Камаз машиналарга ёқилғи қуядиган шаҳобча ёнида.

Нима қилсак экан-а, борсакмикан, бормасакмикан?

### *Мен билан юрсанг...*

Бу сафарги таътилда ҳамма ҳаётий ташвишларни бир четга суриб қўйиб, дам олишга қарор қилдим. Эссендукидаги “Қозоғистон” санаториясига кетадиган бўлдим.

Оқибатли биродарларим: Маҳмуд Ҳошим, Мухтор, Баҳодир, Сойибжон, Марат, Солижон Охун, Саттор Халил, Ҳаким ака Мусобеков, Эркин ака

Маҳмудовлар кузатгани чиқишди. (оламдан ўтганларини Аллоҳ раҳмат қилсин).

Хуллас, хайр-маъзур куюк бўлди. Мухтор жомадонимни кўтаришиб чиқди. Купе ойнасидан бош чиқариб, дўстларимга миннатдорчилик билдириб, яна бир бор хайрлашдим ва Мухторга караб, афсус оҳангида айтдим:

– Сенинг ашулаларингниям бир ой эшитмас эканманда.

– Нима қилай, сен билан кетворайми?

– Ҳа, юравер, – дедим унинг гапини ҳазил фаҳмлаб.

Сўнгра у ҳам ойнадан бош чиқариб, кузатувчи биродарларимизга эълон қилди:

– Ўртоқлар, мен Мансур билан Ессентукига кетяпман, Обидахонга айтиб қўйинглар.

Шу захотиёк поезд чинқириб гудок бердида, “вата киш, вата киш” деб юриб кетди. Ҳамма хайрон. Мен эса, йўл-йўлакай Бешарикда тушиб қолар, десам, тушмади, Конибодомда тушиб қолар десам, тушмади. Ҳа, Ховосда бирор иши бўлса керак, деб ўйласам, у ерда ҳам, ҳатто Тошкентда ҳам тушмади. Шундан сўнг билсам, бу кетиш ҳазил эмас чин экан. Таксиримининг эғнида финка кўйлак, оёғида хонаки шиппак, чўнтагида 1961 йил курси билан 11 сўмгина пули бор экан.

Москвада икки кун тўхтадик. Ўша ерлик Александр деган дўстим пойтахтни роса томоша қилдириб, Минвода поездига ўтказиб юборди.

Поезднинг поезддан фарқи бўлар экан. Москвагача мазза қилдик – тўрт беш хил таомлар, ҳар хил ичимликлар. Пойтахтда ҳам маишат зўр бўлди. Аммо, Минвода поездида йўловчилар купени ҳам, СВ махсус вагонни ҳам тан олмас экан. Бизнинг тўрт одамга мўлжалланган купемизга ўн икки киши жойлашиб олса бўладими? Чой, овқат деганларини

факат тушингизда кўрасиз. Амал-тақал қилиб, Ессентукига етиб келдик. Мен санаторияга жойлашдим, Мухторни кунига саккиз сўмдан квартирага жойлаштирдик. Ана машмаша-ю мана машмаша... Кундузлари сайр-томоша, кечкурунлари ресторан базм. Уч тўрт кундан сўнг ҳисоб-китоб қилиб кўрсам, бу кетишда Ессентукида мардикорчилик қилмасак, қайтиб кетолмайдиганга ўхшаймиз.

Аллоҳдан бўлдими, Целеноградлик бир Абас деган козок “биллярд ўйнасинғми?” деб қолди. “Ҳа, майли” деб ўйнадик. Бир оздан сўнг акчага ўйнадик. Уч тўрт партияни ютказиб, бор пулимдан айрилдим. Аммо, разм солсам, у ҳам ўйинга жуда уста эмас экан. Эртаси куни яна, ўйнаймиз, деб туриб олди. Қайтишга совға саломга ажратиб қўйган пулим, Мухторнинг ўн бир сўмини таваккал қилиб тикдим.

– Мана шу пулим қолди, нима бўлса бўлар, ютсанг-ютиб олақол, – дедим.

Омадим келиб, биринчи ўйинда 8–3 ҳисобида ютиб олдим.

Яна ўйнадик, ютиб олдим. Хуллас, козок Абаснинг уч юз эллик сўм пулини ютдим. Хурсанд бўлиб, Мухторга “энди ашулангни ванг кўй” дедим. “Ўртар” дан олган эди, атрофимизни тумонат одам ўраб олди. Бир кун олдин тушкунликка тушиб, “энди нима қиламиз Мансур?” деб юрган Мухторнинг кайфи чоғ. Ўзи ҳам менинг пулимга ишониб, Боймет деган бир совхоз директори билан шахмат ўйнаб, бир сиким пул билан хонамга кириб, нима дейди денг: “Мана шунақа дўстим, мен билан юрсанг, кам бўлмайсан, пулинг кўпаяверади, биз ҳам тўралардан бўламиз...”

## Эзинг

Ҳабибжон Хожиматов, Рашиджон Аҳмедов, Маҳмуд Ҳошимов, Сойиб Алиев, Муҳаммаджон Акбаров сингари кадрдонлар тўпланишиб, кулупнай сайли баҳонасида қўлларида ошнинг харажати билан бизнинг боғимизга келишди. Қоронғи тушиб қолган, чирок ёкиб, кулупнай қидиришди.

Катта бир заводнинг раҳбари бўлган Муҳаммаджон лавозимига яраша оқ кўйлак, галстукда. У бир ховуч кулупнай териб, қаерга қўйишни билмай, оқ кўйлагининг кўкрак чўнтагига авайлаб солди. Буни сезган Сойибжон орқадан келиб ўша чўнтак аралаш кучди ва каттик қисишга тушди. Дуст деган ҳазилни кўтарди-да, Муҳаммаджон пинак бузмасдан кулимсираб, тагдор сўз қотди:

– Янаям каттиқроқ эзинг, суви энди киндикка келди. Шу бўлди-ю Муҳаммаджон “эзинг” деган лақаб орттирди.

## *Балиқчилар анжуманида*

Мухтор Мирзажоновни туманга янги техникалар ва пахта териш машиналари бўйича бош муҳандис вазифасига ишга олдик. Айни пахта терими қизиган пайтда райком секретари Абдуфаттоҳ ака Ҳамролиев менга кўнғирок қилиб: “Бу ёқда шунча иш туриб, Мухторингиз Тошкентда нима қилиб юрибди?” – деб қолди. Буни қаердан эшитганини сўрасам, телевизорни қўйиб кўринг, деди.

Шоша-пиша телевизорни қўйдим. Қарасам, балиқчилик хўжаликлари фаолларининг республика анжумани бўляпти, Мухтор биринчи каторда қарсақ чалиб ўтирибди.

Тошкентдан қайтганидан сўнг уни чакиртириб: “Сени техникалар бўйича масъул ишга қўйган

бўлсаг-у нега ўзингча баликчилик соҳасига ўтиб олдинг, жипирик”, деб бўралашга тушдим. Шунда Мухтор безрайиб туриб деди:

– Эсингиздами, бир оғиз “юр” деганингизда, сиз билан бирга Ессентукига шиппакда борган эдим. Баликчиларнинг раҳбари Орифхон ака ҳам “юр, Тошкентда ўйнатиб келаман”, деган эди, кетавердим. Баттар бўлсин, телевизорда у қолиб, нукул мени кўрсатишди.

### *Энангнинг даҳанига ўхшагани*

Май ойлари эди, кабинетда ишлаб ўтирсам, бозорқўм Мухторжон ака телефон килиб колди. Гўшакни кўтарсам, кулги овозлари келади-ю маънили гап йўқ.

– Нима бўлди ўзи, Мухторжон ака, тушунтириб айтсангиз-чи.

– Хи-хи-хи, анави Максудали ака бор-ку, Оқжарлик... хи-хи-хи... йўқ, кулги бостириб келяпти, айтолмайман, хи-хи-хи...

Мухторжон акадан тайинли гап ололмагач, бошка хангоматалаб танишлардан суриштириб, воқеанинг тагига етдим.

Оқжарда Максудали ака деган бир бободехкон бор. Ёшлигида зўр чавандоз бўлган. Ўзи барваста одам. Нос чекканда кафтини тўлдириб отади. Шу киши хандалагини элдан ўн-ўн икки кун олдин етиштириб, бир копини Кўкон бозорига олиб келибди. Растага териши биланок, атрофдагиларнинг кўзи куйибди:

– Ие, хандалак чиқибди-ку!

– Отасига раҳмат-ей, йўлини топиб, эрта пиширибди.

– Юракдан чиқариб, ҳафсала қилган-да.

Шу пайт уч-тўртта олибсотар йигит келиб, хан-

далакнинг нархини ерга уриш учун олифта гап қилишибди:

– Отахон, тулкининг моягидек келадиган бу хандалаклар қанчадан бўлди?

Максудали аканинг ҳазилакам жаҳли чикмабди. Тўғри-да, хандалакларни минг азоб билан парвариш қилса, машинадан машинага кўтариб юриб, олиб келса-ю чойнакдай келадиган нарсани булар алланима балоларга тенглаштириб турса. Ҳартугул, жаҳлини бир амаллаб босибди, кафтини тўлдириб носни отиб:

– Ана шу айтқанинг беш юз сўм, анави энангни даҳанига ўхшаб етилиб-ёрилганлари – минг сўмдан, – деганида, харидорларнинг орасида турган хотин-халажлар тум-тарақай бўлиб кетишибди.

### *Ўзгарувчан дунё*

Галдаги янги йилни дўстимиз Абдумалик Ғиёсовнинг тўйидаги базмда кутиб олдик (у вақтларда тўй базмлари саҳаргача чўзиларди). Даврада бу тўйга кечикиб етиб келган Баҳромжон Эргашев ҳам бор, энг тўридаги махсус жиҳозланган жойга мажбуран ўтқазиб қўйилган. Ҳамма амалдорлар унинг атрофида гирдикапалак. Масъул кимсалардан айримлари Баҳромжонга сўз беринг, деб кистовга олишса ҳам, колхоз раисига гапиришни ким қўйибди, деб пайсалга солавердим. Орада Баҳромжонга кўз кисаман, у кулиб қўяди. Охирида тўйнинг эгаси аралашиб, Баҳромжонга сўз беришимга тўғри келди:

– Сўз навбати Энгелс колхозни раиси Баҳромжонга!

Шундай дейишимни биламан, Адхамжон, Ҳамиджон, Ёркинжон кабилар устимга ёпирилиб келиб: “Ҳой, галварс, нима иш кип қўйдинг, обком

секретарини колхоз раиси деб юбординг-ку, узр сўра”, адашибман дегин, – дея менга дашном беришди. Мен гапларини рад килдим:

– Мен кечирим сўрайдиган иш килганим йўк.

– Ҳе, кайфингдан ўргилдик. Сендан нима кетяпти, айтганимизни қилиб, узр сўраб кўяверсанг-чи.

– Хоҳламайман. Керак бўлса, мана микрофон, ўтиришни ўзларинг бошқараверинглар. Ҳе, ўша раисни обком секретари дейдиганлардан ўргилдим!

Менга гапларини ўтказа олмагач, Баҳромжоннинг олдига бориб, ўзлари узр сўрашга тушиб, гинахоҳликка тушиб кетишди:

– Узр, узр, бу Мансур кўп ичиб юборибди, кечириб кўясиз-да, Баҳромжон. Ўзингиз яхши биласиз-ку, ўзи беғубор йигит. Ҳар замонда бир шунака сандироклаб кўяди-да.

– Ўзларинг сандироклаяпсизлар, – деб жилмайди Баҳромжон соатига кўз ташлаётиб. – Мана, соат бир бўляпти. Мен ўтган йилги обком котибиман.

Дунёнинг ишлари ғалати-да. Кундузги мажлисдан салгина кейинроқ Баҳромжон амалидан бўшатилгани, обкомнинг биринчи котиби Ғулом Фозилов кечки пайт Энгелс колхозида фаоллар йиғилишини ўтказиб, Баҳромжонни шу хўжалик раислигига сайлаб кетганини булар ҳали билмасди.

### *Олтилик сим*

Олтиариклик машҳур кизиқчи Абдуллажон Тошкентга борибди. Қишлоқдоши Улуғбек Раҳимов билан суҳбатлашиб ўтириб, гап асноси, ўзини “7x7” газетасига таклиф этишганини айтибди.

Баҳор ресторанининг ёнида – дея тушунтира бошлабди Улуғбек, – зинапоядан ўнгга юрасиз, сиз айтаётган киз коридорнинг охиридаги хонада ўтиради.

- Кўриниши канака?
- Қандай тушунтирсам экан, қомати каламдан йўгон, ручкадан ингичка...
- Тушунтириброк айтсангиз-чи.
- Аниқроғи, ўзимизнинг олтилик симдек.
- Бу гапни Абдулла кизик пайровга тортибди:
- Ие, унақада бодрингбоп эканда...

### *Ўзим бақа*

Чомочлик шоир Миробидни Фарғонага олиб боришга ваъда берган эдим. Ваъдалашган пайтда велосипедда ўрмон хўжалиги идорасига етиб келди. Бирок, бир дақиқа кейин нима бўлиши фақат яратганга аён, деганларидек, Миробид келгунча Тошкентдан телефон бўлиб, Аъзам Тўрахоновнинг оиласи вафот этгани хақида хабар келиб қолди. Бандалик карзини узмасак бўлмайди, фотиҳага борадиган бўлдим. Миробидга узримни айтиб, кузатиб кўйдим. Кузатиб кўйдим-у пастда бўлган хангомани кейин эшитдим:

Миробид тушиб кетаётганда идора ходими Бахтиёржонга дуч келди.

– Келинг, Миробид ака, қандай шамоллар учирди?

– Фарғонага кетябмиз.

– Хўжайин биланми?

– Хўжайин бақа, – деб кўли билан шимол, яъни Тошкент томонни кўрсатибди: – мен эса Фарғонага

– Ие, Миробид ака, – дея пўписа қилибди Бахтиёржон, – бизнинг хўжайин сизга бақа бўлиб қолдимми?! Ҳали шошмай туринг...

– Кечиринг, Бахтиёржон, – дебди ёлвориб Миробид, билмай оғзимдан чиқиб кетибди. Мен ўзим бақа, мен ўзим бақа!

## *Аслзода қиз*

Мақтабни битиргач, синфдошим Раҳмон Ҳайдар билан Тошкентга жўнадик. Омадимиз келиб, у транспорт, мен молия иктисод институтига кириб олдик. Бу хурсандчилик шарафига ота-онам ҳар иккимизга хитойи ипак матосидан кител-шим тикдириб берди, унинг онаси эса биттадан пуфайка (кишда кийиладиган костюсимон пахтали кийим) совға қилди.

Кеч куз пайти бўлишига қарамай, Раҳмон каминани паркка бошлади: “Бир ўрис қиз билан танишдим, ҳозир келса кўрасан, ана ҳусн, ана фигура! Бунақасини Ўзбекистон тугул, Россиянинг ўзиданам тополмайсан. У ёғини суриштираманг, аслзодаларнинг аслзодаси экан, Николай пошшонинг авлодиданман, деди”, деб гапиришга тушди. Қиз келди, анча келишгангина экан. Уларга ҳалакит бергим келмай, кинога кириб кетдим.

Кинодан чиқсам, паркнинг дарвозаси ёнида Раҳмон юпка кўйлақда дилдираб турибди. Бориб, аҳвол суриштирдим. Қиз совкотиб қолмасин деб пуфайкасини елкасига ёпиб қўйган экан. Бир оз сайл қилишгач, бутерброд олиш учун кафега кириб, қайтиб чиқса, “аслзода” қиз ҳам йўқ, пуфайка ҳам эмиш.

## *Уч тийин ҳангомаси*

Талаба ўртоқларимиздан бир гуруҳи янги йилни Себзордаги биз яшаб турган ижарахонада кутиб оладиган бўлишди. Меҳмонлар келгунча харажат қилиб келиш учун Ҳамиджон билан Раҳмонни етаклаб, бозорга жўнадим. Зарур масалликларни харид қилиб, яна трамвайга чиқдик. Ҳар биримизнинг қўлимизда иккитадан тўрхалта бўлгани учунми,

ким трамвай кира тўласа, фалон бўлсин, деб Раҳмон Ҳайдар айнитиб юборди. Кондуктор тикилинч килаверди, биз уч тийинлик йўлкирага пастлик қилиб туравердик, анча жанжал бўлди.

Бекатимизга етганимизда, кондуктор биздан олдинроқ тушиб, нарироқда турган мелисаларни чақирди, йўл ҳақини тўлашмагани етмагандек, аёллигимниям ҳурмат қилмай, ёмон сўзлар билан сўкишди, деб арз қилди.

Мелисалар кўлимиздаги ашқал-дашқаллар билан таянч пунктига олиб кириб кетишди. Тергашди, турткилашди, роса таъзиримизни едик. Энг ёмони, кўйиб юбормай, олиб ўтиришаверди. Тунги ўн иккига занг урилганда улар стаканларга ул-бул қуйиб, мушакбозликни кўргани ташқарига чиқиб кетишди. Пайтдан фойдаланиб, халта-хулталаримизни кўтарганча, ура қочдик.

Келсак, квартирадаги шеригимиз ҳам, меҳмонлар ҳам бирининг оёғига бири бош қўйиб, ухлаб ётишибди. Биз ҳам можаролардан қаттиқ чарчаган эканмиз, уйкуга кетдик.

Эртаси эрталабданок турли-туман таомлар тайёрлаб, ўтиб кетган янги йилни яйраб “кутдик”. Раҳмон Ҳайдар қадах сўзида нима дейди денг:

– Агар кеча трамвайга пул тўлаганимизда, уйга вақтида келиб, мана бу ноз-неъматларни кечаси еб битирган бўлардик. Мана, ҳозир бемалол мазза қилиб еб-ичяпмиз. Яхшиям, мелисанинг кўлига тушганимиз!

## Ҳаммаси ўзимизники

Тошкентга, Ҳалим Шарипович деган акахонимизнинг ўғил уйлаш тўйига бордик. Бизни махсус ажратилган залга олиб киришди. У ерда нуфузли одамлар: вазирлар, банк бошқарувчилари, ҳокимлар ва бошқа казо-казолар салобат билан ўтиришар эди. “Ассалому алайкум”, деб кириб бордик. Факат Шермуҳаммад ва яна бир икки киши бизни таниб, мулозамат қилиб, ўрниларидан кимирлаб қўйишди. Орадан беш дақиқа ўтиб сексапотолог-уролог, профессор Неъмат ўртоғимиз викор билан кириб келди. У зал эшигида пайдо бўлиши билан ҳамма бамисоли синфхонада ўқитувчини кутиб олган мактаб болаларидек ўрnidан туриб, “келинг дўхтир, кадамларига ҳасанот” деб мулозаматни жойига қўйиб, ўз ёнларига таклиф қилишди. Аммо у бизнинг ёнимизга келиб ўтирди.

Камина, секингина, обрўйинг зўр-ку, биродар, койилман, десам бир кимирлаб баланд овозда: “Буларнинг бариси простата деган балои азимга дучор бўлган мижозларим” деди беписанд оҳангда.

Гердайиб, бир-бирига гап бермай ўтирган казоказолар бу “таништириш”дан мунғайиб, кўзларини ерга қадаб, сувга тушган мушукдай ҳолатга тушдилар.

Билмаган киши бўлиб, “Бу қандай касаллик?” деб сўрасам, ёнимиздаги столга нигоҳини қадаб, сен буни Шермуҳаммад Ўринбоевдан сўра, хар ҳафтада уч марта шимини тушираман, тўғрими деса бўладими?

Шермуҳаммад бир энтикиб, “Ошга келмай ўлай” дегандай кип-кизариб, гина қилди: “Ҳеч кимга айтмайман девдингиз-ку, дўхтир”.

– Бу ерда бегона одам йўқ, – деб изоҳ берди дўхтир, – ҳаммаси сизга ўхшаган, так что, хижолат бўлманг.

Буни эшитиб, бир зал одам бирданига хиринглашиб, бизнинг юзимизга қарай олмай хайр-маъзурни насия қилиб, ўринларидан туриб кетаётсалар, духтир Неъмат нима дейди денг:

– Овора бўлиб келиб юрманглар, беш кун бўлмайман, командировкага кетяпман!

### *Патефон*

Мулқобод совхози омборчиси, “палов” лакабли Мамажон ака Қримдаги “Ўзбекистон” санаториясига йўлланма олибди. Дастёрлик қилиб юрар, деб бўғолтир Абдуманнонни олиб кетибди.

Келганларига бир ҳафта бўлмаёқ, бир хил хаётдан зериккан Мамажон палов: “Абдуманнон, аёллар иштирокида бир зиёфат уюштирсанг-чи”, деган экан, русчада: “Я густ, солнечный Узбекистан”, дейишдан бошқани билмайдиган бўғолтир чучмолланиб юриб, охири ишни уддалабди. Аёллар уларни бир уйга бошлаб боришибди. Улар патефонда мусиқа кўйиб, бир културм ичишармиш, танцага тортишармиш, бир културм ичишармиш, танцага тортишармиш. Мамажон палов пишиллаганича ўйин тушаётиб: “Ҳе, патийпонингга ўт тушсин”, деб ўзбекчалаб кўярмиш. Охири бутунлай ҳолдан тоийиб, Абдуманнонга бақирибди:

– Ҳов! Мени маишатга бошлаб келдингми, танса тушишни ўргатадиган тўгаракками дермиш.

## Сабр берсин

Фаргона вилояти “Адолат йўли” газетасига ука-хонимиз Холикназар бош муҳаррир. Унга муовинликка катта бир идоранинг тавсияси билан иктидорли ёзувчи, қатор-қатор асарлар муалифи Хусан Каримов тайинланибди. Улар газетанинг Қўкон депараси бўйича мудирлиги ҳамда махсус мухбирликка шижоатли, истеъдодли, тажрибали одам топиб беришни сўраб, каминанинг хузурига ташриф буюришди.

Бир пиёла чой асноси Хусан Каримов шундай деди: – Биз бош муҳаррир Холикназар билан келишиб олдик. У тажрибали журналист, шу туфайли газетани тайёрлаш, чиқариш, журналистика билан боғлиқ ишлар унинг зиммасида. Молия, обуна, кадр танлаш, қўйиш, ишдан олиш каби масалаларни мен зиммамга оладиган бўлдим, деганда бир оғиз ҳам гап қўшолмай калласини лиқиллатиб, гапларини тасдиқлаб хомуш ўтирган Холикназарга қараб:

– Пешонангда шу Хусан Каримов билан ишлаш, ҳамхона бўлиш битилган бўлса, биз бандаи ожизлар нима ҳам қила олардик – деб камина дуога қўл очган замон устоз Миробид, Аъзам Назирий, Носир Зоҳид, Яхёхонлар бир овоздан, охири бахайр бўлишига ҳам яна бир дуо қилинг ака деб қолишди:

– Ҳа, оқибати бахайр бўлсин, Холикназар, Аллоҳ сенга сабр-каноат берсин, бу тақдир ука пешонанг шўр бўлмаса, Хусан билан ишлаш насиб қилармиди. Биз бандалар нима ҳам қила олардик, деб дуо қилганим заҳоти, юраги тўлиб турган эканми, Холикназар пўкиллаб, йиғлаб юборса бўладими.

## Унвон

Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзо, Аҳмаджон Мелибоев, Дадахон Нурий, Азим Суюн ва бошқа бир қанча ижодкорлар Кўконга Фурқат таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш учун келдилар. Кўконнинг шеърят аҳли билан кадрдон, улар билан кўп мулоқотда бўлган, ҳар бир шоирнинг ўзи, оила аъзоларини кўяверасиз, хатто итининг лақабига биладиган шоир, ҳажвиёт калонларидан Анвар Обиджон ҳамроҳларига Аъзам Назирийни таништириб:

– Эркин ака, бу кишини биласиз-а? – деди.

– Таништирсангиз, билаверамиз, кўринишларидан учаргина савдогарга ўхшайдилар, – деди Эркин ака.

– Учарликка учар-у яшин тезлигида шеър ёзишда унга тенглашадиган етти иқлимда бўлмаса керагов, тасаввур килинг, бир монтёр симёғочга чиқиб, электр симини тузатаётганда ток уриб, симёғочдан ерга кулади, то унинг жони чиқиб улгургунича Аъзам Назирий бу монтёрнинг симёғочга чиққанлиги, ток ургани, йиқилгани, жон талвасаси, ўлгани ҳақида “Ток урди” сарлавҳаси остида юз мисралик шеър ёзиб улгуради.

Эркин ака ва унинг ҳамроҳлари, “Ё пирай, мабодо унинг ота-онаси бошқа планетадан эмасми?” деб ёқа ушлаб колдилар.

Таништиришни Анвар Юнусов давом эттирди:

– Тахаллуслари “Довулий” эди, яқинда Мансурхўжа унга “Аъзам Файз” деган тахаллус берди.

– Унвонлари ҳам бордир? – дея сўради меҳмонлардан бири.

– Унвонми? – деди Анвар Юнус, – унвони “Кўкон халқ шоири”, – деганларида қаҳқаҳа оламни тутди.

## *Азадаги қизиқчилик*

Довруғли артист, ўзбек лапарчилигининг пири хисобланган Рахима опа Мазохидова бир воқеани кула-кула айтиб берганди:

– Жўраҳоннинг қариндоши бўлмиш Қори почча вафот этдилар. Таъзияга бордик. Жўраҳон ҳам тун кийиб, бел боғлаб турибди. Одат бўйича тобутни ўртага қўйишди. Қариндошлар йиғи беришди, орада: “Бешигингиз куллуғ бўлсин, дадажон” дейишган эди, тобутнинг олдида тиз чўкиб турган Жўраҳон аскиячи; “Ана, Қори дадам “куллуғ, куллуғ” деб жавоб берябдилар”, деганда, йиғлаб турган эркагу аёл кулгиларини қандай яширишни билмай, қўлларидаги чит рўмолларини юзларига босдилар.

## *Қутуриш*

Истеъдодли бастакор, “Фарғона тонг отгунча”га куй басталаган устоз Мухторжон ака Муртазове кариган маҳалларида тез-тез “зарур жой”га югурадиган касалликка чалиндилар.

Кунлардан бирида Илҳомжон Ҳамидовнинг уйига меҳмонга борганларида, икки-уч марта ҳалиги жойга чикиб келибдилар. Ҳалиги жойнинг ёнида итнинг уйчаси бор экан, Мухторжон аканинг хадеб ўтаверганига ғаши келибми, янги туғилган кучукларини қизғанибми, ит у кишининг болдиридан тишлаб олибди. Додлашни эшитибок, ҳамма ташқарига отилиб чикса, устоз уларга қараб бакирибди:

– Менга яқинлашманглар, баданим қизияпти, қутурганга ўхшайман. Вов-вов-вов! Вов-вов-вов!

## *Ебсан*

Кўконлик Носиржон нефт базанинг тўй маросимидаги зиёфатда қатор савдо дўконларининг директори, ичганда тентак, ичмаганда олийжаноб Абдушукур шу зиёфатда ҳозир бўлган халқ артисти Раҳима опа Мазоҳидовага коняк узатди. Опа ичмасликларини айтиб, узр сўрасаларда, дам “ўзининг” шеърларини, дам Умар Ҳайёмнинг машҳур рубоийларини айтиб, кистайверди. Опа хижолат бўлиб;

– Мен бунақа нарсаларни ичмаганман, ичмайман ҳам, узр, деганлари сари кистаб:

– Менинг заррача ҳурматим бўлса ичасиз, деб елимлик қилаверди. Опа яна узр сўрадилар, ёшларини пеш қилдилар, бўлмади.

– Ёшингиз ўтган бўлса ҳам, кўнглингиз ёш, кани олинг, деганда тўлиб турган опа портлаб кетиб:

– Фалонимни ебсан – дегани ҳамоно Абдушукур бир-иккита ўзига ўхшаган улфати билан эшикдан қочиб чиқиб кетаётса, опа уларнинг орқасидан: “Аюв, аюв” деб қарсак чалиб юборибдилар.

## *Чаласи бор*

Машҳур хофиз Мулла Тўйчининг ўғли Абулкосим бир ўтиришда хофизи замон Расулқорига қадах узатиб, “ичинг, кетар” деб зўрлайверибди. Охири қорининг аччиқлари чиқиб, ўзларининг янгиқўрғонча талаффузларида “Хўп майли, Абулкосим, бу винами-окми” деганди, Абулкосим зингиллаганча қочиб чиқаётиб, эшик тагида турганларга: “Бай-бай, биров эшитмасин-а, ҳазил” деб турганда орқадан Расулқори айтармиш: “Қани у, чакиринглар, ҳали чаласи бор”.

## *Тунги тарсаки*

Раҳмон Ҳайдар Себзордаги ижарада турган жойимизга келди. Чойлашдик, алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик. Ниҳоят, кеч бўлганлиги, эрталаб ўқишдан кечга қолмаслик учун кетиши кераклигини айтди. Узрини қабул қилиб турган эдик, бирданига фикри ўзгарди:

– Роса ўтирибмизда, охирги трамвайдан ҳам кеч қолдим, – деб биз билан қоладиган бўлди.

– Начора, яхши бўларди, – деб қўя қолдим.

Биз ҳамхоналар: камина, Абдуллажон, Хамидхонлар ярим кечаси тарсаки товушидан уйғониб кетдик. Маълум бўлдики, Раҳмон Ҳайдар биз пинакка кетганда хонамиз рўбарўсида турадиган ўрис хотиннинг ёнига кирибди. У дод солганда секингина биз ётган хонага қайтиб чиқиб, жойига ётиб олибди. У аёл хонамизга кирибди. Кўрсаки, ҳаммамиз ширин уйқуда, биргина Раҳмон инжайиб ётган эмиш. Тарсаки Раҳмон Ҳайдарнинг қулоқ аралаш юзидан келаётганлиги сабаб, биз чўчиб уйғондик.

Яқинда учрашиб қолдик, ҳамма бўлган воқеаларни китоб қилмоқчиман, сен билан жуда қўп саргузаштлар бўлган, десам, ҳаммасини ёз-у аммо тунги шапалокни ёзма, деб ялиниб қолди.

Ёзаймикан-ёзмаймикан, бошим қотиб қолди.

## *Энди тешворадиган бўлади*

Таниқли ёзувчи Йўлдош Сулаймон бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар – Дадахон Нурий, Сайдали Одиллов, Анвар Юнус, Адхам Мирсаидлар билан Окжар депарасидаги 11-ўрта мактабга учрашувга келишибди. Мактаб директори, шоир Турсунбой Қамбаров учрашув охирида Йўлдош акага сўзни берди. Йўлдош Сулаймон ўзининг асарлари асно-

сида тайёрланган адабий-музыкавий тадбирлардан беҳад таъсирланиб, темир тутқичдаги микрофонни қўлига олиб, мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига миннатдорчилик изҳор эта бошлади. Шунда бирдан микрофон сими узилиб кетибди. Қарангки, микрофоннинг ўзигина ёзувчи қўлида қолибди. Йўлдош ака бундан беҳабар микрофонни иккала қўли билан маҳкам ушлаганча сўзида давом этаверибди.

Пастдаги аёллар эшитмай, “каттиқрок-каттиқрок”, деб жовур-жувур қилгандагина монтер симни улабди. Шунда Йўлдош Сулаймон айтармиш: – Ўзимам билувдим-а, биринчи қатордаги аёллар, каттиқрок-каттиқрок деганди, ана энди, тешворадиган қиламан!

### *Эшак минган Назиржон*

Ёзнинг иссиқ кунларида Қўриқ қишлокилик Назиржон сой бўйлаб кетаётса, Олтиқуш қишлоғининг болалари эшак миниб юришган экан. Ёшлиги қўзиб, у ҳам эшак миниб, у ёқдан-бу ёққа бориб келибди. Эшак тулаган экан, шимига жунлари ёпишиб қолибди. Уйга келиб, хотинига рўбарў келибди.

– Вой ўлай, бу нимаси, – дебди хотини, – ҳаммаёғингиз жун-ку? Назиржон эшак минганини яшириш учун баҳона тўкибди:

– Келаётсам, қўшни кигиз қоқаётган экан, мен ҳам ёрдам қилиб, қоқишиб юбордим.

– Шимни ечиб қоқсангиз бўлмасмиди? дермиш хотини.

## ***Чапақай***

Моҳир аскиячи Неъматжон дўстимни табриклаб кўйдим:

– Эшитишимча, хўжайининг Тўлқинжоннинг ўнг кўли бўлиб қолибсан.

– Нотўғри эшитибсан, хўжайин чапақай.

## ***Ичайликми***

Дўстим Маҳмуд Ҳошимов, кел, синглинг шовла қияпти деб қолди. Мен ичайликми? – деб сўрасам.

– Олдин овқат пишсин, – дейди. (Ичак қўшилган шовла маъносида)

## ***Қамайверасанми***

Олтиарик раисполкомнинг раиси Аҳмаджон Маматхонов 1983 йили кеч кузида пахта пунктида йиғилиш ўтказди. Сўз бошлашдан олдин залга кўз югуртириб чиқди. Чақиртирилганларнинг барчаси бору фақат Жонибек бўлими мудирини Мирзаабдулла кўринмайди.

Маматхонов: – Қани, бу Жонибекнинг мудирини?

Милиция бошлиғи: – Ўзингизнинг буйруғингиз бўйича пахтани сувга бостиргани учун эрталабқам қамаб қўйган эдим.

– Қанақасан! – дея бақирди Маматхонов, – қама, деса, қамаб қўяверадими? Олиб кел уни, бугун пахтани кам топширганига жавоб берсин!

## *Қора холига...*

Ғофуржон Хонкелдиев Данғара туманига милиция бошлиғи лавозимига ишга келди. Албатта, уй-жой масаласи ҳал бўлишини икки-уч ой кутишга тўғри келар эди. Хонкелдиев исполком раиси сифатида каминага уй-жой масаласи ҳал бўлганини маълум қилиб, Қўконга тушиб келишини айтди.

– Ростданми? – дея ишонқирамай сўрасам, – ҳа, оиламни ҳам кўчириб келмоқчиман. Сиз ўзимизда қурилаётган “дом”ни икки ойда битади, деганингиз учун бу масалани кечаги бир маросимда Қўкон ИИБ бошлиғи Мадиевга айтган эдим. У масалани қойилмақом қилиб ҳал қилди.

Орадан тўрт кун утди.

Хонкелдиевни учратиб: – Табриклайман, оилангизни ҳам кўчириб олиб келдингизми? Квартиранинг унча-мунча камчилиги ва ремонтга ПМК-47 – ёрдам беради – деганим борми, ҳасратидан чанг чиқиб кетди:

– Э хўжайин, сиз сўраманг, мен айтмай. Вилоятда милиция куни нишонланган эди. Йиғилишдан сўнг бошқарма ичидаги ошхонага таклиф этишди. Қўкон милицияси бошлиғи Неъматжон Мадиев билан ёнма-ён ўтирдик. Ҳалиги, очигини айтсам, бир-икки пиёла бўлувди. Уй-жойдан гап чиқиб кетди. Мен бу масалада бир оз кийналганимни, бир-икки ойсиз уй ололмаслигимни айтувдим, Мадиев: “Эртага кел, сен хоҳлаган мавзедан икки ёки уч хонали уй олиб бераман, оилангни ҳам олиб келавер” деди. Бу хурсандчиликка яна бир-икки пиёла олдик. Кўпчилик мени табриклашди. Менга сўз беришганда қадах сўзини Неъматжонга бағишлаб, “Отам қилмаган ишни қилдингиз, бир умр эсимдан чиқармайман, сиздек мард инсоннинг хизматингизда бўламан, сиз учун иккиланмасдан жонимни ҳам

беришга тайёрман” деб кўзимдан ёш ҳам чиқиб кетди.

Қайтаётиб Бағдодда тўхтадим. Оиламга: “Эртага Кўконга кўчамиз, сенлар ҳам кийналиб кетдиларинг” деб тасалли ҳам бериб кўйдим. Эрталаб сиздан жавоб олиб, Кўкон ички ишлар бўлимига кириб, Мадийёров билан кўришгандан кейин, яна миннатдорчилик билдириб: “Уйни ким кўрсатади?” деб сўрасам: “Қанақа уй? Тентакмисан? Кайфда ваъда бергандирман. Ўзим беш ойдан бери кабинетда ётиб юрган бўлсам, сенга уй қаёқда? Хе, сени начальник килиб кўйганлардан ўргилдим” деб, унинг кетидан Шералиними, Шерзодними шеърини ўкиди. Эсимда қолгани шу бўлдики, кимдир Самарқанд билан Бухорони бир қора холга бериб юборибди.

Камина кулиб: – “Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шерозлик жонона, қаро холига бахш этгум, Самарқанду Бухорони” деган шеърни ўқидими? – деб сўрасам, – Ие, сиз ҳам биласизми бу шеърни? – деди мунғайиб шўрлик Ғофуржон.

### *Мен ўзим аҳмоқ*

Танти, мард Ҳалим Шарипович Маҳмудов деган акахонимиз бор. Кисловодск сиҳатгоҳида бирга оилавий хордик чиқарганмиз. Сиҳатгоҳга борган кунимиз кечқурун кинотеатрга тушдик. Икки ўринга тўртта чипта сотилган экан. Ўша иккита ўрин можаросида танишиб қолдик. Ҳар иккимиз жойларга оилаларимизни ўтказиб, ўзимиз тикка турганча кино кўрдик. Қарангки, нонушта столимиз ҳам битта экан. Бу ҳолат бизни янада яқинлаштирди. Белгиланган муолажаларни олиб бўлиб, тушликдан сўнг уч-тўрт партия пирра ҳам ўйнадик. Омадим келибми, ютиб кўйибман. Ҳалим аканинг бир оз асабийлашганларини юзларидан сездим. Кечки овқатдан

сўнг яна ўйнадик. Бу сафар ҳам бир оз устунлик билан омадим чопди. Ҳазил-ҳузул билан хайрлашиб, хона-хоналаримизга кириб кетдик. Не ҳолки, алла маҳалда хотиним эшикни кимдир чертаётганлигини айтиб қолди. Эшикни очсам, Ҳалим Шарипович.

– Ҳа, тинчликми ака?

– Уйқум келмаябди, мени картада бирор киши ютмаган эди, келинг, яна бир ўйнайлик.

– Соат неча?

– Ҳали вақтли.

Секин соатга карасам, нақ тунги бир ярим. “Эртага давом эттирайлик, десам, бирорта лўлига ўқитган карта билан мени ютиб олябсиз, юрагим сезиб турибди, дедилар.

– Ҳа, майли, – дедим бир оз юмшаб, – факат шарти бор.

– Қанақа шарт?

– Ютқазган киши бир парча қоғозга “Картада ютқаздим. Ютганнинг барча топшириқларини сўзсиз бажараман” деб ёзиш шарти билан ўйнайман.

Рози бўлдилар. Хулоса – икки соатлик ўйин қизғин ўтиб, каминанинг фойдасига ҳал бўлди. Қоғозга шартлар ёзилиб, имзолар қўйилди, бўлган гап шу.

“Кейин нима бўлди?” дейсизми? Ҳа, шу бўйи йигирма тўрт кун сихатгоҳда бўлиб, уй-уйимизга тарқалдик.

Нима кўп? Илтимос кўп. Камина ишлаган туманда 150 минг аҳоли, колаверса, Қўкондай шаҳри азимда қанчадан-қанча ошна оғайнилар. Бир парча қоғоз: “Ҳалим Шарипович, Болтабоевни фалон касалхонага ётқизишга ёрдам беринг”, “Намозбойнинг ўғли Шухратбекни касалхонага ишга жойлаштиришга ёрдам берворинг” ва ҳоказо ва ҳоказо...

Кунлар ўтиб, Ҳалим Шарипович Республика курортлар бошқармасига бошлиқ бўлдилар. Каминага

яна иш кўпайди: фалончини у сихатгоҳга жойланг, пукунчини бу сихатгоҳга...

Кунларнинг бирида бир тракторчини “Октош санаториясига жойланг” деб бир парча коғоз ёзиб юбордим. Санаторияда жой йўқ экан. Бош врачга катъий топшириқ берибдилар:

– Жойланг! Хонангизга бўлса ҳам жойланг. Ҳамма топшириқларни бажараман, деб бир парча коғозга тилхат ёзиб, карта ўйнаган мен аҳмоқ, жойланг! – дебдилар. Тракторчи Октошдан қайтиб келиб, менга бўлган воқеаларни айтиб берганда:

Яна икки кишини Октошга юборяпман, – деб Ҳалим акага кўнғироқ килиб кўйдим.

### *Академигингиз курсин*

Кунлардан бирида туман прокурори Раҳима опа Хўжаеванинг уйига борсам, дастурхонлар тузалган. Ноз-неъматлар қатори бир ликобда писта, бир ликобда бодом кўйилган экан. Камина бир пиёла чой асноси шу ликобларга “хужум” килибман. Опа бирикки томоқларини кириб кўйдилар, аммо камина тушунибми, тушунмайми, чакаверибман.

Опа яна бир “ихи” деб олгач: – Москвадаги профессор дўхтирим Михайлов айтдики, киши кунига ўн бир дона писта, ўн бир дона бодом еса, организмга фойда, ортиқчаси зиён, – деган. Бу ҳақда “Здоровье” журналида мақоласи ҳам чиккан”, – деган эди, камина ҳам бўш келмай: – Менинг Ленинградда академик Соколов деган дўхтирим бор. У киши бир ўтиришда 60 дона бодом, 60 дона писта есанг, организминг учун фойда бўлади, тез-тез еб тур деган. Шунда Раҳима опа:

– Бир соатдан кейин облпрокурор Каримбердиев оиласи билан келяптилар. Шу дастурхондагидан бошқа писта-бодомим йўқ. Ҳе ўша академигингиз курсин. Олтмиш дона эмиш-а, – дедилар.

Камина ҳам бўш келмай:

– Ҳе ўша, ўн бир донадан ошик емагин, деган профессорингиз балога йўликсин, деганим ҳамоно, иккимиз ҳам ўзимизни тўхтатолмай кулиб юбордик.

### *Дарахтдаги мушук*

Одилжон деган улфатимиз Тўхтасин билан гузардаги чойхонада кеч бўлибди ҳам, турмасмишлар. Тўхтасин: – Вакт ярим кеча бўлди, турайлик энди, – деса, Одилжон: – Келинг, яна бир оз ўтирайлик, – дер эмиш. Ниҳоят кечки 11 бўлганда таркалибдилар.

Ярим соатлардан кейин Одилжон... у ёғи фақат ўзларига маълум, Тўхтасинларнинг ёнидаги ҳовлига сакраш учун дарахтга чикибди.

Дарахт шитирлашидан уйғониб кетган Тўхтасиннинг отаси Назиржон бува: – Кимдир дарахтда юрибди, – дея бонг урибди. Тўхтасин: – Дада, сиз ётаверинг, мен ўзим чиқаман, – деб милтиғини олиб чикиб, дарахтга қараса, одам шарпаси кўринибди.

– Кимсан? Ҳозир отиб ташлайман, – деб пўписа килибди.

– Мен Одилжонман, Тўхтасинжон, отманг.

– Одилжонман? Ҳозиргина чойхонада чой ичдик-ку.

– Ҳа, ўша Одилжонман.

– Дарахтда нима қияпсиз?

– Кейин айтаман, жон Тўхтасинжон, отманг.

– Йўк, Одилжон ҳозиргина уйига кириб кетди, ёлғон гапирма, барибир отаман!

– Қайтиб чикувдим-да, жон Тўхтасинжон, ишонинг, бу менман.

Бу машмаша устига Тўхтасиннинг отаси: – Тинчликми? – деб чикиб келди.

– Тинчлик дада, тинчлик, иккита мушук қувла-

шиб дарахт устига чиқиб кетган экан, биттаси анови ҳовлига сакради, сиз хотиржам ётаверинг.

...Шу-шу Одилжон Тўхтасинга: – Сиздан қарзман, ўрток бировга айтиб юрманг, – деб ялинибди.

Бу сир-синоатдан хабар топган улфатлар Тўхтасинни гиж-гижлаб: – Ушанда, отаман, деганингизда нима деб ялинган эди? – деб сўрашларини қўймайдилар. Тўхтасин ҳам: – Айтмайман, бу сир, – дейишдан тўхтамайди.

### *Космос*

Ургут туманига раҳбарлик қилган Ўлмас Махматмуродовни танимаган раҳбар бўлмаса керак. Бу тумандаги ибратли ишлар туфайли республика даражасидаги кўплаб кўрғазмали тадбирлар, семинар-анжуманлар шу ерда ўтказилган.

Маълумингизким, райкомнинг асосий қуроли бюро эди. Бюрода масалалар кўрилар, улардан бири партия аъзолигига қабул қилиш эди. Навбатдаги бюро йиғилишида ГАИ бошлиғи Маматқул Мирзаевни партиёга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилди. Бирин-кетин турли саволлар берилди.

Бюро аъзоси Содикжон шундай савол берди:

– Космос, унинг ўзлаштирилиши ҳақида тасаввурингиз?

– Кеча космосга борган эдим, тинчлик экан. Райкомимиз Ўлмас ака икки трактор, бир булдозер юборган эканлар, ишлаб турибди. Мен ҳам у ерда пост ташкил этиб, бир ГАИ ходимини қўйиб келдим.

Соғувчилардан бюрога сайланиб қолган Сарвинисо хайрон бўлди: – Космосга ракета учганини эшитганман. Партиёга минг раҳмат, у ерга энди трактор ва булдозерларни ҳам юборибди. Бу ишга жиддий ёндашган ўрток Маматқул Мирзаевни партиёга қабул қилишни таклиф қиламан.

Райкомнинг биринчи котиби Махматмуродов Сарвинисога бир ўкрайиб олди-да:

– Хой, ўрток Мирзаев, гап районимиздаги “Космос” пионер лагери устида эмас, космос, яъни коинот ҳақида кетяпти....

– Агар сиз, ўзлаштир, десангиз, – дебди қўлини кўксига қўйиб Маматкул Мирзаев, ўша ерни ҳам ўзлаштирамиз, пост ҳам қўямиз.

Бюро мажлисида ўтирган милиция бошлиғи ўз кадрилини қўллаб-қувватлаб:

– Ха, ишониш керак, бу қилади, бунинг қўлидан келади, деганда ҳамма нима дейишини билмай, га-ранг бўлиб қолибди.

### *Икромхўжанинг РАФи*

Каминанинг Икромхўжа деган кўшнисиди 1967 йилда ишлаб чиқарилган РАФ автомашинаси бор эди. Илик-иссиқ кунлари бир амаллаб юргизади, куздан то баҳоргача уни бир-икки соат итармагунча юрмайди. Ҳар куни Икромхўжа кўчада одам пойлайди. Қўни-қўшничилик, одамнинг юзи иссиқ, ҳамма шу автомашинани юргизиш учун овора. Аҳвол шу даражага бориб етдики, маҳалладошлар Икромхўжа уйи олдидан ўтмаслик учун, айланиш бўлса ҳам, бошқа кўчалардан уриб кета бошладилар. Мухсин деган кўшним ҳафталаб Икромхўжанинг РАФи туфайли уйига келмай, ўғлиникида тунайди. Назирхўжа кум маҳалладан айланиб, гузарга келадиган бўлди. Наврўз ўғлимиз бу кўчадан ўтмаганига анча бўлди. Аҳрор ўғлим то машина бир ёғли бўлмагунча эшигини кулфлаб ўтиради. Содик кўшни ўн километрни айланиб, катта йўлга чиқиб кетади.

Мўмин деган моторолчи Икромхўжанинг РАФи-ни итаваериб, бел оғриғи бўлиб колди. Қай бирини

айтай? Файзиллахўжа амакимиз оёғи тойилиб, мана бир ойки уйидан чиқмай, кўргани кирган Абдулатиф, Норкўзи, Рафиқжон ва имомимиз Шерзоджонга, Икромхўжа РАФни йўкотсин, олганига сотиб юборсин, Аҳмад билан Аваз ўғлим эрталаб совукда машинасини итаравериб, шамоллаб, укол олиб ётибди, ўзим ҳам оёқдан лат едим. Мана, куни кечаги воқеа, давом эттирди амаки, Попдан 5 киши ақиқа тўйига келиб, Икромхўжаникида тўхташди. Эрталаб машинани роса итаришди, юргизолмай “Ақиқа” тугаганда боришибди, опалари роса тузлабди, почча аччиқ қилиб, улар билан сўрашмай, кўчага равона бўлибди. Икромхўжага инсоф бериб, РАФни сотиб юборишига бир дуо қилинглар, дермиш.

Имомнинг дуоси ҳам ўтавермабдими, маҳалладошлар каминага, сиз ҳам дуо қилинг, Икромхўжага инсоф берсин деб сўрашувди, мен ҳам дуо қилиб, маҳалладошларингни-ку ишдан чиқардинг, ўғилларинг Азизхон, Акрамхон, Усмонхонларга ҳам раҳминг келсин, хотининг Махсумахонни ранги бир аҳвол, кеча хотинимга йиғлаб, хўжайинингизга айтинг, Икромхўжалари ё мени десин ё РАФни дебди.

Куни кеча эшитсак, ниҳоят, машинани Жиззахга сотибди. Ишдан борсам, маҳаллада байрам, ҳамма машина қайтиб келмаслиги учун қўлларини очиб турганларида мен ҳам, аввалию охиргиси бўлсин, бундай автомашиналар Икромхўжага бошқа насиб этмасин, машинани сотганинг учун бир зиёфат берасан десам, зиёфатни маҳалладошлар қилиб берсин мана, итаришдан қутулишди, деса бўладими?!

Ҳамма хангу манг бўлганча қолаверди.

## *Соли Эрматга кун боқди*

Туморлик Солижон Эрмат деган милиция ходими Қўқон шаҳар ички ишлар бўлимида ўттиз йил фақат навбатчиликда турганини кўпчилик эслайди. Тумор қишлоғидан Қўқонгача 30 километр бор. У ҳар навбат куни мотоциклда ашула айтиб, хизматга келади, кетишда ҳам шундай.

Кунлардан бирида вилоят ички ишлар Бошқармаси бошлиғи Ориф Ҳақимов Эрматовнинг навбатчилик пайтида кўнғирок қилади. Эрматов телефонни олиб: “Ўттиз йилдан бери ўттиз километрга қатнаб, дежурликда туриб, елкаси юлдуз кўрмаган ефрейтор Солижон Эрматов эшитади” деб жавоб берибди.

Эртаси Қўқон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Бойтемировга кўнғирок бўлиб, навбатчиликда турадиган Эрматовни олиб, зудлик билан бошқармага келиш тайинланди. Бойтемиров ранги оқариб, кечкурунги навбатчиликда қандай ҳодиса юз берганлигини сўраганда, “шундай-шундай” деб кечаги бўлган гапни Солижон айтибди. У Эрматовни қойиб, “Энди нима бўлади? Навбатчи Эрматов эшитади” деб қўя қолсангиз, ўлиб қолармидингиз? Ана энди кўрасиз. Сизнинг дастингиздан мен ҳам чора оладиган бўлдим” дея то Фарғонагача хуноби ошиб, ғазабланиб борибди.

Боришлари биланоқ, Ориф Ҳақимов: – Кечаги дежур Эрматов сизми? – деб сўрабди. Тасдиқ жавобини олгач, “Кечаги рапортингизни қайтаринг” – деб талаб қилибди.

– Ўрток бошқарма бошлиғи, кечаги маҳмадоналигим учун кечирасиз – деб узр сўраса ҳам бошлиқ кечаги рапортни сўрабди. Ниҳоят, Эрматов қайтаришга мажбур бўлибди. Шунда бошлиқ ўрнидан туриб: – Бугундан бошлаб старшинасиз – дея, қўл соатини ечиб, кучок очиб табриклабди.

Буни кўрган бечора Бойтемировнинг рангига кизил югуриб: “Ўртоқ бошлик, юлдузи йўқни юлдузга яқинлаштириб кўйдингиз, унинг бошлиғини ҳам қурук кўйманг” деганда: “Бор барака, полковник бўла қолинг” – деб лутф қилган экан.

### ***Кетга тепади-ку***

Алишер-Нодирахонларнинг хонадонларига Андижондан Мунисхон ая, Тўхтасин ака, Тошкентдан Алишер, Дилбархон ўғиллари билан меҳмон бўлиб келишди. Дилкаш суҳбат асноси биринчи – иккинчи таомлар тортилди. Ниҳоят, меҳмонлар кетишга рухсат сўрашди. Мезбонлар палов тайёр бўлаётганини айтиб, яна бир оз ўтиришларини сўрадилар. Меҳмонлар тараддулланиб туришган эди, Азизхон дўхтир мезбонларга ёрдамга келди:

– Ўзларингиз яхши биласизлар, ўзбекнинг маросимида “кетга тепар” деган ибора бор. Ош тановул қилинмагунча, рухсат берилмайди. Ош ейилгач “кетга тепар” таомили бўйича кетишга рухсат бўлади. Бу таомилни Фаридахон ва камина ҳам тасдиқладик. Шу тарика лутф билан ош тортилди. Ҳамма ошга қўл узатди. Бироқ, Тўхтасин аканинг ўғиллари Нодирбек ош ейишдан бош тортди.

– Нега ош емаябсан? деб сўрашса, “Ош егандан кейин кетга тепилар экан-ку, емайман!” – деб, ҳўнграб юборса бўладими?

Тўхтасин ака мен ҳам емайман, Қўқонликларнинг одати шунақа бўладиган бўлса, мен ҳам емайман, кетамиз, деб туриб олди.

Ана хангомаю мана хангома!

## *Битта ўзинг келгин*

Биродаримиз Анваржон Абдувалиев асли Бешариқлик бўлиб, Тошкентда ишлайди. Радиодан унинг ўзига хос талаффузли, жарангдор, ширали овозини эшитиб, тасанно ўқимаган киши кам бўлса керак.

Хизмат юзасидан Тошкентга борганимизда, идорасига бир пиёла чойга таклиф қилди. Чой асносида стол устидаги таклифномаларга кўзим тушиб қолди.

Яқинроқда турган бир таклифнома кўзимга ғалати кўринди. Унда 5 май, нахорги ошга таклиф этилиб, таклифнома юкорисига фломастернинг куюк кизил сиёҳида “Илтимос, битта ўзинг келгин, ука!” деб ёзилган экан.

Ажабланганимдан икки қошим бир-бирига туташиб кетди. Хонага Улуғбек Раҳимов кириб қолди. Салом аликдан сўнг: – Ҳа ака, тинчликми, қошингиз чимирилиб кетибди? – деб сўради.

Жавоб ўрнига таклифномани узатдим. У тиззасига уриб, котиб-котиб қулди...

Алқисса: Улуғбек ва Анваржонларга Барно деган кадрдон опалари “Интерконтитентал” деган тўйхонада ўғил уйлайдиган бўлибди. Ҳар бир тўймаросимга 3–4 кишини етаклаб юрадиган Анваржонга ҳалиги тарзда таклифнома ёзиб, Барнохон Анваржонни огоҳлантираётган экан.

## **Кўникиб кетасиз**

Иши юришмай юрган укамиз Эшмат фолчининг олдига борибди.

– Кейинги пайтларда ҳеч ишим юришмайди. Бир фол очиб кўйсангиз, – дебди.

– Бозор иктисоди, бу ёғи ўн беш минг сўм бўлади, бўтам.

– Укамиз айтилган суммани кўш қўллаб узатибди.

– Ёшинг неччида? – сўрабди фолчи.

– Йигирма иккида.

– Хм! – дея фолчи бир пас хаёлга чўмибди. Сўнг кироат билан сўз котибди: – Йигирма беш ёшгача ишингиз юришмай, ночор аҳволди бўласиз, бўтам.

– Ундан кейин-чи? – ҳовликиб сўрабди Эшмат.

– Унга алоҳида ҳақ тўлайсиз, бўтам. Йигирма беш ёшдан кейингиси, йигирма беш минг сўм бўлади! – дебди фолчи.

Хаяжонланиб колган Эшмат йигирма беш минг сўм карзга пул топиб келиб, узатибди. Фолчи пулларни кўрпача остига яшириб, устига ўрнашиб ўтириб олгач, узок ўйга чўмибди.

– Кейинчи, кейин? – Эшмат бетокатланиб сўрабди.

– Йигирма бешдан кейин, – фолчи бир ютиниблиб, давом этибди, – шу аҳволингизга кўникиб кетар экансиз дермиш.

## **Банкротча**

Лукмонжон деган оғайнимиз, ишлари орқага кетиб, банкротга учраб колди. Шу бало қазолардан эсон-омон қутулайин, Оллохнинг ўзи йўл берсин, деб худойи қилди. Ошна-оғайнилар билан кириб бордик. Бир пайт юкорида ўтирган имом мендан сўраб колди:

- Бу хайр-эхсоннинг боиси нима?
  - Оғайнимиз кичкинагина банкротча бўлиб қолибди, – деб жавоб қилдим оҳиста.
  - Тушунарли, тушунарли, – деб қўйди имом.
  - Ош ейилгач, имомимиз дуога тушиб кетдилар:
  - Илойим, Лукмонжон укамиз банкротча бўлибдилар, бундан кейин ҳам катта-катта банкротларни Оллох насиб қилсин! Ана шундай катта-катта банкрот бўлганларида ҳам хонадонларининг тўрида ўтириш ҳаммамизга насиб этсин... Банкротликдан бошлари чикмасин...
- Бўлмади. Имомнинг қўлидан шартта ушлаб, дуосини тўхтатдим. Имом хайрон бўлиб қолди. “Банкрот” сўзининг маъносини тушунтирган бўлдим. Имом менга қараб илжайиб:
- Узр, таксир. Энди менинг дуоим банкрот бўлдимми? – деса бўладими.

### *Тўрт ёшлик “ота кадрдон”*

Хўжалик ишлари бошқарувчиси Раҳмонжон Сафаровнинг ғалати одати бор: ким билан гаплашмасин, “ота кадрдон”га айланиб қолаверади.

Хўжаликни тафтиш қилиш учун Мақсуджон Холматов деган йигит келиб қолди. Раҳмонжон Сафаров “Э, келсинлар, келсинлар!” – деб йигитни қучоғига олди. Қаердан, отаси ким эканлигини суриштиришга киришди. Йигит отасининг номини айтгач, жўшиб кетди:

- Э, биз сиз билан ота кадрдон эканмиз-ку! Отангиз билан биз вилоятга борганда, тез-тез учрашиб турамиз. У кишининг йўли биз томонга тупса, албатта, мени йўқлайди. Аскияниям котиради-да! Йигитнинг зўри, ўтиришнинг гули отангиз!

Йигит бир қалқиб тушди-да, мунгли овозда:

- Амаки, отам тўрт ёшлигимда ўтиб кетишган, ўзим ҳам аранг эслайман...

Раҳмонжон бир сесканди-ю, ўзини йўкотмай:

– Тўрт ёшлигингизда ҳам отангиз билан ошно эдик. Тўрт ёшли ота кадрдоним экансиз! – деди.

### *Ўзингиз ҳам ҳаракат қилинг-да, бўтам*

Раҳмонжон анча пайт фарзанд кўрмай юрди. Бормаган дўхтирлари, кўринмаган табиблари колмади.

– Тўхтасин ҳожига ҳам учраб кўринг, дами ўткир – деб маслаҳат бердик.

Раҳмонжон ҳожиникига қатнашни бошлади. Бир-икки ой қатнагандан кейин, яна бизга ҳасрат қилиб колди:

– Тўртта хўроз, битта кўчқор кулоғини ушлаб кетди... натижа ноль!

Икковлашиб Тўхтасин ҳожиникига йўл олдик. Раҳмонжон дардини дoston қилиб бўлгач:

– Ҳожи ака, икки ой қатнадим, натижа бўлмаяпти-ю! – деди минғирлаб.

– Икки ой қатнаган бўлсангиз, ноилож, мен кўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Энди, ўзингиз ҳам ҳаракат қилингда, бўтам...

### *Қарсак*

Хўканди латифни Амир Умархон давридан бери “шоирлар шаҳри” деб эъзозлашади. У ҳозир ҳам шоирлар шаҳридир. Тўртта Кўконлик бир жойга тўпланиб колса, аския мушоирага уланиб кетади. Кунлардан бирида Комил Жўра, Анвар Юнус, Адхам Мирсаид, Назиржон Назаров, Аҳмад Фозил, Қулмуҳаммад, Турсун Қамбар, Анвар Дадабоев, Аъзам Назирий, камина ва бошқа аҳбоблар тўпланиб колдик. Севимли шоирамиз Зулфия айтганидек: “Мушоира этади давом...”. Катта шоиримиз Комил Жўра илҳом отига миниб, шеърят майдо-

нида жавлон ура кетди. Қани уни тўхтатиб бўлса. Бошқаларга гап бермай, шеър устига шеър айтиб турганди, қарсак устига қарсак бўлиб кетди. “Малик уш-шуаро” қарсаклардан талтайиб кетиб, бах-мал болишни биқинига тортиб, астойдил ёнбошлаб олди. Камина уни шон-шуҳрат осмонидан самимият заминига тушириш учун:

*Сиз ишонманг, бу қарсакларга,  
Бу қўллар қарсиллаб толмайди.  
Талтайтириб отар осмонга,  
Ва ҳеч ким, ҳеч қачон илиб олмайди.*

Камина бу тўртликни айтиб бўлгач, шоири замон Комил Жўра “безобразие” деганича ўрнидан туриб кетди.

### *Мева пишиги*

Аллома Ғофур Ғуломнинг уйи биз ўқиб юрган халқ хўжалиги институтига девор кўшни эди. Кунларнинг бирида Ғофур ака институтнинг катта дом-лалари: доцент ва профессорлардан Зайниддинов, Отамирзаев, Талъат Саъдуллаев, Акрамовларни уйига таклиф қилибди. Уйга олиб кириб, гуллар-у ховлисига экилган дарахтларни кўрсатиб, мактаниб кетибди:

- Мана бу нокни Грузиядан олиб келганман;
- мана бу ўрикни Афғондан олдириб келганман;
- мана бу шафтоли Озарбайжондан келтирилган;
- мана бу олмани эронликлар олиб келишди;
- мана бу гилосни Латвия ва хокозо деб нақд уч соат ховлида олиб юрибдилар. Домлаларнинг энсаси котиб, “бизни қайси хонага олиб кириб тушлик берар экан” деб у ёкка – бу ёкка карашар эди.
- Худо хоҳласа, саратондан эсон-омон ўтиб олиб, уч тўрт йил ичида мевага кириб қолса, ўшанда

яна бир тўпланиб гаплашамиз – деб сўзини яқунлаган экан Ғофур Ғулом.

Бечора домлалар ханг-манг бўлганларича, бир-бирларига қараб, чиқиб кетаверган эканлар.

Орадан бир йил ўтгач, Ғофур ака яна уларни хонадонига таклиф қилганда, улар: – Уч-тўрт йилдан сўнг дарахтларингиз мевага қирганда гаплашамиз деб қутулишибди.

### *Китоб ёзгани*

Садоқатда ҳам, одамийликда ҳам ибрат олса арзийдиган дўстим Анваржон Дадабоев ҳар ойда бир неча марта шаҳар телестудиялари орқали чиқишлар қилиб, ҳозирги сиёсий жараёнлар, дунё янгиликлари ҳақида қизиқарли кўрсатувлар бериб борар, бу кўрсатувни барча иштиёқ билан кўрарди. Ундан ташқари, Қўқондаги катта-кичик ташкилотлар (ҳарбий қисм, ички ишлар идораси, солиқ инспекцияси ва бошқалар) Анваржонни маъруза ўқиб, суҳбат қилиб беришга таклиф қилиб турар эдилар. Биз дўстлар ҳам: камина, Анвар Юнус, Ёркин, Раҳмон Сафаров, Ҳамид Кодирӣ, Ҳамидулло Абдуллаев, Ғуломжон, Адҳам Мирсаид, Азимжон Азимов, Назиржон Назаров, Аъзам Назирӣ ва бошқа ёронлар тўпланишиб, унинг қизиқарли суҳбатидан баҳраманд бўлар эдик.

Кунлардан бирида ўтиришимизга яна ўша сиёсий шарҳловчимизни таклиф этдим. Албатта, у бор жойда суҳбат дунё воқеаларидан бўлади. Чой асноси биринчи таом тортилгунча Анваржондан суҳбат қилиб беришни сўрадик. У роса икки соат мобайнида бир култум сув ичмасдан, биз билан бутун дунёни айланиб чиқди. Ўтирганлар хайратда, дастурхончимиз таом тортиш-тортмасликни билмай доғда. Анваржон мағрибдан бошлаб, сўзини машриқ би-

лан тугатгач, Азимжон Азимов лукма ташлади: – Шунча нарса биласиз, Анвар ака, сизга ўхшаган шархловчи йўқ. Нега шу билганларингизни китоб килиб ёзмайсиз?

Анваржон эса изох бериш йўқ, узр сўраш йўқ, шарт ўрнидан турди-да: – Мен кетдим! – деб чиқиб кета бошлади.

– Қаерга Анвар? Қайт, – десам.

– Китобни ёзгани, ижодимга, халқимга! – деганича бадар кетди.

Кейин билсак, Анваржон яна бир жойда учрашувни бор бўлиб, қандай баҳона қилишни билмай, шу йўл билан кетганига койил қолавердик.

### *Доля (улуш)*

Кўкат бозори ёнида ўрмон хўжалигининг дўкони бўлиб, бир куни камина идора ходимлари билан дўконга кириб, таъмирлаш масалаларини муҳокама қилиб турган эдик, дўкон оркасидан ғовур-ғувур овозлар келиб қолди. Сухбатимизни тўхтатиб, секин туйнук тагига бориб кулок тутсам, чўнтаккесарларнинг Қодир деган бошлиғи бешолтитасини тўплаб олиб, дакки беряпти:

– Яхши ишламаяпсанлар. Агар яна шунақа ишласаларинг, ўрnilарингга бошқасини кўяман.

Чўнтаккесарлар ҳам ўзларини оклашга ҳаракат қилишяпти:

– Хўжайин, бу сафар бир қошиқ қонимиздан кечинг. Бизга ҳам осон тутманг, айникса, мана бу қуриб кетгур пластик карта чиққанидан кейин ишимиз оркага кетгани-кетган.

Дўкондан охиста чиқиб, оркага ўтдим. Осмондан тушгандек Қодирнинг олдида пайдо бўлиб, кўлимни узатиб: “Қани, чўзиб кўйчи” деганим захоти, у беихтиёр кўлидаги бир сиқим пулни менга узатди. Мен

пулни олиб, бир сўз айтмай шериклар билан жўнаб колдим. Ўн кадамча юрган эдик, Кодир бакира бошлади:

– Ана кўрдингларми? “Ҳаммасини Кодир ейди” – деб ўйлайсанларда. Мендан оладиганлар ҳам бор. Мана кўрдиларинг...

Хайратдан оғизлари очилиб қолган Вали, Ҳамиджон ва Аъзамжонлар эътироф қилишди:

– Хўжайин, бунақасини кўрмаган эдик. Кулишиб, идорага кайтдик ва халиги пулни фаррошларимиз ва қоровулларимизга бўлишиб бердик.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ички ишлар бўлим бошлиғи Абдумутал нуфузли орган ходимлар даврасида каминага гап қилди:

– Бу акани мактайверасизлар, билмайсизларки, чўнтаккесарлардан ҳам “доля” оладиган бўлиб қолганлар.

Камина ҳам бўш келмай:

– Ҳа, бир маротаба шундай иш булувди, ўша куни билмасдан бу кишига тегадиган доляни олиб кўйибман, дедим. Қалай?

### *Нася*

Кўкондаги Кўкат бозори қаршисида ёзлик ошхона ва унинг ёнида кўчма қассобхона ҳам бор. Ҳар ҳафта, гоҳида ҳафтасига ошпаз алмашаверади. Сабоби нима экан, десангиз, хўрандаларнинг қарийб ҳаммаси маҳалланинг ишламайдиган бекорчилари. Улар овқатни еб олиб, “Ёзиб қўйинг, кўкини майдалаб бераман, эртага овқатланганда кўшиб олаверасиз” деб ҳақини нася қилишади. Сомса ёпилса, “Қани, бир тузини кўриб қўяйлик” деб бир тандир сомсани гум қилишади. Кошки улар тўрт-бештагина бўлса... Хуллас, бир ҳафтага етар-етмас ошпаз “банкрот”.

Қассоблар масаласида ҳам шу аҳвол. Насяга гўшт олишади. Дафтарга ёздириб ҳам кўйишади. Кўз-кўзга тушганда “бермайман, демаяпман, бераман, ойлик чикса ёки пенсияни олганда” деб кутулмоқчи бўлишади. Ҳеч каерда ишламайди-ю “ойлик чиксин” деганига ўлайми? Қассоблар дафтар кўтариб уйма-уй юришади, барибир, ундириша олмайди. Кейинги олти ой ичида, саккизта қассоб, ўн тўртта ошпаз алмашди. Кўпчилиги қон босими ошиб, дўхтирма-дўхтир юришибди. Яқин йигирма кун қассоблар ҳам, ошпазлар ҳам бу ерга яқин йўламай кўйишди. Насяга ўрганиб қолган хўрандау мижозлар хафа. Камина ҳам тинч турмай, битта ошпаз топиб келдим. Ҳамма хурсанд бўлди. Бирок бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Ошпаз уч оғайни спортчиларни ишга жалб қилди. Улар “жиддий” йигитлар экан, тишларининг оқини ҳам кўрсатишмайди. Нася сўраганларга қўлини ўрисча мушт қилади.

Олдиниға ошпаз олиб келганимдан хурсанд бўлган маҳалла “хўрранда”лари энди мени кўрганда, пичир-пичир қилишади. Билмадим, нималар дейишяпти экан.

### *Энангинг ҳақи*

Расул қори деган машҳур ҳофизни танимаган одам бўлмаса керак, саз чалиб, ашула айтганда, дарахтда қўнган қушлар ҳам хонишдан тўхтайдди, йиғлаётган бола йиғламай қолган. Қори аскияда ҳам тенгсиз бўлганлар (Оллоҳ раҳматига олгани чин бўлсин).

Кунлардан бирида, катта бир сайлда танбурини чертиб, ашула айтаётганда, кистир-кистир кизиб кетиб, чаккасиға пул сиғмай қолибди. Шунда таникли кизиқчи Абдулқосим ака қорининг чаккасидаги

пулларни олиб, ўзининг чўнтагига солибди. Расул қори:

– Ҳа... – деса:

– Сен дадамнинг ашуласини айтдинг, бу пуллар у кишининг ҳақки, – дебди Абдулқосим ака пинағини бузмай. Расул қори ўтирган кўрпачанинг катидан беш олти минг сўм пулни олиб, узатиб:

– Олиб қўй, буниси энангнинг ҳақки, – дермиш.

### *Аския қилмай мен ўлай*

Жўрахон кизик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлгач, унинг яқин дўсти, пайровдоши Неъматжон аскиячи унга мулозамат қилиб: – Унвонлар муборак бўлсин, бу юксак мукофотни ўзим ювиб бераман. Узумзор чойхонадаги тақияга боринг, ғўзапоя ўтинига кабоб пишириб тураман, бир бошдан учини артиб еяверасиз, деса, Жўрахон ака ҳозиржавоблик билан: – Ток ўтинга кимагунингча емайман, – деб жавоб қайтарганда, Неъматжон: – Сизга аския қилмай мен ўлай, – деб секин жилворибди.

### *Адашилган тўй*

Бешариққа, туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Пайғамовникига тўйга бордик. Ўзбекчилик деганларидек, тўёнага битта гилам олдик. Тўйхонага етиб боргач, кўча эшик ёнида қўл ковуштириб турганлардан бир иккита ёшроқлари югуриб келиб, қўлимиздаги гиламни олиб, ичкарига киргизиб юборишди. Қўл ковуштирганларга разм солиб, Раҳмон Сафаровга, тўйнинг эгаси кўринмайдими? десам, у: – Ана, қайноғасининг Нексияси турибди-ку, – деб, бизни ишонтирди.

Базми жамшид бошланди. Дарҳақиқат, Раҳмон

Сафаров эслатган кайноға – Муҳаммаджон ҳам бизнинг ёнимизга кўшилди. У бизга қараб, бу ерда экансизларда, бизнинг тўйхонада сизларни роса кутишди, ҳатто сизларга тайёрланган жойга бошқа одамни ўтказмай, саклаб туришди. Тўйнинг қизиғи ўтгач, бу ўртоғимизнинг ҳам бир кўнглини олай деб бирров келган жойим, – деганда оғзимдаги ноним тушиб кета ёзди. Ҳаммаси маълум.

– Энди нима қиламиз? – десам, Раҳмон Сафаров:

– Ана, қаранг, кийикларга майда-чуйда тугиш-япти, иккаламизга бўлса керак, назаримда тўн ҳам кийдиради, келинг, шу ерда ўтираверайлик, Муҳаммаджон шу ерда-ку, айтиб кўяр, деганида ҳаммамиз Раҳмон Сафарга тикилиб, анкайиб қолдик.

### *Меҳмондорчилик*

Ўрмоннинг гашти бўлакча, бунда одамларнинг ўз саргузашти ҳайвону хашаротларнинг ўз саргузашти бор. Табиат қўйнида яйраб, юрагидаги ғашликларни тўкиб, бир йиллик чарчоғидан фориғ бўлишга келган шоҳу гадо ўрмонда бир хил ҳузур топади, бир хил дам олади, чивинига ҳам бир хилда таланади. Бу жойларда юриб, талай хангомалар кўрганмиз, улардан кўпини бировга айтмасликка сўз бериб, тўқайдаги гап тўқайда қолади, деганмиз. Шунга қарамай, гап дарров тарқалади.

Кўконликлар, айниқса, кўкон ўрмончилари азалдан сермеҳмон халқ. Бу тўқайда кимлар меҳмон бўлмаган дейсиз? Рўйхатининг ўзи том-том китоб бўлади. Яширишнинг ҳожати йўқ, мартабали меҳмон келадиган бўлса, ўзидан олдин хабари етиб келади. Ўрмонда эса шунга яраша ҳозирлик кўрилади.

Алқисса, кунлардан бирида Абдулла Орипов,

Жуманиёз Жабборов, Охунжон Ҳакимовлардан иборат машҳур шоирлар ташриф буюрмоқчилар, деган хабар келиб колди. Меҳмон отангдек улуг деганидек, тайёргарлик кўрилди. Аммо ўша куни Абдулла ака каминага кўнғироқ килиб: “Бир оз дарё соҳилида ўтирамиз. Балик топилиб колар”, деб кесатиб ҳам кўйди. Бўлим бошлиғи Икромжон баликнинг ҳаракатига тушди. Аксига олиб, ўша кунлари шамол туриб, баликлар ин-инига уриб кетган экан, бозордан тиригини топиб келди.

Меҳмонлар келишди. Абдулла акага қирғоқка боғлаб кўйилган катта балиқни кўрсатсак, у чилвирни ечди-ю: “Суз, жонивор, менинг давримда сузиб юравер”, деб балиқни кўйиб юборди. Биз ичдан зил кетдик, албатта. Жаҳл устида “э-э” деб меҳмонни туртиб ҳам юборибман. Ишонганимиз шу балик эди, бу соҳилда яна нима овқат тайёрлаш мумкин? Меҳмонлар бир айланиб келгунларича, яна балик топиб келиб, ковордик.

Абдулла ака дастурхонга балик кўйилганини кўриб, пича тикилиб турди-да, менга қараб деди:

– Бояги кўйворган балиғим айтганимни қилибди-я.

– Нимани айтувдингиз?

– Сен билмайсан-да. Уни кўйиб юбораётиб, отанангдан тортиб катта энанггача бу ёққа бошлаб кел, деб қулоғига пичирлаб кўйган эдим.

Бир яйраб кулдиг-у кўнглимдаги ҳалиги гинахонлик ҳавога учди-кетди.

## Қарилик гашти

Узоқ йиллар Республика миқёсида соғлиқни сақлаш тизимида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб келган дўстим, танти, мард инсон Ҳолик Шараловичнинг нафақага чиққанлигини эшитдим. Тошкентга борганимда кўнғироклашдик. Чамаси қирк дақиқадан сўнг келишилган жойда учрашдик. Афслари тундрок, қайфиятлари ҳам олдингиларга нисбатан мундайроқ.

– Ҳа ака, тинчликми? Соғлиғингиз яхшими? Рангингиз менга бир оз ёқинқирамай турибди. Ҳа, дарвоқе, нафақага ҳам чиқибсиз, куллуг бўлсин деганим ҳамоно Ҳолик ака бирданига портлаб кетдилар:

– Ҳа, баъзи бир биродарлар ва ҳамкасблар, “Халқ учун, Ватан учун роса хизмат қилдингиз. Энди қарилик гаштини ҳам суриг” дея ҳол-жонимга кўймадилар. Ўша куни тантанали маросимдан сўнг тўғри уйга келдим. Эртаси куни, одатдагидек, вақтли туриб қийиниб, галстугимни такдим. Қани энди машина келса. Бирор соат кутганимдан сўнггина нафақага чиққанлигим эсимга тушди. Яна ечиндим, телевизор кўрдим, китоб ўқидим, ухладим, уйғондим, яна ухладим, бир бало қилиб кунни ўтказиш керак-ку ахир. Кўчага ҳам чиқиб келдим. Кундузи уйкуга тўйганим учун кечаси ухлай олмадим. Эртаси куни ҳамма ишга, ўқишга кетди. Уйда ўзим қолдим. Зерикиб, ўртоқларимга телефон қилдим. Улар, ҳозир мажлис ўтказаяпмиз, селектордамиз, кейинроқ телефонлашамиз, дейишди.

Чойхонага чиқдим, бир чеккага ўтириб, чой қақирдим. Нариги сўрида маҳалладош таниш-билишлар ўтиришган экан. Улар ҳам хурсанд: “Яхши бўлибди, сафимизга кўшилдингиз... Соат ўн бирда Эгамбердиникида худойи, пешиндан кейин, Абдукаримникида ақиқа, асрдан кейин Аҳмаджоннинг...

хуллас тўртга-бешта маросим. Биттасига аранг чидадим. Эртасига юрт ошига таклиф қилишди, кейин яна маросим, яна худойи... Билсам, чойхонадаги танишлар худойихўрлар экан. Тўғри, маросимларда бир-икки ўртоқлар билан учрашиб, хангомалашдик ҳам. Хуллас, бир ҳафта зўрға чидадим. Сиз кўнғирок қилган пайтингизда менга қарилик гаштини суришни маслаҳат берган жупрукларни ёқасидан оламан деб, кидириб юрувдим. Ўзимда ҳам айб бор, “нафақага чикмай тулинг, зерикиб коласиз”, деб огоҳлантиришганди, “қарилик гаштини ҳам суриб кўрайлик”, дебман. Тўхтанг-чи, биров чақиряпти:

– Ҳов, ким у? Нима? Абдулазизникига худойига? Қайси Абдулазиз? Об-бо, мана шу аҳвол...

### *Жой тайёрлаб қўйган эмишлар*

Кўқоннинг тўйлари ва маъракалари тартибли, пухта ва ихчамлиги билан ажралиб туради. Бу борада дастурхончиларнинг хизмати бекиёс. Кўнгилли меҳмоннавозлик уларнинг тадбиркорлиги, хушмуомалалигига боғлиқ. Баъзан дастурхончининг хаёли фаромуш бўлиб, маъракани чалкаштириб юборса борми, кўринг томошани!

Хуллас, гап бундай. Кўқоннинг таниқли кишиларидан Эркин Эргашев вафот этди (Аллоҳ раҳмат қилсин). Жаноза ўқилгандан сўнг, кабристонга етиб бордик. Уч-тўрт киши кабристон дарвозаси олдида шерикларимизни кутиб турган эдик. Кўқон дастурхончиларининг пешвоси Бокижон хожи худди тўйхона эшиги олдида тургандек, мулозамат қилиб колди:

– Қани, келаверинглар, жойларингиз тайёр, сизларга тўридан алоҳида жой қилдириб қўйганман...

Бу гапга хангу манг, нима дейишга хайрон бўлиб турган эдик, ичимиздан Баходир Отажонов ўзимиз

эштадиган товушда: “Тайёрлаб қўйган жойинг бо-  
шингдан колсин”, қабристондасан, гаранг. Биз бу  
ёқларга шошилаётганимиз йўк:

Бир гуруҳ кишилар пиқиллаб кулишга тушди,  
бошқалар Боқижон ҳожига хўмрайишиб, каллалари-  
ни чайқай бошлашди.

## ТЎҚАЙ ҲАНГОМАЛАРИ:

### *Кўйнинг баҳоси*

Ўрмон хўжалиги чорвадори Мамадисок кўйларидан бирини Кўкон мол бозорига олиб келибди. Кўп ўтмасдан харидор ҳам чиқа қолибди.

– Кўчкор неча пул бўлди? – сўрабди харидор.

– Ўзим бунинг минг сўмга олган эдим, – дебди Мамадисок. – Яхши биласиз, ҳозирги вақтда мол-қўй боқиш кийин бўлди, ўзимга ҳам уч-тўрт танга қолмас бўлармиди? Уйдан ўн иккитага (бир минг икки юз демокчи) сотишни мўлжаллаб олиб чиқаётим, мард харидор учраса, камида ўн учтага олар деб ўйладим. Келсам, харидорлар ўн тўрттага сўради, бермадим. Майли, сиз ўн бешта бериб, олиб кетаверинг дермиш.

### *Маишхур ўрмончи*

Ўрмончилик ўқув юртида “Ўрмончилик тарихи” дарси. Профессор талабаларига савол бермоқда:

– Қани, ким айтади, ўрмончилик соҳасида маишхур шахслардан кимларни биласиз?

Бир талаба ховликиб қўл кўтарди:

– Мен айтай, домла.

– Айт.

– Абдулла Тўқай.

### *Хон ва жувозкаш*

Кўкон ҳукмдори Норбўтабий тўқай сайрини хуш кўрар эдилар. Кунларнинг бирида сайр қилиб юриб, тўқай четидаги бир қишлоққа бориб қолдилар. Жувозхона ёнида ўтаётганларида, унинг ичидан кўнғирок овози келаётганини эши-

тиб, ҳайрон бўлдилар-да, отдан тушиб, ичкарига кирдилар. Кўрдиларки, жувозкаш хона тўридаги тўшақда ёнбошлаб ётибди. Уртада эса бўйнига кўнғирок боғланган эшак жувозни айлантирмоқда. Жувозкашнинг кўзи хонга тушгач, югуриб келиб, таъзим қилди. Салом аликдан сўнг хон ҳазратлари сўрадилар:

– Эшак бўйнидаги кўнғирокнинг боиси нима?

Жувозкаш: “Эшакнинг тизгинидан етаклаб, у билан бирга айланавериш жонимга теккач, ўзи айланиб юришига ўргатдим. Ўзим эса дам олиб ётаман ёки бошқа иш билан машғул бўламан. Кўнғирок эшитилмай қолса, эшакнинг тўхтагани тезда билинади”, – дея изоҳ берди.

– Дуруст ўйланган, – деди хон. – Хўш, агар эшак бир жойда турган ҳолда бўйнини силкитиб, кўнғирокни чалаверса-чи?

Унга жавобан жувозкаш: “Эй Олампаноҳ, эшакнинг ақли қачон хоннинг ақлига тенг келибдики, сиз айтгандек қилса?” – деган эди, хон кула-кула, ҳозиржавоблигига яраша жувозкашни мукофотлаб, ўз йўлида давом этибди.

### *Динозавр тухуми*

Ёзувчи Дадахон Нурий илҳом олиш мақсадида Сарикамиш кўлига келди. Кўлбон Иномжон бир-икки кун уни балиқ билан боқди. Учинчи кун Бешариқдан бозор қилиб келиб, паловхонтўра дамлади. Шунда ҳам меҳмон кетиш масаласида чурк этиб оғиз очмади. Иномжон кўнгил сўраган бўлди:

– Меҳмон, зерикиб колмадингизми? Чивин ҳам роса безор қилгандир?

– Зерикиш қаёқда дейсиз? Бу ерлар жаннатнинг филиали экан-ку. Чивин ҳақида ғам еманг, чет элнинг чивинга қарши суртма дорисидан олиб келганман, ёз ўтгунча етади.

Иномжон ортикча бир нарса демади. Факат кечки тамадига кўнгли қандай овқат тилаётганини сўради.

– Ўзингизни кўп уринтирманг, – деди Дадахон. – Унча-мунча одам емаган, кўрмаган, эшитмаган, Тошкентга бориб мактанса арзийдиган бирор нарса қиларсиз... Бу масалада сизларга ўргатиб бўларканми?

Ҳамма бешарикликларга ўхшаб, Иномжон ҳам ичидан пишганлардан, меҳмон кўл сайрига чиқиб кетганда, яқинда сўйдирган букасининг пуфагини тузликдан олиб, ювиб-тозалаб, пуфлаб шиширди. Сўнг товукларнинг курк бўлишига йиғиб юрган тухумларидан ўттизтасини олиб чикди-да, пуфакнинг ичига қўйди, қозонда қайнаб турган сувга бир пишиб, кейин совук сувга солди. Тухумнинг сариклари ўртага йиғилиб, пуфак тухум шаклига кирди. Иномжон тухумни пишириб, пуфакни арчиб ташлади, икки кило гуручли ош сиғадиган товоққа солиб, дастурхонга қўйди. Кўп ўтмай бир кучок юлғун гулини кўтарган Дадахон кириб келди-да, дастурхонга кўзи тушиб, оғзи очилиб қолди.

– Э-хе... қойил-е! Ниманинг тухуми бу?

– Динозаврники, – деди Иномжон. – Сирдарёдан қирғоққа чиқиб тухумлаган экан, шуни опкелиб, пишириб қўяқолдим.

– Қанака динозавр?

– Биз уни динозавр дердик. Дарёда чўмилаётганлардан икки-учтасини чала-ярим еб қўйгач, олимлар келиб, роса текширишди, танадаги тишларининг ўрнига қараганда, бу динозавр эмас, “плезиозавр” деб айтишди. Кейинги пайтда чўмилаётиб, бедарак йўқолган одамларниям шу махлукдан гумонсирашяпти. Бизга катта ташвиш бўлди-да, прокуратура, милиция бизни сўроқ қилавериб, хикилдоққа келтиришди... Қани, сиз тухумдан кесиб еб туринг, мен чой дамлаб келай.

Ёзувчининг ранги кув ўчди, илгариги хушчакчак кайфиятидан асар ҳам қолмади. Тухумни кўнгли тортиб-тортмай, сал чўкилаган бўлди, сўнг бошқа нарсалардан тамадди қилди. Бир оз ўзига келгач: “Бугун нечанчи число? “Хотинимнинг туғилган кунига етиб бормасам бўлмайди”, деб шошилганча нарсаларини йиғиштира бошлади.

### *Ўрмончилар эртаги*

Хўжалик раҳбарлари устидан юмалок хат тушибдими, бошқа сабабданми, ҳар ҳолда ўрмонни текширгани марказдан тафтишчилар келишибди. Улар Тўқайқишлоқ кўчалари бўйлаб келаётганда, бу ерларнинг “козир”лари бўлмиш Лайботир ва Олапарнинг уларга кўзлари тушиб қолибди.

Лайботир: “Ҳей, Ола, узоқ вақтлардан бери беғоналарни учратмаган эдик. Кел, сен бир ёндан, мен бир ёндан борайлиг-у шуларни копиб бир хумордан чиқайлик”, дебди. Шунда Олапар: “Ўйлаб гапир, Лай, қўлтиғидаги попкага қараганда, хўжайинларга ўхшаяпти. Таласак, энамизни Учкўрғондан кўрсатиб кўйишмасин”, деган экан, Лайботир бирдан хушёр тортибди:

– Шундоқми? Оқибатини ўйламабман. Кел, ҳеч бўлмаса, итлик шаънимизни сақлаш учун бир мартадан вовиллаб кўяйлик...

### *Кўса Мўса*

Маллабек ўрмончи кўнғир сариқ соқолини силаб туриб, кўса Мўса ўрмончининг китик патига тегмоқчи бўлибди:

– Ҳой, Мўса, сен нега кўса?

– Пешонамга ёзилгани шу экан-да, – дебди кўса Мўса. – Янги туғилганимда ўғил болалар бу

ёкка юринглар, фаришталар сизларга сокол таркатади, деб қолишди. Кечроқ қолиб борган эканман, қарасам, қора соколлар тугаб кетибди. Сарик соколда юргандан ўлганим яхши, деб олмай кетавергандим ўшанда.

### *Мия*

Яхёхон Сарикамиш кўлига илмий сафарга келиб қолди. Қайтишида кўл мутасаддиларидан бўлган Собир унинг сафар тўрвасига тўрт-бешта балик солиб берди.

Яхёхон уйига қайтгач, тўрвани хотинига тутказиб дебди:

– Мана, аяси, Собир дўстим ўз кўли билан овлаган балиқларни яхшилаб ковулинг, болалар бир мазза қилсин... Айтгандай, буларни боши ҳам кўшиб ковриладими?

– Албатта, дадаси. Бўлмаса, баракаси қолармиди?

Яхёхон бу гапни эшитиб: “Ундок бўлса, локал миясини олиб ташлаш керак”, деса, хотини мийгида қулиб, қочирим қилибди:

– Вой дадаси-ей, балиқда мия нима қилсин, мияси бўлганда, Собир дўстингизнинг қармоғига тушармиди?

### *Ҳакка ва Лайлак*

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари экан, Лайлакнинг бир оёқда турганини кўрган Ҳакка дебди:

– Ҳой Лайлактўра, хануз бир оёқда турибсанми? Ўтган асрда “нега бир оёқда турибсан”, деб сўраганимда, “иккинчи оёғимни ҳам кўтарсам йиқилиб тушмайманми”, деган эдинг. Хўш, энди қандай баҳона топиб қўйдинг?

Шунда Лайлак дебди:

– Кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш шу даражада жадаллашиб кетдики, тўқайда иккинчи оёғимни кўйишга жой қолмади.

### *Зиндон*

Манбаларнинг хабар беришича, Амир Умархон ўз салтанатидаги зиндонлардан бирини тўқай ичидаги Ермасжид қароргоҳи яқинига қурган экан. Хон ҳазратлари Муборак Рамазон кунларидан биринда бандилар ҳолидан хабар олмоқ истагида мазкур зиндонга борибди. Зиндонга кириб, маҳбусларга ифторлик таркатибдилар-да, уларнинг арзини тинглай бошлабдилар. Маҳбусларнинг барчаси ўзининг бегуноҳ эканлигини исботлашга тушибди, фақат бир киши ҳақиқаттан ҳам айб иш қилганига иқрор бўлиб тураверибди. Шунда хон зиндончига қараб дебди:

– Манави гуноҳкорни зиндондан чиқариб юборинг, бу ердаги бошқа гуноҳсиз фаришталарни йўлдан урмасин.

### *Қилмишига яраша*

Тўқайқишлоқда бир ўрмончи яшаган экан. Бир куни қўшнисининг ити унга ташланса, қўлидаги болта билан бошини чопиб кўйибди. Итнинг эгаси чиқиб: “Қанақа одамсиз, итни қўрқитиш учун болтанинг сопи билан урсангиз ҳам бўларди-ку”, деса, у нима дермиш:

– Итнинг оғзи билан тишлади, болтада чопдим. Агар менга думи билан ташланганида, мен ҳам болтанинг сопида урган бўлардим.

## Ҳасса

Ўрмон хўжалигида узок йиллар халол меҳнат қилган кекса ўрмончи Султонкабир ака қатта тантана билан пенсияга узатилди. Ана зиёфату ана совғалар. Совғалар орасида шамшоддан қилинган, нақш ўйилган, бандига қумуш безак ўрнатилган гўзал бир ҳасса ҳам бор эди. Султонкабир ака ҳамманинг кўзини куйдириб, ҳассани бир неча кун тутиб юрдилар.

Лекин, ҳасса узунлик қилиб, ўйлаб-ўйлаб, охири чорасини топибдилар-у, ҳассанинг юқори қисмидаги бир қарич безакдор қисмини кесиб ташлабди. Яқин дўсти Мамадали ака ҳассанинг аҳволини кўриб: “Нима қилиб қўйдинг, тентак, пастидан кессанг ўлармидинг”, деса, Султонкабир ака: “Тепаси баландлик қилганидан кейин, тепасидан кесаманда”, дер эмиш.

## Саранжомли хотин

Ўрмон хўжалигининг Абдусамад бўлимида бир эр-хотин ишлар эдилар. Эри вафот этгач, раҳбарият унинг хотинига Қурбон хайити арафаси бир қўй бердириб юборди. Икки-уч кун ўтказиб, бўлим бошлиғи Икромжон иккита халтақоғозни тўлдириб, хабар олгани кирибди, хол-аҳвол суриштирибди:

– Ҳа опа, ўтирибсизми? Қурбонлик қўйни саранжомлаб олдингизми?

– Икромжон ука, – деб гап бошлабди хотин. – Бир тул хотин бўлсам, қўйни исроф қилармидим? Қўйнинг ҳар бир аъзоси ўз ўрнида иш беради, дунёнинг “кўп”и “оз”дан йиғилади. Масалан, шохини деворга қозик қилиб, сичқон ейиши мумкин бўлган нарсаларни унга илиб қўяман. Курагининг сўнгаларидан юнтарок ясайман. Жунини йигирсам, кичкиналаримга пайпок чиқади. Суякларни шўрва қилиб ичаман, ғажилганларни йиғиб, қозонда роса қайнатаман, чиққан ёғини сузиб олиб, шам

куяман. Ёғдан асар ҳам қолмаган суякларни ўтин қиламан. Терисидан меш тикиб, сув сақлайман. Қорнидаги ахлати қуритилса, яхшигина тутантирик бўлади. Ичак-чавоғи, ўпка-юраги тузлаб қуритилса, киш бўйи шавлага солинаверади. Қонини котириб, идишга солиб кўяман, янги қозон олсам, уни қайнатиб, ёғлашда асқатади...

Икромжон буларни анграйганича тинглаб бўлиб, аёлнинг тежамқорлигига қойил қолганча дебди:

– Опа, бизникига бориб, уйдагиларга ҳеч бўлма-са, суякни тозароқ ғажошни ўргатиб келинг.

### Ҳукм

Жўра ўрмончи билан Тўра ўрмончи ўз худудларини назорат қилиб юрган эдилар, иттифоқо тўкайга адашиб кириб ҳар икки худуд чегарасида ўтлаб юрган кўйни кўриб қолдилар. Кўйнинг эгаси топилмагач, ўрмончилар талашиб қолдилар. Охири ҳар иккиси кўйнинг икки қулоғидан ушлаб, бўлим идораси томон юрдилар. Шу куни ўрмон хўжалиги қонуншуноси Азамжон Ҳайитов идора иши билан бўлимга келган эди. Кўй талашганлар уни кўриб қолиб: “Э, Азамжон бормисиз? Сиз ҳуқуқ маҳкамаларида ишлаган тажрибали ҳуқуқшуносиз, бизнинг жанжалимизни эшитиб, ҳукм чиқариб берсангиз” деб, воқеани баён қилдилар. Азамжон ўйлаб туриб: “Майли, кўй мижаросини ҳал этаман. Бироқ, қандай ҳукм чиқарсам, рози бўлиш ҳақида сўз берасизлар”, деб таъкидлабди. Ҳалигилар бунга рози бўлиб, сўз берибдилар. Шундан сўнг Азамжон “Кўйнинг қулоқларини кўйиб юборинглар” дебди. Улар кўйнинг қулоқларини кўйиб юборишган эди, Азамжон бўйинбоғини кўйнинг бўйнига солдида, етаклаб кетаверди. Ҳалигилар оғзиларини очганича қолавердилар.

Кейин суриштиришса, кўй Азамжонга тегишли экан.

## БАҒРИКЕНГЛИК ЁКИ МАНСУРХЎЖА ҲАКИДА

Мансурхўжа Қўконда доврукли одам – каттадан-кичик, ҳамма уни жуда яхши танийди. Ўрта бўй, истараси иссиқ бу одамнинг чехрасидан табассум аримайди. Дўстликнинг кадрига етади, якин одамларига жону жаҳонини бағишлашга тайёр. Мансурхўжа ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, тақдир замзамаларидан кўп қимматли хулосалар чиқариб олган. У дунё кезган, ҳаж зиёратига бориб келган. Фарзандлар кўрган, якин одамларидан айрилиқ изтиробларини ҳам бошидан кечирган. Шоиртабиат. Фақат кўчма маънода эмас. Бир нечта шеърини китоблар чиқарган. Эсселар ҳам ёзиб туради. Тарихий тадқиқотларга ҳам майли бор. Яқинда “Ер ости сирлари” деган бир тадқиқотини эълон қилди. Унда Қўкондаги баъзи қабристонларда мангу маскан топган бир қанча улуғ алломалар ва зоти муборақларнинг хотирасини тиклашга уринган. Унинг бунақа савоб ишлари кўп. Ўзи жуда серзавқ одам. Завқи кўзиб кетганда, ҳаяжондан энтикиб кетади, гапи оғзига сиғмай қолади. Бу одам шеър ёзгани билан касби шоирлик эмас, шунчаки кўнгил иши. Унинг бошқа асосий касби бор.

У – ўрмончи, Қўкон ўрмон хўжалигининг бошлиғи. Ўз ишини жуда яхши билади, яхши биладиган эмас, жон-дилидан яхши ҳам кўради. Ишнинг кўзини билади. Шунинг учун жуда оғир иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам унинг хўжалиги муттасил даромад олиб келмоқда. Шунинг учун бу соҳанинг мутасаддилари бошқа ўрмон хўжалиқларида ҳам Мансурхўжа тажрибаларини кенг ёйиш устида бош қотиришади, у ерда турли семинарлар ўтказишади. Шу тарзда у неча йиллардан бери табиат неъматларини асраш ва кўпайтириш соҳасида самара билан меҳнат қилиб келмоқда.

Шу фазилатлари етмагандай, Оллоҳ унга яна бир сифат ато қилган – у жуда очик кўнгил, савватпеша, меҳмондўст одам. Қўконга келган ошна-оғайниларига бир пиёла чой қуйиб бермаса кўнгли жойига тушмайди. Таникли адиб Дадахон Нурий “Олтин девор тиркишидан” деган китобининг кўпгина саҳифаларини Мансурхўжага бағишлаган. Унинг ёзишича, Қўконга келган бирор кадрдон унинг олдига бормаи кетса, Мансурхўжа унинг кетидан ҳатто Довонгача кувиб бориб, орқасига қайтариб олиб кетиб, меҳмон килиб, кейин жўнатар экан. Мен бу гапни ёзувчиларга хос бўлган одатдаги бир муболаға деб ўйлаган эдим, лекин Мансурхўжанинг меҳмондўстлигини ўз кўзим билан кўргандан кейин бунинг чинлигига амин бўлдим. Ўшанда биз Ўткир Ҳошимов билан Бешариқда дам олаётган эдик. Бир куни Қўконга тушдик, у ердаги танишларимиздан бирининг хузурида Мансурхўжа билан танишдик. У бизни кўярда-қўймай, ўз салтанатига олиб кетди.

Қўконнинг шундоққина биқинидаги Найманча деган жойдан дарё томон кетдик. Бир-икки кишлоқдан ўтдик, кейин ҳақиқий ажойиботлар бошланди. Биз ҳақиқий Саҳройи қабирга кириб қолдик. Йўлнинг икки томони кўз илғамас даражада кум. Баъзан улар текис ёйилиб ётади, баъзан эса кум барханлари тоғдай қад кўтарган. Мен ҳатто уларни кўрганда устимизга ёпирилиб қолмаса гўргайди деб ваҳимага тушдим. Буни қарангки, ўзим Қўконлик бўлиб, шунча йилдан бери Марказий Фарғонада бепоён кумлоқлар борлигини билатуриб, ўнлаб марта Қўконга келиб-кетиб юриб, унинг ёнгинасида шунақа жойлар борлигини билмаган эканман. Кумлоқлардан ўтиб, дарё бўйига бордик, унинг қирғоғида ўтириб роса меҳмон бўлдик. Қайтишда эса яна бир мўъжизага рўпара келдик. Йўлнинг бир

жойида бир эшак арава кўндаланг туриб қолган, ўтиб кетишнинг иложи бўлмади. Араванинг эгаси – кексайиброк қолган, аммо ҳаракатлари бардам ва тетик бир киши отимизни айтиб, эски кадрдонлардек кўришди.

– Мен бу ерларда қовун экман. Сизларнинг келганларингизни эшитиб, аравада қовун олиб келдим. Шунини олиб кетмасанглар, қаттиқ хафа бўламан.

Биз кўнмадик – қовун кўп эди, – уни машина-мизнинг юкхонасига сиғдиришнинг иложи йўқ эди. “Майли, биттасини сўйинг, шунини, ўзи етади” дедик. Шу ерда, кўчанинг қок ўртасида туриб, машинанинг юкхонаси устида битта қовунни паққос туширдик. Қовун жуда ширин эди. Лекин бу билан иш битмади – деҳқон бобо “қовунни бошқа олмаймиз”, деганимиздан астойдил хафа бўлди. Чор-ночор ўнтача қовунни машина юкхонасига ортишга мажбур бўлдик. Кейин билсак, бу мўъжиза Мансурхўжанинг иштирокисиз бўлмаган экан.

**Озод Шарофиддинов,**  
*Ўзбекистон Қаҳрамони,*  
*2003 йил*

## МУНДАРИЖА

Кулги соғинчи ( <i>А.Обиджон</i> ) .....	4
Кўнглимдагини бир тўқдим-да .....	5
Тўқай хангомалари .....	133
Бағрикенглик ёки Мансурхўжа хақида ( <i>О.Шарофидинов</i> ) .....	141

---

### Мансурхўжа Хўжаев

#### АЙТМАЙ ДЕЙМАН-У... БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР-ДА

*Ҳаётини хангомалар*

“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2013

Мухаррир *Улугбек Раҳимов*  
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*  
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*  
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*  
Мусахҳих *Фарзона Ҳайдарзода*

Нашр лицензияси А1 № 201, 28.08.2011 йил.

Теришга берилди 05.12.2012. Босишга рухсат этилди 06.05.2013. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет босма. Шартли босма табағи 7,56. Нашриёт-ҳисоб табағи 6,01. Адади 1000 нусха. Буюртма № 2982. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Sharq” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.